ГУЛИСТОН

3
1982

Тошкент область, Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхозининг илғор сут соғувчилари Шоҳида Кенжаева [чапда] ва Ғулжон Раимбоева соғин сигирлардан сут олишда юқори кўрсаткичларга эришмоқдалар.

А. АБАЛЬЯН фотоси

Сирдарё районидаги «Ленинград» колхози сут-товар фермасининг молбоқари Қайнар Тўқмонов ўзига бириктирилган 140 бош соғин сигирни тўйимли озуқалар билан боқиб, говмишларнинг сутини оширишга эришмоқда.

А. ТЎРАЕВ фотоси

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Советн Президиумининг Раиси ўртоқ Леонид Ильич Брежнев Ўзбекистон ССР енгил саноат корхоналарининг ишчи ва хизматчиларини 1981 йилги мажбуриятларнинг муваффақиятли бажарилганлиги билан самимий табриклади. Шу хушхабар муносабати билан 27 январь кунн Тошкентда тантанали митинг бўлди. Минбарда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов.

А. АВАЗОВ ва В. КОВЕЛИН фотоси (ЎзТАГ)

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ГУЛИСТОН

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ойлик ижтимоий-сиёсий, адабий-бадиий журнали

№ 3 (385)

Март

1982

Журнал 1925 йилдан чиқа бошлаган.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг нашриёти

Инв. №

ПАРТИЯ ВА ХАЛҚ ИШИГА САДОҚАТ

ГБ УзССР

29 январь кунн Тошкентда Ўзбекистон Журналистларининг VI съезди бўлиб ўтди. Республика журналист ташкилотларининг вакиллари билан бир қаторда партия, совет, касаба союз, комсомол органлари, жамоат ташкилотларининг вакиллари, совет журналистикаси ветеранлари ҳам съездга келишди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Советн Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси ғоят баланд руҳ билан съезднинг фахрий президиумига сайланди.

Съездда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидов нутқ сўзлади.

ЎРТОҚ ШАРОФ РАШИДОВ НУТҚИ

Ҳурматли ўртоқлар!

Аввало, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети номидан Ўзбекистон журналистлари съездининг қатнашчиларини ва сизлар орқали республикадаги барча журналистларни, матбуот ходимларини, унинг кўп минг кишилик авторлар активини қизғин ва самимий табриклашга ижозат бергайсиз.

Журналистларнинг навбатдаги олтинчи съезди республиканинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим воқеадир. Бу съезд партия ва совет халқи КПСС XXVI съездининг тарихий қарорларини, ўн биринчи беш йиллик планларини амалга ошириш йўлида ғоят баланд руҳ билан самарали ишлаётган ажойиб бир пайтда ўтмоқда.

Партия съездидан буён қарийб бир йил ўтди. Мамлакатимиз бу давр ичида иқтисодий ва социал вазифаларни ҳал этишда янгидан-янги муваффақиятларга эришди. Бу муваффақиятлар партия билан халқнинг бузилмас бирлигини, ривожланган социализм жамиятининг, совет турмуш тарзининг беқиёс афзалликларини яққол кўрсатиб турибди.

Оммавий ахборот воситалари коммунист ва партиясиз журналистлар катта отрядни кўп миллатли мамлакатимиз эришган барча муваффақиятларда, совет кишиларининг дунёқарашини шакллантиришда жуда катта роль ўйнайдилар. Улар ленинчи партиянинг снёсатини тушунтириб, пропаганда қилмоқдалар, меҳнаткашларни съезд қарорларини бажаришга сафарбар қилишда актив қатнашмоқдалар.

Бизнинг партиямиз Ленин васиятларига амал қилиб, коллектив пропагандист, агитатор ва Владимир Ильич алоҳида таъкидлаб ўтганидек, энг муҳими, ташкилотчи бўлган матбуотнинг аҳамиятини юксак даражага кўтарди. Матбуот, телевидение, радио, нашриёт меҳнаткашларининг азиз дўстлари, маслаҳатгўйлари ва мураббийларидир. Улуғ Ленин бутун мамлакат «Ишчи газеталари билан қамраб олинадиган» ва бу газеталар умумпартиявий, умумхалқ ишининг ҳақиқатан ҳам бир қисми бўлиб қоладиган пайт келади, деб башорат қилган эди. Унинг бу сўзлари рўёбга чиқди.

Совет журналистлари XXVI съездда ўртоқ Л. И. Брежневнинг КПСС Марказий Комитети номидан қилган Ҳисобот докладида уларнинг меҳнатига юксак баҳо берилганлигини партияга, унинг Марказий Комитетига самимий миннатдорчилик билан кутиб олдилар:

«Бизнинг партиямиз,— деди ўртоқ Л. И. Брежнев,— совет журналистларининг кўп минг кишилик отрядига зўр ишонч билан қарайди, уларнинг оғир меҳнатини ғоят қадрлайди. Табиийки, оммавий ахборот ва пропаганда воситаларимизнинг ҳамиша партия ва умумхалқ жамоатчилик фикрининг чинакам минбари бўлиб қолишидан ҳаммамиз манфаатдормиз».

Ҳозирги кунда биз Леонид Ильич Брежневнинг кўрсатмалари, КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, снёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарори республика журналистларининг ўз фаолиятини ҳар томонлама такомиллаштиришлари учун уларга қудратли мадад берди, деб мамнуният билан таъкидлаймиз. Журналист кадрларнинг маҳорати ўсиб боряпти. Газета ва журналларнинг материаллари, телевидение ва радиоэшиттиришлар тобора кўпроқ оператив ва актуал бўлиб қолмоқда. Матбуотнинг умумий ғоявий-назарий ва ижодий савияси юксалиб бормоқда.

Оммавий ахборот воситалари эндиликда ижтимоий ҳаётнинг республика иқтисодий тараққиётининг йирик, принципиал масалаларини тобора кўпроқ ўртага қўймоқда ва айни вақтда кундалик проблемаларга катта эътибор бермоқда. Бундай проблемалар миллионларча кишиларнинг манфаатлари ва кайфиятига даҳлдор бўлиб, пировард натижада ижтимоий-снёсий аҳамият касб этади.

Матбуот, телевидение, радиоэшиттириш экономиканн тараққиётининг интенсив йўлига кўчириш, фантехника тараққиётини жадаллаштириш, хўжалик механизмини такомиллаштириш, хом ашё, энергия ва ресурсларни бутун чоралар билан тежаш масалаларини батафсил ёрита бошлади.

Босиб чиқарилаётган мақола ва хабарларнинг ҳамда эшиттиришларнинг янги бўлимлари, рубрикалари, туркумлари пайдо бўлди. Буларда партия ташкилотларининг советлар, касаба союзлари ва комсомолнинг турли-туман фаолияти, меҳнат коллективларининг ҳаёти тўлароқ акс эттирилмоқда.

Матбуот, телевидение ва радиоэшиттириш кишиларни коммунистик руҳда тарбиялашнинг хилма-хил жиҳатларига, ленинча миллий снёсатни, совет кишиларининг дўстлиги ва қардошлигини, социалистик интернационализмни пропаганда қилишга катта эътибор бермоқда.

Журналистларнинг ташкилотлари, редакцияларнинг коллективлари кейинги вақтларда кўпгина яхши ташаббус кўрсатдилар. Бу ташаббус уларнинг омма билан алоқасини янада кўпроқ мустаҳкамлади, обрў-эътиборини оширди. Редакцияларнинг республикадаги йирик қурилишлар, корхоналар ва хўжаликларни оталиққа олиш борасидаги ишлари кенг ривожланди. Ишчи-қишлоқ мухбирлари постларининг сони кўпайди, кенг жамоатчиликни жалб этган ҳолда рейдлар тез-тез ўтказила бошланди. Энг муҳим снёсий ва хўжалик кампанияларини ёритиш учун республика, область, шаҳар ва район матбуот марказларини тузиш соҳасида салмоқли тажриба тўпланди. Бу эса коллектив ташкилотчилар бўлмиш редакцияларнинг ролини, шубҳасиз, кучайтирди. Хуллас, кўп иш қилинди.

Аммо ҳал этилаётган вазифаларнинг миқёслари ва мураккаблиги, кишиларнинг билим савияси, маданияти ўсганлиги, халқаро майдонда идеологик курашнинг кескинлашганлиги идеология борасидаги ҳамма ишларга, шу жумладан матбуот ишига нисбатан ҳам талабларни оширади.

Партия идеология фронтининг бошқа соҳаларидаги каби бу соҳада ҳам босиб чиқариладиган материаллар ва эшиттиришлар мазмунининг ғоявий йўналиши ўткир ва чуқур бўлишини асосий масала қилиб қўймоқда. «Газета ёки журналда босиб чиқариладиган ҳар бир мақоланн, телевидение ёки радионинг ҳар бир эшиттиришини,— деди ўртоқ Л. И. Брежнев,— фактларнинг ҳаққоний ва оператив баён этилишинигина эмас, уларнинг чуқур анализ қилиб берилишини, жиддий умумлашмалар қилинишини ҳам кутаётган кишилар билан жиддий гап олиб бориш деб қараш керак».

Қилинган ишларга ана шу юксак позицияларлан туриб баҳо бериладиган бўлса, шуни айтиш керакки, оммавий ахборот воситаларининг фаолиятини қайта қуриш соҳасидаги катта вазифаларни бажаришда дастлабки қадамлар қўйилди, холос. Ҳозирги кунда энг муҳим нарса нима! Аввало, ҳаммага маълум ҳақиқатларни такрорлайверишдан воз кечиш, расмиятчилик ва шовқин-суронга қарши қатъий кураш олиб бориш, шу куннинг муҳим масалаларига кўпроқ эътибор бериш, ҳаётимизга доир фактларни чуқур анализ этиш, жиддий умумлашмалар чиқариш керак.

Мен бу тўғрида бежиз гапираётганим йўқ, чунки бизнинг матбуотимиз, телевидение ва радиомиз воқелигимизнинг чуқур жараёнларини юзаки ёритаётган, актуал проблемаларни ўртага қўймаётган, ноаниқлик ва хатолари бўлган мақола-хабарларни ҳали ҳам кўп босиб чиқармоқдалар ва эшиттирмоқдалар. Оммавий ахборот органларининг ишида энг яхши ютуқларни, ажойиб новаторларимизнинг, илғор коллективларимизнинг тажрибасини жонли ва тушунарли қилиб кўрсатиб бериш маҳорати ҳали етишмаётир. Бизнинг матбуотимиз салбий ҳодисаларга, камчиликлар ва хўжасизликка қарши ҳамиша кескин, қатъий ва принципиал кураш олиб бораяпти, деб бўлмайди.

Айрим редакциялар ҳамон эскичасига ишламоқдалар, партия комитетлари эса бунга муросасозлик қилмоқдалар, ўз вақтида уларни тўғри йўлга солмаяптилар. Баъзан баландпарвоз рубрикалар пайдо бўладию, уларнинг остида майда фактлар, иккинчи даражали, тасодифий материаллар эълон қилинади. Кўпинча ҳақиқатан ҳам муҳим, жуда зарур проблемаларни қўйишда, ишонтиришда далил-исботлар етарли бўлмайди.

Амалда хўжакўрсин учун қилинган ишга айланиб кетадиган дабдабабозликка ва ҳақиқатни безаб кўрсатишга партия зўр қатъият билан қарши чиқмоқда. Биз матбуотнинг қийинчиликларини, ижтимоий ривожланишнинг мураккаб жараёнларини билимдонлик билан таҳлил этишн, тузимимизга ёт идеология ва ахлоқ кўринишларига қарши муросасиз кураш олиб боришн тарафдоримиз. Айни вақтда камчиликларга танқидий муносабатда бўлиш билан бирга, шу камчиликларни тугатиш юзасидан кенг ташкилотчилик иши олиб бориш ҳам кераклигини бир лаҳза ҳам унутиш керак эмас.

Ленинча принципиаллик билан ўткир танқид қилиш, ишдаги реал камчиликларни очиб ташлаш ва уларни қатъият билан тугатиш керак. Аслида воқелигимизни қоралашга олиб борадиган қуруқ танқидбозликка йўл қўйиб бўлмайди.

Ўртоқ Л. И. Брежнев таъкидлаб ўтганидек, душманлар фойдаланиб қолиши мумкин деган андиша билан жиддий ва амалий танқиддан ҳамда ўз-ўзини танқиддан қўрқиш коммунистларга ярашмайди. Снёсатда ҳам, пропагандада ҳам ҳақиқат бизнинг бош қуролимиздир. Муваффақиятлар тўғрисида ҳам, камчиликлар ҳақида ҳам виждонан гапирмоқ керак. Ошкора айтилган гапни одамлар доимо тушунадилар. Социализмнинг кучи — омманинг онглилигидадир. Биз доимо Ленининнинг мана шу васиятига амал қилиб келдик ва амал қилаверамиз.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети республика журналистларининг ушбу съезди оммавий ахборот воситаларимизнинг фаолиятини партиявий позицияда туриб, принципиал таҳлил этишига, тўпланган тажрибани умумлаштиришга, камчиликларни очиб ташлашга, матбуот, телевидение ва радиоэшиттиришни янада такомиллаштиришнинг конкрет йўлларини белгилашига ишонади.

Газета ва журналларнинг саҳифаларида, телекўрсатув ва радиоэшиттиришларда республикада бунёд этилган қудратли ишлаб чиқариш потенциалидан самарали фойдаланиш масалаларини янада манфаатдорлик билан, янада батафсил ёритиб бориш керак.

Моддий ва меҳнат ресурсларидан тежаб-тергаб, омилкорлик билан фойдаланиш — матбуотимизнинг етакчи мавзуларидан биридир. Партиянинг «Экономика тежамли бўлиши керак!» деган шиори оммавий ахборот воситаларининг ҳам фаолият йўлини белгилаб бериши лозим. Замонамизнинг қаҳрамонона ишларини ва коммунизм бинокори — меҳнат аҳлининг гўзаллиги ва ҳақиқий улуғворлигини яққол тасвирлаб бериш керак.

Кичик шаҳарларда ва қишлоқ жойларда корхоналар, филиаллар ва цехлар барпо этиш, янги қувватларни ишга тушириш, эски корхоналарни реконструкция қилиш сингари муҳим социал проблемага матбуот алоҳида эътибор бериши лозим.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини интенсивлаш вазифаси муносабати билан журналистлар олдида кўпгина мураккаб масалалар пайдо бўлмоқда. Партия билан давлат қишлоқ хўжалигини янада индустрияшага катта аҳамият бермоқдалар ва бу ишга катта маблағ сарфламоқдалар. Шу билан бирга аграр снёсатнинг оғирлик маркази капитал маблағ самадорлигини оширишга, қишлоқ хўжалигининг аграр саноат комплекси ҳамма бўғинларн билан алоқаларини такомиллаштиришга ўтказилмоқда.

Журналистларимиз пахта, дон, сабзавот, мева ва деҳқончиликнинг бошқа маҳсулотларини етиштиришни кўпайтиришга ҳисса қўшишлари керак. Биз чорвачиликни кескин юксалтиришдек жуда муҳим

воситаларининг фаол ва амалий иштирок этишларини кутамиз. Бу тармоқни ўртоқ Л. И. Брежнев қишлоқдаги зарбдор фронт деб атаганлиги бежиз эмас. Бу — озиқ-овқат программасини муваффақиятли амалга оширишнинг энг асосий шартидир.

Журналистикамизнинг вазифаларини бирмунча умумий тарзда олиб кўрадиган бўлсак, оммавий ахборот воситалари партиянинг иқтисодий сиёсати қандай рўёбга чиқарилаётганини доимий равишда ва пухта билиб ёритиши, рекорд натижаларга эришган илғорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши, уларнинг илғор тажрибасини пропаганда қилиши ва жорий этиши, меҳнат ва бошқарувни ташкил этишнинг янги формаларини кенг миқёсда кўрсатиб бериши лозим. Республикамиз, мамлакатимиз, жаҳон социализми ривожини характерлайдиган, сиртдан қараганда, қуруқ бўлиб кўринса ҳам, аммо салмоқдор маънога тўлиқ бўлган кўпгина статистика маълумотларини жозибадор, ишонарли, жонли образлар тилида тасвирлаб бериш жуда муҳимдир.

Матбуот иқтисодий проблемалар билан узвий боғлиқ равишда совет кишисининг маънавий қиёфасини, унинг ғоят юксак ахлоқий фазилатларини бутун тўлалиги билан ва хилма-хил жанрларда очиб беришини ҳаётнинг ўзи талаб қилмоқда. Оммавий ахборот воситалари Ленин партиясининг жўшқин, собитқадам ташкилотчилик ва тарбиявий ишини, совет турмуш тарзининг афзалликларини яққол кўрсатиб бериши керак. Бунда матбуот мана шу ғоят мураккаб социал жараёнларни акс эттирибгина қолмай, ўзи ҳам шу жараёнларни шакллантириш омили, уларнинг одамлар онгига самарали таъсир ўтказиш воситаси эканини назарда тутмоқ керак.

Партиянинг доно ленинча миллий сиёсати тантанаси, совет халқларининг мустаҳкам дўстлиги ва қардошлиги сиёсати масалалари газета ва журналларнинг саҳифаларида, радиоэшиттириш ва телевидение кўрсатувларида кўзга кўринарли ўрин олиши керак. Шу мақсадда Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил этилганлигининг 60 йиллиги байрамига тайёргарлик ишларидан тўлароқ фойдаланиш, бизда қилинган гўзал ишларни, ўзимизда бор нарсаларни муносиб равишда тасвирлаб бериш ва журналистларга хос ўткир зеҳн билан порлоқ истиқболга назар ташлаш керак.

Матбуотимиз, нашриётларимиз, идеология фронтининг барча ходимлари КПСС XXVI съезди қарорлари асосида жамиятнинг маънавий ривожи масалаларига эътиборни кучайтиришлари, партиянинг социал сиёсати вазифаларини ҳал этишга ленинча талаблар билан ёндашишлари лозим.

Шу нуқтаи назардан олганда, фан, халқ маорифи, соғлиқни сақлаш, маданият, адабиёт ва санъатни ривожлантириш йўлларини ёритиш муҳим аҳамият касб этади. Аҳоли, айниқса қишлоқ аҳолиси турмуш маданиятини ошириш, физкультура ва спортни оммавий равишда ривожлантириш билан, атеистик тарбия, янги социалистик урф-одатларни кенг жорий этишга доир материаллар катта ўрин олиши керак.

Интизомни бузиш ҳолларига қарши сабот билан курашиш, оммани сиёсий жиҳатдан ва меҳнатсеварлик руҳида тарбиялаш партия ташкилотлари фаолиятининг ўзаги бўлиб қолишига тинимсиз ҳаракат қилиш лозим.

Биз худбинлик, юлғичлик, текинхўрлик, чайқовчилик, порахўрлик, ўғирлик фактларига қарши ва жамият манфаатларига зид бошқа кўринишларга қарши курашни кенг авж олдиришимиз, бу курашни муросасизлик ва шафқатсизлик билан жўшқин олиб боришимиз керак.

Бу проблеманинг бошқа бир жиҳати — онгли ҳаётнинг дастлабки қадамлариданоқ инсонда оқилона эҳтиёжларни: жамиятдан қиладиган даъвосини ўзининг меҳнат ҳиссаси билан қиёс эта билиш маҳоратини ҳосил қилишдан иборат. КПССнинг чуқур принципиал ва олисни кўзловчи ташқи сиёсий фаолиятини, ўттиз олти йилдан бери урушга йўл қўймаслик имконини бериб келаётган тинчлик стратегиясини тушунтириш ва пропаганда қилиш ишини доимо диққат марказида тутиш барча оммавий ахборот ва пропаганда воситаларининг вазифасидир.

Социалистик тузумни бадном қилишга уринаётган империалистлар пропагандасига қарши курашни кучайтириш зарур. Матбуотимиз бу туҳматни конкрет мисоллар билан фош қилиб ташлаши, идеология соҳасидаги фисқу-фасодларга кескин зарба бериши, одамларга социалистик тузум тўғрисидаги, жаҳоншумул тарихий ютуқларимиз ҳақидаги ҳақиқатни тушунтириб бериши керак. Социалистик жамият ҳамиша совет кишиларининг ватанпарварлигини доимо эсда тутиш лозим.

Ўртоқлар!

Матбуотнинг обрў-эътибори, кучи ва таъсири кўп жиҳатдан унинг кенг меҳнаткашлар оммаси билан чамбарчас алоқаси орқали белгиланади. Шу алоқаларни бутун чоралар билан мустаҳкамлаш, меҳнаткашларнинг хатларига эътибор билан қараш зарур.

Ишчи ва қишлоқ мухбирлари ҳар бир редакциянинг олтин фондидир. Бир республикадаги ишчидеҳқон мухбирлари ҳаракати ҳам миқдор, ҳам сифат жиҳатидан муттасил ўсиши учун, уларнинг самарали фаолияти жамоатчиликнинг кенг миқёсдаги мадади ва эътиборига сазовор бўлиши учун ҳамма ишни қилишимиз керак.

Газеталаримизнинг, телевидение ва радионинг ишини яхшилаш, аввало, журналистларнинг ўзига, уларнинг марксча-ленинча жиҳатдан тайёргарлигига, ғоявий чиниққанлиги ва профессионал маҳоратига боғлиқ. Совет журналисти — аввало, сиёсат ва жамоат арбобидир, давр йилномасини яратувчидир. Республика оммавий ахборот органларида юқори малакали, ҳар томонлама билимдон журналистларнинг катта отряди ишлаб турганликларини мамнуният билан қайд этамиз.

Аммо ҳаёт бир жойда турмайди. Ҳозир ҳаёт ўртага қўяётган юксак талаблар уларнинг зиммасига ўз назарий ва профессионал билимларини такомиллаштириш, материалларнинг ғоявий ва адабий савиясини ошириш тўғрисида ғамхўрлик қилиш мажбуриятини юклайди.

Журналистларнинг меҳнати мураккаб, кўп қиррали бўлиб, доимий ижодий изланиш билан ўтади. Журналистикадаги форма ва мазмун диалектикаси тақозоси билан муаллифнинг фикри равшан, яққол ва ишонарли бўлган тақдирдагина у ўқувчи ёки тингловчи дилига йўл топади.

«Одамлар билан содда ва тушунарли тилда, ошкора ва амалий равишда гаплашишни қоида қилиб олиш зарур,— деб уқтирди Леонид Ильич Брежнев.— Баландпарвоз сўзлардан, расмиятчиликдан ва сийқа такрорлардан воз кечиш пайти келди. Ҳар бир иборага ўзингнинг жонли фикрингни, ўз ҳис-туйғуларингни қўшиб ёзишга одатланиш керак.

Бу — ҳеч эътироз билдириб бўлмайдиган иш бўлиб туюлса ҳам, аммо бунга эришиш осон эмас!»

Ҳа, бунга эришиш осон эмас, лекин эришиш керак, эришиш жуда зарур. Чунки газета ва журналларнинг материаллари, телевидение кўрсатуви ва радиоэшиттиришларнинг таъсир кучи айни бадиий маҳорат савияси билан белгиланади.

Ўртоқлар, бизда публицистиканинг айни мана шундай, партиявий доно ва жўшқин, қалб қўри билан йўғрилган ажойиб намуналари бор. Леонид Ильич Брежневнинг «Кичик ер», «Тикланиш», «Қўриқ», «Эсдаликлар» китоблари совет кишиларининг маънавий ҳаётида жуда катта воқеа, совет турмуш тарзининг дарслиги бўлиб қолди. Бу асарларда замонамиз қаҳрамонининг — коммунизм идеалларига мувофиқ яшовчи келажак кишисининг қиёфаси гавдалантириб берилган.

Журналистик маҳоратни ошириш проблемаси мураккаб проблемадир. У кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш системасини ҳам, редакциялардаги ижодий вазиятни ҳам ўз ичига олади.

Шу муносабат билан мен журналистлар коллективида чинакам ижодий вазиятни, ҳар бир ходимнинг қобилияти ҳақиқатан ҳам тўла-тўкис намоён бўладиган, унда маҳоратни ошириш учун, севикли ишни доимо такомиллаштириш учун яхши шароит бўладиган маънавий этик иқлимни вужудга келтиришда редакторнинг ролига алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман. Жуда кўп нарса редакторга, унинг принципиаллигига, одобига, эътиборига боғлиқ. У — ижодий коллективнинг раҳбаридир. Такрор айтаманки, ижодий коллективнинг раҳбаридир. Бинобарин, у сатрларнинг миқдори учун эмас, шу сатрларнинг сифати учун масъулдир.

Ҳозирги шароитда редактор журналистикани — ўзи раҳбарлик қилаётган одамларнинг касбини чуқур билиши керак. У партия ташкилоти, партия комитети ҳал этаётган вазифаларни жуда яхши билиши лозим. У ўз коллективига ёрдам, маслаҳат бера оладиган, уни жипслаштирадиган, руҳлантира оладиган бўлиши керак. Редактор журналистларнинг турмушини яхшилаш соҳасидаги мураккаб масалаларни ҳал этиши лозим. Аммо у йўл қўйилган нуқсонлар ва хатолар учун қаттиқ жавоб талаб қилишга ҳам мажбур. Халқ орасидаги «Айтилган гап — отилган ўқ» деган мақолнинг жуда чуқур маъноси бор.

коллективи ишида, бутун редакцион коллегия ишида пешқадамлик қилмоғи, бинобарин, бу пешқадамликнинг амалий, шижоатли бўлиши, шу коллектив ишининг пировард натижаси эса муттасил юксак бўлиши кўп жиҳатдан редакторга боғлиқдир.

Редакторгина талабчан бўлиб қолмасдан, тегишли партия комитети ҳам ўзининг матбуот органига ва унинг редакторига нисбатан талабчан бўлиши керак. Улар бир хил вазифаларни ҳал этадилар, бас, шундай экан, бу вазифаларни амалга ошириш соҳасида ҳам бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилиш зарур.

Матбуот, телевидение, радио, нашриёт ходимларининг малакасини янада такомиллаштириш учун, ҳар бир оммавий ахборот органига, матбуотнинг ҳар бир материалига жонли, ижодий характер бахш этиш учун республика Журналистлар союзи ва унинг жойлардаги ташкилотлари фаолиятини янада кўпроқ активлаштириш керак.

Матбуот, телевидение, радио, китоб нашриётчилигига моҳирона партиявий раҳбарлик қилинган тақдирдагина бу соҳадаги бой имкониятлар тўлатўкис намоён бўлиши мумкин.

Шунга эришиш керакки, партия органлари матбуотимизни иқтисодий ва социал тараққиётнинг туб проблемаларини ҳал этишда актив қатнашишга сафарбар қилсинлар, матбуот материалларининг таъсирчанлиги тўғрисида кўпроқ ғамхўрлик қилсинлар, катта ижтимоий аҳамиятга эга бўлган салмоқли материалларни рағбатлантирсинлар.

Партия, совет матбуотимизнинг асосчиси Владимир Ильич Ленин партиявий публицистиканинг вазифасини —«Замон тарихини ёзиш»,— ёзганда ҳам партия билан халқнинг амалий ишига сезиларли ёрдам берадиган тарзда ёзиш, деган ибора билан белгилаб берган эди.

Амалий ишларимиз ҳақида гапирганда, Ўзбекистон меҳнаткашлари ўн биринчи беш йилликнинг иккинчи йили — 1982 йилга комил ишонч билан қадам қўйганликларини мамнуният билан қайд этмоқчимиз. Ишчилар ва колхозчиларнинг, барча меҳнаткашларнинг қаҳрамонона куч-ғайратлари туфайли республика ўтган йилги топшириқларни шараф билан тўла ва ошириб бажарди. Бу шонли ғалабаларда журналистларнинг катта ҳиссаси борлигини ҳам алоҳида мамнуният билан қайд этамиз.

Оммавий ахборот ва пропаганда воситалари барча ходимларига, ҳамма ишчи ва қишлоқ мухбирларига уларнинг оғир, масъулиятли ва олижаноб меҳнати учун самимий раҳматлар айтамиз!

Янги бошланган йилда республика олдида янада масъулиятли вазифалар турибди. Саноат ишлаб чиқариш ҳажмини 5 процент, халқ истеъмол қиладиган моллар ишлаб чиқаришни 6,5 процент кўпайтиришни таъминлашимиз лозим.

Янги қувватларни муддатидан илгари ишга туширишни таъминлаш, олти миллион квадрат метрдан кўпроқ уй-жой қуришни, юз минг гектарга яқин янги суғориладиган ерлар ўзлаштирилишини таъминлаш зарур.

Қишлоқ меҳнаткашлари беш миллион 950 минг тонна пахта, шу жумладан, 395 минг тонна энг қимматбаҳо ипак пахта етиштиришга, давлатга бир миллион тонна дон, 1 миллион 700 минг тонна сабзавот, 600 минг тонна полиз маҳсулотлари, 750 минг тонна мева ва узум топширишга сўз бердилар. Чорва туёғини анча кўпайтириш, унинг маҳсулдорлигини ошириш ва 286 минг тонна гўшт, 815 минг тонна сут, бир миллиард донадан кўпроқ тухум тайёрлаш лозим.

Қабул этилган мажбуриятларни муваффақиятли бажариш учун меҳнаткашларнинг бутун кучи, ғайрати, маҳорати ва билимини сабот билан сафарбар қилиш, партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг ташкилотчилик ҳамда сиёсий фаолиятини муттасил такомиллаштириш керак. Бу ишда республика партия ташкилотининг содиқ ёрдамчилари бўлмиш оммавий ахборот воситаларининг, кўп минг кишилик журналистлар армиясининг роли каттадир, албатта.

Ўзбекистон журналистлари шу қийин, фахрли ва масъулиятли вазифани шараф билан бажарадилар, деб ишонч билдиришга рухсат этгайсизлар.

Съездингиз ишига муваффақият тилашга, сизларга ва сизлар орқали матбуот, телевидение, радиоэшиттириш, нашриётларнинг барча ходимларига сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, кўпдан-кўп қувонч, аъло кайфият ҳамда КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съезди қарорларини бажариш учун, СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун курашда катта ижодий муваффақиятлар тилашга ижозат бергайсизлар.

АЪЛО НАВ—
ҲОСИЛГА ГАРОВ

Беш йиллик режалари амалда

Меҳнат Қизил Байроқ орденли Г. Зайцев номидаги Бутуниттифоқ ғўза селекцияси ва уру чилиги илмий-тадқиқот институти мамлакатимиздаги йирик илмий марказлардан биридир. Институт олимлари пахтанинг истиқболли навларини яратиш ва уларни ишлаб чиқаришга жорий этиш соҳасида самарали ишлар олиб бормоқдалар. Мухбиримиз Шомурод Сиддиқов мазкур институтда бўлиб, институт директори, СССР Давлат мукофоти лауреати, қишлоқ хўжалик фанлари доктори Содиқ Мираҳмедов, қишлоқ хўжалик фанлари кандидати, селекционер Раҳим Исаев, ўрта толали пахта навлари селекцияси лабораторияси мудири, қишлоқ хўжалик фанлари кандидати А. И. Тишин ва ингичка толали пахта навлари селекцияси лабораториясининг мудири, қишлоқ хўжалик фанлари кандидати Мадарис Эҳсонов ўртоқлар билан янги навлар ва уларнинг самарадорлиги ҳақида суҳбатлашди. Қуйида шу суҳбат мазмунини эътиборингизга ҳавола қиламиз.

С. Мираҳмедов:— Аввало, институтимизнинг ташкил топиш тарихи ва унинг мамлакатимизда пахтачиликни ривожлантиришдаги роли ҳақида гапиришни истардим. Мазкур илмий марказнинг вужудга келиши ва тараққиёти атоқли рус олимлари — Г. С. Зайцев, А. М. Мальцев, П. А. Баранов, С. С. Канашнинг номлари билан боғлиқдир. Дастлаб 1924 йилда Туркистон селекция станцияси ташкил этилди.

Станциянинг ижодий коллективи беш кишидан — Г. С. Зайцев, Я. Д. Нагибин, С. С. Канаш, А. М. Гастева, А. И. Беловдан иборат эди. Бу машҳур селекционер олимлар Туркистон ўлкасида пахтачиликни ривожлантиришнинг, биринчи навбатда, пахта селекциясининг назарий ва амалий асосларини ишлаб чиқдилар. 1929 йилга келиб станция Бутуниттифоқ пахтачилик илмий-тадқиқот институтининг Марказий селекция станциясига айлантирилди. 1960 йилда эса станция заминида Ғўза селекцияси ва уруғчилиги илмий-тадқиқот институти ташкил этилди. Бу хил ташкилий ишларнинг амалга оширилиши илмий тадқиқотлар кўламини кенгайтириш ва унинг самарадорлигини таъминлаш учун катта имкониятлар яратди. Институт эндиликда пахтачилик фанини, селекция ва уруғчилик ишларини ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшаётган йирик илмий-ишлаб чиқариш маркази бўлиб қолди. Шуни мамнуният билан қайд қиламизки, пахтанинг юқори ҳосилли ва сифатли тола берадиган навларини ҳамда республикамизда селекция ва уруғчилик ишларининг мустаҳкам пойдеворини яратишда академиклар Г. С. Зайцев ва С. С. Канашнинг хизматлари жуда каттадир. Ғўза селекцияси фанини янги кашфиётлар билан бойитган ажойиб олимларимиз Л. В. Румшевич, А. И. Автономов, А. Дадабоев, Ш. Иброҳимов ва М. И. Истоминларнинг ҳам хизматлари беқиёсдир. Академик А. И. Автономов ингичка толали ғўзанинг дастлабки навларини яратиб, ипак пахтани кўпайтиришга салмоқли ҳисса қўшган бўлса, селекционер олим Л. В. Румшевич 1947 йилда энг самарали «108-Ф» ўрта толали навни яратиб, пахтачилик фанида бурилиш ясади. Бу, тўқимачилик саноатимиз учун жуда керакли бешинчи тип тола берадиган нав бўлиб, унинг уруғи ҳар йили республикамизда бир неча ўн минг гектар ерга экилмоқда. «108-Ф» навининг ўрнини босадиган навлар ҳали бизда кам. Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир-аъзоси, ажойиб селекционер олим Акрам Дадабоев 30-йилларда пахтанинг дастлабки «Ғўза» навини яратди ва кейинги селекция ишлари учун кенг имкониятлар очиб берди. Ҳамкасабамиз, қишлоқ хўжалик фанлари доктори ҳурматли Шукур Иброҳимов эса ҳозир Бутуниттифоқ пахтачилик илмий-тадқиқот институти директорининг ўринбосари бўлиб ишлаш билан бирга жамоатчилик асосида институтимизнинг ғўза мутагенези лабораториясига раҳбарлик қилмоқда ва селекция ишларини такомиллаштиришга муносиб ҳисса қўшаётир. Биз шу мўътабар устозларимизнинг муносиб шогирдлари сифатида уларнинг илмий анъаналарини бугунги кун талаблари бўйича давом эттирмоқдамиз.

Институтимизда Ғўза ва беда селекцияси, Ғўза уруғчилиги ва ғўза уруғшунослиги, Ғўза генетикаси ва иммунитети, Илмий-техник ишларни ташкил этиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш каби бўлимлар бўлиб, ҳар бир бўлим қошида бир нечта лаборатория ишлаб турибди. Совет ҳокимияти йилларида мамлакатимиз пахтачилигида бир юз қирқдан ортиқ ғўза нави яратилиб, ишлаб чиқаришга жорий этилди, беш марта нав алмашув системаси амалга оширилди. Бундай кенг кўламли ишларда, шубҳасиз, бизнинг олимлар коллективимизнинг ҳам муносиб ҳиссалари бор. Ҳозир мамлакатимиз пахта ҳосилдорлиги жиҳатидан ва ялпи маҳсулот тайёрлаш бўйича жаҳондаги пахта экадиган мамлакатлар ўртасида биринчи ўринга чиқиб олди. Бу улкан ютуқда кўп мингли пахтакорларимиз билан бирга биз олимларнинг ҳам ўз улушимиз бор.

Селекционер олимларимиз айниқса кейинги йилларда жуда самарали тадқиқотлар олиб бормоқдалар. Ўнинчи беш йиллик давомида Иттифоқимизда пахтанинг янги ўн етти нави, жумладан, ингичка толали пахтанинг беш нави районлаштирилди. Бу навларнинг ҳаммаси нисбатан яхши тола сифатига эга бўлиб, юқори ҳосилдордир. Илғор хўжаликларнинг тажрибали пахта усталари бу навлар экилган майдонларнинг ҳар гектаридан 50—60 центнердан ҳосил олмоқдалар. Албатта, биз селекционер олимлар эришилган бу муваффақиятлар билан чекланиб қолмаймиз. Чунки партиямиз тарихий XXVI съезди қарорларида илмий муассасаларнинг коллективлари олдига ҳам юксак вазифалар қўйилди. Дарҳақиқат, «80-йилларда халқ хўжалиги ривожланадиган шароитлар фан-техника тараққиёти жадаллаштирилишини яна ҳам кўпроқ зарур қилиб қўяди», деб таъкидлади ўртоқ Л. И. Брежнев партия XXVI съездига қилган ҳисобот докладида.

Институтимиз олимлари илмий тадқиқотларни партия ва ҳукуматимизнинг мана шу кўрсатмалари асосида ташкил этмоқдалар. Коллективимиз ўн биринчи беш йиллик даврида селекция ва уруғчиликка доир илмий изланишларни янада такомиллаштириш ва ғўзанинг янада самарали навларини яратиш борасида тинмай меҳнат қилмоқдалар.

Институтнинг кўргазмалар залига кирган киши ўзини оппоқ пахтазорда юргандек ҳис этади. Бу ерда селекционер олимларимиз томонидан яратилган пахта навларидан намуналар қўйилган. Кўргазмалар залида институт директори, машҳур селекционер олим Содиқ Мираҳмедов ингичка толали пахта навлари селекцияси бўлимининг мудири, қишлоқ хўжалик фанлари кандидати Мадарис Эҳсонов билан нисбатан баланд ўсадиган янги ингичка толали пахта навининг ҳосилини кўздан кечирмоқдалар.

Н. ШАРИПОВ фотолари

А. И. Тишин:— Содиқ Мираҳмедович ўз сўзларида, камтарлик қилиб, пахтанинг самарали навларини яратишдаги ўз хизматларини четлаб ўтдилар. У кишининг бевосита раҳбарлигида яратилган «Тошкент» навларининг шуҳрати бугун ҳамма ерда машҳур. Шу катта хизматлари учун Содиқ Мираҳмедовичнинг СССР Давлат мукофоти лауреати деган юксак унвонга сазовор бўлиши ҳам институтимизнинг катта ютуғидир. Ҳозир Иттифоқимизда жуда катта майдонларга «Тошкент-1» нави экилаётган экан, бу биз учун жуда қувончли ҳолдир.

Коллективимиз ғўзанинг вилтга чидамли навларини яратиш устида бир неча йиллардан буён тадқиқот ишлари олиб бормоқда. Биз вилт билан сунъий равишда зарарлантирилган майдонларда янги пахта навларини қайта-қайта синаб ва сўнгра уларнинг кейинги авлодларини яна ўзаро чатиштириб нисбатан чидамли навларни яратмоқдамиз. Профессор, қишлоқ хўжалик фанлари доктори Б. П. Страумаль ва каминанинг иштирокида яратилган «С-4880», «С-4891» ҳамда селекционер Д. Г. Минко яратган «С-9068» навлари ана шундай хусусиятларга эгадир. Янги «Тошкент-6» нави эса уруғни қайта экиш ҳолларида қўллашга мўлжалланган самарали навдир. Давлат синовидан ўтаётган «Тошкент-7» нави ҳам юқори ҳосилдорлиги, вилтга нисбатан чидамлилиги ва эртапишарлиги билан ажралиб туради. Институтимизнинг экспериментал хўжалиги бўлган «Қизил равот» совхози шароитида истеъдодли селекционер олимлар — А. Т. Циба ҳамда А. Икромов, М. Саидаҳмедов ўртоқлар ҳамкорликда яратган «Қизил равот» нави тўқимачилик саноати учун энг зарур бўлган бешинчи тип тола бериши билан қимматли. Мана шу олимларнинг тинмай изланишлари натижасида вужудга келган ва 1981 йилда районлаштирилган янги «Уйчи-2» нави ҳам толасининг саноатбоплиги, эртапишарлиги ва касалликларга бардошлилиги билан сара навдир. Пахта уруғчилиги бўйича мутасадди бўлган ташкилотлар ва хўжалик ходимлари, мутахассислар бу самарали навларнинг уруғини тезроқ кўпайтирсалар айни муддао бўларди.

М. Эҳсонов:— Ингичка толали пахтанинг яхши навларини яратиш атоқли олимлардан марҳум Ю. П. Хуторний ва А. И. Автономовнинг номи билан боғлиқдир. Юрий Петрович ингичка толали юқори ҳосилдор ва тезпишар навларни яратгани учун 1973 йилда СССР Давлат мукофотига сазовор бўлган эди. Биз шогирдлари сифатида унинг бу соҳадаги ишларини давом эттирмоқдамиз. Шу олимлар томонидан яратилган ингичка толали «С-6030», «С-6037» навлари Сурхондарё, Қашқадарё ва Бухоро областларининг баъзи районларида катта-катта майдонларга экилмоқда.

Маълумки, ўн биринчи беш йиллик давомида ингичка толали пахтани кескин кўпайтириш кўзда тутилмоқда. Чунки ингичка толали пахта саноатимиз учун энг қимматбаҳо хом ашёдир. Биз селекционер олимлар шуни ҳисобга олиб, мавжуд навларни янада такомиллаштириш устида изланмоқдамиз. Изланишларнинг самараси ўлароқ ингичка толали пахтанинг паст бўйли, лекин сершона, одатдаги навлардан уч-тўрт кун олдин пишадиган «С-6040» нави, нисбатан бўйчан, тезпишар «С-6041» ҳамда «С-6030», «С-6038» навлари яратилди. Уларнинг баъзилари давлат синовидан ўтмоқда, баъзилари эса синов учун тайёрланмоқда.

Р. Исаев:— Мўл ва сифатли ҳосил олиш ҳамда уни ёғин-сочинга қолдирмасдан йиғиштириб олишда эртапишар навлар катта аҳамиятга эгадир. Шу нуқтаи назардан қараганда янги «АН-402» ва «Тошкент-6» нави жуда самарали. У «Тошкент-1» навига қараганда 9 кун, «108-Ф» навига нисбатан эса 18 кун эрта пишади. Яхши натижага эришиш учун «Тошкент-6» навининг кўчат сонини бир гектарда 130—160 минг тупгача қолдириш лозим. Ана шунда унинг шохлари ётиб қолмайди, тик ўсади. «Самарқанд-2», «Самарқанд-3», «АН-Ўзбекистон-3», «Андижон-2» навлари ҳам жуда фойдали ва қулай навлардир. Гап фақат уларни ўстириш технологиясига тўғри амал қилишдадир. Янги ўзлаштирилаётган зоналар учун жуда мос бўлган ва давлат синовидан муваффақиятли ўтаётган «С-9063», «С-6523», «С-4880», «С-35—85», «С-26—06», «С-3585», «Қарши-2», «Қарши-4», «С-6040», «Сурхон-3», «Бухоро-5», «Чимбой-8047» ингичка толали навлар деҳқонларимиз учун ҳам, тўқимачилик саноати учун ҳам жуда қўл келади.

Тошпўлат ҲАМИД

АЁЛЛАР

Маъзур тутсин яна эркаклар,
Аёлларга ёздим бир ашъор.
Бир нуқтага элтар хаёллар,
Аёллардан қарздормиз, қарздор.

Табиатни илк кашф этган зот,
Юрагида ҳамиша баҳор,
Эркакларга бағишлар нажот —
Аёллардан қарздормиз, қарздор.

Аёл десам кўз олдимда сиз —
Мунисгинам, эй, онаизор,
Қаршингизга чўкиб келдим тиз,
Оналардан қарздормиз, қарздор.

«Она!»,— дейман сизни шарафлаб,
Оғир кунлар бўлса ғар такрор.
Мурод топдим сўзингиз тинглаб,
Оналардан қарздормиз, қарздор.

Сиз жон берган ўша мудҳиш тонг,—
Видолашмай турдим умидвор.
Сизлар берган бизга тиниқ онг,
Онажонлар, қарздормиз, қарздор.

Табиатда йўқ сира шафқат,
Ажраламиз онадан ночор.
Ундан мерос туғма муҳаббат,
Оналардан қарздормиз, қарздор.

«Келиним!»,— деб қолдириб кетар,—
Таянч нуқта — бизга гўзал ёр.
Муҳаббатни ёр тақдим этар,
Аёллардан қарздормиз, қарздор.

Эркак деган зотнинг дилида,
Сира ўчмас ёр севгиси бор.
Асал бўлар ёрнинг тилида,
Аёллардан қарздормиз, қарздор.

Оналарнинг худди ўзисиз,
Опажонлар, сингиллар хумор.
Ҳаётимиз ўтмайди сизсиз,
Аёллардан қарздормиз, қарздор.

Опа-сингил онадай ғамхўр,
Бири — врач, бири — пахтакор.
Чин юракдан деймиз ташаккур,
Аёллардан қарздормиз, қарздор.

Бир он бўлсак ҳовлидан узоқ,
Қизларимиз уйда интизор.
Онанг гўё тирикдай шу чоқ,
Аёллардан қарздормиз, қарздор.

Оналарнинг тимсоли — қизлар,
Қизда бўви ғамхўрлиги бор.
Ундан она тимсолин излаб,
Аёллардан қарздормиз, қарздор.

Аёл шоир илҳом қаноти,
Ёзилмасди бу узун ашъор.
Дунёда бор эркаклар зоти
Аёллардан қарздордир, қарздор!

Раъно

ҚЎШИҚ

Қўшиқ айтай бир умр,
Мен ёна-ёна, Раъно.
Қўшиқларим севгимдан
Сизга нишона, Раъно.

Ўраб кетар хаёлим,
Сизни соҳибжамолим.
Қўлингизга тутай гул,
Мен ошиқона, Раъно.

Фасли баҳор чоғида,
Лолалар қучоғида,
Масканингизни кўрдим:
Ажаб кошона, Раъно.

Йўлларингиз тоғ йўли,
Гулларингиз боғ гули.
Шудринг гуллар баргида
Тер, дона-дона, Раъно.

Ошиқ бўлиб фидойи,
Қўшиқ куйлар Тошпўлат.
Гулга ўраб хаёлин,
У шоирона, Раъно.

Тавозе

Бунча яраша ҳай-ҳай, лафзу ҳалол тавозе,
Ерим дудоғларида бир томчи бол тавозе,
Баҳорнинг гул боғида, ой тўлишган чоғида,
Қилди яна ул санам, келмай малол тавозе.
Жаннату фирдавслар, боғи эрам, бўстон,
Чўғдай дудоғларида муҳри висол тавозе.
Ҳуснга кирди боғлар, яшнади сўлу соғлар,
Қилиб кетган чоғида соҳибжамол тавозе.
Боғда этиб Тошпўлат ёри билан хиромон,
Сезмай қолипти бир пас этса хиёл тавозе!

Бобир ғазалига мухаммас

Мен яна ёздим ғазал, бор боиси такрорнинг,
Интиҳоси бўлмағай, ҳеч бул сиру-асрорнинг,
Чеҳрасин кўрдим тушимда ул парн рухсорнинг,
Қайси бир озорин айтай, жонима ағёрнинг,
Қайси бир оғритганин кўнглимни дей дилдорнинг?

Оҳ урурман, оҳ урурман, чеки борми оҳнинг?
Мен гадоман, раҳми келмас севгида ул шоҳнинг,
Ҳолини сўрмас бирон кун биз каби маддоҳнинг,
Қайси бир берахмлигини толеъи гумроҳнинг,
Қайси бир кажрафлигини чарх кажрафторнинг?

Қайсин айтгай бул хаёлда интиҳосиз васлиннинг,
Несин айтай ул парн дарду давосиз васлининг,
Қайси ҳасрат бирла армонин вафосиз васлиннинг,
Қайси меҳнат бирла ранжин фурқати хунхорнинг.

Қўй, қалам, ёзма ғазал, шеърий наво истарни қўй.
Ул санам бирла хаёлда кайф-сафо истарни қўй,
Ер деб хаста дилингга, қўй, даво истарни қўй,
Ғурбат ичра эй кўнгил, ундан вафо истарни қўй,
Чун вафосин кўрмадинг, ҳаргиз вафосиз ёрнинг.

Қўйгин, ул метин юрак озоридин не яхшилик?
Тошпўлат, ундай сулувнинг боридин не яхшилик?
Жабр этар бахш этганинг ашъоридин не яхшилик?
Бобир ул гул жабр этар, ағёридин не яхшилик?
Гулнинг озори шу бўлса, вах, не бўлғай хорнинг?

Мухбир:— Дарҳақиқат, селекционер олимларимиз таъкидлаганидек, у ёки бу янги пахта навининг ишлаб чиқаришга муваффақиятли жорий этилиши биринчи навбатда амалиётчи мутахассислар ва деҳқонларнинг омилкорлигига, қишлоқ хўжалик муассасалари раҳбарларининг жонкуярлигига, ишчанлигига, уларнинг янги навни ўстириш ва парвариш қилиш технологиясига ҳамда агротехника талабларига қанчалик тўғри ва изчил амал қилишларига боғлиқ.

Институт олимлари давра суҳбати давомида селекция ва уруғчилик ишларини янада яхшилаш ва жадаллаштириш борасидаги баъзи бир муаммолар ишга салбий таъсир этаётганлигини эътироф этдилар. Улар институт қошида фитотронни қуриш, яъни сунъий тупроқ-иқлим муҳитини яратиш ҳақида бир неча йилдан бери гап бўлаётгани ҳолда бу муҳим иш ҳануз пайсалга солинаётганлигини ва селекция ишларини жадаллаштириш шунга боғлиқ эканлигини, янги навларнинг тола сифатини баҳолаш муддати бу йўналишдаги амалий жараёнларнинг суслиги оқибатида чўзилиб кетаётганлигини, элита ва уруғчилик хўжаликлари камлиги сабабли янги навларнинг уруғини кўпайтириш осон кўчмаётганлигини таассуф билан таъкидладилар. СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги манфаатдор иттифоқдош республикалар қишлоқ хўжалик министрликлари билан ҳамкорликда бу муаммоларни қанчалик тез ҳал этса, ғўза селекцияси ва уруғчилиги ишлари ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан шунчалик тез амалга ошаверади.

Институт ўрта толали пахта навларн селекцняси бўлимининг мудири, селекционер олим А. И. Тишин (чапдан) ва қишлоқ хўжалик фанлари кандидатлари Пўлат Содиқов, Қурбон Тешабоев билан биргаликда янги «С-9063» ва «С-4880» ингичка толали пахта навларининг тола сифатини текшираётирлар.

СССР нинг 60 йиллиги олдидан

ЧОРАК АСР ЖАСОРАТИ

Эркабой ИСЛОМОВ,

Халқ депутатлари Жиззах область совети ижроия комитетининг раиси

Қўриқ ва бўз ерларнинг ўзлаштирилиши совет кишиларининг яратувчилик йилномасидан муносиб ўрин олди. Қахрамонноманинг бу саҳифаси Днепр ГЭСи ва Магнитканн, Турксиб темир йўли ва Қорақум каналини бунёд этган халқимизнинг табиатни ҳам ўзгартирувчи қудратга эга эканлигини кўрсатди. Энди Мирзачўлга халқаро лабораториягина эмас, жаҳоннинг тўққизинчи мўъжизаси дея баҳо берилмоқда. Мирзачўл бугунги кунда обод шаҳарчалардан иборат бўлиб, кишилари фаровон яшаётган, ўқиш, дам олиш ва ишлаш учун барча шароитларга эга бўлган гўзал масканга айланди.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Пахта етиштиришни янада кўпайтириш учун Мирзачўлнинг Ўзбекистон ва Қозоғистон ССР даги қўриқ ерларни ўзлаштириш ва суғориш ҳақида» деб қабул қилган қарори эълон қилинганига чорак асрдан ошди. Чўлнинг асрий тарихига таққосланганда бу унча узоқ муддат эмас, лекин амалга оширилган улкан яратувчилик ишларининг салмоғи жиҳатидан бу муддат асрларга тенгдир.

Ўша пайтда Мирзачўлда бор-йўғи 9 та маъмурий район, 18 та совхоз, 126 та колхоз ва 20 та машина-трактор станцияси бор эди. Ўзлаштирилган қўриқ ер 247 минг гектарни ташкил этарди, холос Партия ва ҳукуматимиз мазкур қарорда биринчи навбатда 300 минг гектар ерни ўзлаштириш, Мирзачўлда йирик пахтачилик районини ташкил этиш вазифасини қўйди. Мирзачўлни ўзлаштириш иши 1956 йилгача энг қулай даврларда йилига 7—7,5 минг гектарни ташкил этарди. Бундай суръат билан белгиланган марра фақат 40 йилдан кейингина эгалланиши мумкин эди. Партия ва ҳукуматимиз қарори кучлардан тарқоқ ҳолда фойдаланиш методига барҳам берди. Қўриқ ерларни ўзлаштириш тарихида биринчи бўлиб чўл қувишнинг комплекс методи жорий қилинди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев 1979 йил март ойида Москва шаҳридаги Бауман округи сайловчилари билан бўлган учрашувда «Ўзбекистондаги Мирзачўл ерлари ўзлаштириб бўлинди», деб айтди. Бу партия сиёсатининг тантанаси, чўлқуварлар меҳнатининг самараси эди.

Бундан бирмунча вақт аввал —1976 йилдаёқ КПСС XXV съезди СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1976—1980 йилларга мўлжалланган Асосий йўналишларида «Жиззах даштини ўзлаштириш ишлари кучайтирилсин», деган вазифани олға сурган эди. Чўлқуварлар жасоратига бағишланган митингда 1974 йил ёзида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидов конкрет йўл-йўриқлар кўрсатиб, уларни улуғ ишга руҳлантирганди. Барча техника воситалари Мирзачўлга нисбатан нотекис рельефда, денгиз сатҳидан анча баландда жойлашган Жиззах даштига кўчирила бошланди. Дренаж қувурларини ётқизувчи, лоток тармоқларини қурувчи, ер текисловчи ва ҳайдов тракторларининг бошқарувчилари ўз оилалари билан яна вагон-уйларга кўчиб ўтишди.

Жиззах чўлида ҳамма иш деярли бир пайтнинг ўзида бошланди. Янгиер шаҳри яқинида Бош насос станцияси билан бирга 1-Жиззах магистрал канали қурилиши бошлаб юборилди. Деҳқонлар чигитни ундириб, ғўзага бир-икки ишлов бергунча, ирригаторлар вақтли насос станцияларн ёрдамида сахи жиҳатидан Мирзачўлдан анча юқорида жойлашган бу ерларга обиҳаёт етказиб келдилар. Сарфланган харажат биринчи йилданоқ ўзини оқлай бошлади.

Ишларни марказлашган ҳолда ташкил этишда «Джизакстепстрой» территориал бошқармаси ҳамда унинг бўлинмалари катта роль ўйнадилар. Мазкур бошқармани ҳақли равишда чўлқуварларнинг бош штаби деб аташди. Штаб қисқа вақт ичида ўз атрофига 40 минг кишилик коллективни тўплади. ВЛКСМ Марказий Комитети Жиззах чўлини Бутуниттифоқ зарбдор комсомол қурилиши деб эълон қилди. Бу ерга комсомол йўлланмаси билан Ватанимизнинг турли бурчакларидан йигит-қизлар кела бошлашди. Дўстлик қудрати қаршисида барча қийинчиликлар чекина бошлади. Бугун Жиззах қўриғининг забткорлари орасида 80 дан зиёд миллат вакиллари фидокорона меҳнат қилаётганининг боиси ҳам шунда.

Чўлда уч авлод вакиллари қўлни-қўлга бериб, устоз-шогирд бўлиб меҳнат қилдилар. Тўнғич авлод вакиллари — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими Зокир Санақулов, Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари Эргаш Холматов, Расул Ҳайдаров, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати Инобат Охуновалардан ибрат олган «Дренажстрой» трестининг 25-ҳамда 34-кўчма механизмлашган колоннаси ходимлари — участка бошлиғи А. Алиев, бульдозерчи Т. Ғаниев, А. Крупский, «Мирзачулсовхозстрой» трестига қарашли 12-кўчма колонна бригада бошлиғи М. Шакурова, Мирзачўл районидаги 12-совхоз бригадири И. Абдуллаев, Жиззах районидаги Ленин орденли «Москва» колхози бригадири У. Орифжонова, Навоий номли колхоз бригадири О. Раҳматовлар ўзлари кўрсатган жасорат эвазига Социалистик Меҳнат Қаҳрамони деган юксак унвонга сазовор бўлдилар. Пахтакор районидаги Ульянов номли совхоз бригадири, КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидат Х. Рустамова, Зарбдор районидаги «Прогресс» совхози бригадири М. Фозилова, шу райондаги «Ғалаба» совхози бригадири З. Саттарова, Мирзачўл районидаги Абай номли совхоз бригадири, СССР Олий Совети депутати Р. Маматова ва бошқа кўпгина меҳнатсевар илғорлар тўнғич авлод вакиллари изидан дадил бормоқдалар.

1978 йилнинг июнь ойидан Жиззах Бош насос станцияси 1-Жиззах магистрал канали орқали янги зоналарга сув бера бошлади. Бу станциядаги 4 агрегат тўлиқ ишга тушгач, зинапоя шаклида қурилган 4 канал Сирдарё сувини Жиззах райони далаларига таратди. Ана шу обиҳаётни Зарафшон суви билан қўшиб фойдаланаётган Жданов номли совхоз пахтакорлари ўтган йили ўртача ҳосилдорликни қарийб 50 центнерга етказганлари ғоят қувонарли ҳолдир. Бундай юқори ҳосилли хўжаликлар сони бугун Жиззах чўлида ўнлаб топилади. Жиззах районидаги Ленин орденли «Москва» колхози, Ленин номли совхоз, Дўстлик районидаги Ленин номли, Қосим Раҳимов номли, Саркисов номли, Арнасой районидаги Ю. Фучик номли совхозлар шулар жумласидандир.

Жиззах чўлида ташкил этилган биринчи хўжалик — Ульянов номли совхоз давлатга пахта сота бошлаганига энди 7 йил бўлди. Шу давр ичида областимиз Ватан омборига қарийб 2 миллион тоннадан кўп «оқ олтин» армуғон этди. Ҳосилдорлик гектар бошига 6,3 центнерга ошди. Ялпи хирмоннинг 85 проценти машина ва механизмлар билан йиғиштирилмоқда. Қўриқ ерлардан олинаётган ҳосил энг арзон ва сифатли деб тан олинди. Бу чўлқувар пахтакорлар олдидаги улкан проблемаларни ўрганиш ва уни тезроқ бартараф этиш юзасидан қатор ташкилий тадбирларнинг амалга оширилиши оқибатидир.

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг «Қўриқ» эпопеясини ўрганишга бағишланган илмий-амалий конференциялар, семинарлар ва тематик кечалар ҳам областимизда чўлқуварларни жасоратга чорловчи тадбир тусини олди. Эпопеяда «Қўриқ чўлларда ҳали ҳамма нарса ҳал қилиб бўлинди, деб бўлмайди», дейилган. Бунёдкорликда иш юритишнинг ленинча услубига риоя қилиш, асосий вазифаларни олдиндан кўра билиш маҳорати муҳим омил ҳисобланади.

Биргина «Джизакстепстрой» территориал бошқармаси комплекси чўлда янгича яшаш ва ишлашнинг ўзига хос мактабини яратди. Бошқарма бўлинмаларида бугун 76 коллектив «Коммунистик меҳнат бригадаси», 500 дан зиёд ишчи эса «Коммунистик меҳнат зарбдори» деган шарафли номни оқлаб келмоқда. 4 кўчма колонна, 12 участка, 50 дан ортиқ бригада ўн биринчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш ташаббусига қўшилган. Улар сўнгги беш йил ичида 10 минг бош қорамол учун чорва комплекслари, ярим миллион квадрат метрдан кўпроқ турар жой бинолари, мингдан зиёд бемор қабул қиладиган поликлиникалар, кўплаб болалар ва мактабгача тарбия муассасаларини қуриш билан бирга 35 минг гектардан кўпроқ қўриқ ерни қишлоқ хўжалиги оборотига киритдилар.

Область бўйича қишлоқ хўжалиги оборотига киритилган 50 минг гектар ернинг ҳосилдорлиги 1975 йилга нисбатан 2—2,5 баробар ошди. Саноат маҳсулотини реализация қилиш шу давр ичида қарийб 20 баробар кўпайди. Чўлқуварлар эришаётган бу кўрсаткичлар фахрланишга арзийди.

Бу ютуқлар КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукумати, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Республика ҳукуматининг доимий ғамхўрлиги ҳамда партия аграр сиёсатининг муваффақиятли амалга оширилиши, колхозчилар, совхоз ишчилари, сув хўжалиги мутахассислари, олимларнинг мустаҳкам ҳамкорлиги, ижодий изланишлар, партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг катта сафарбарлик ва ташкилотчилик фаолиятлари самарасидир.

Жиззах даштини ўзлаштириш ва ободонлаштириш ишлари бундан буён ҳам юқори суръатларда давом этади. Қоровултепа, Навқа, Аччисой, Равот ва бошқа сув омборларини қуриш, уларда 1,5 миллион куб-метр сел сувларини тўплаш йўли билан тоғолди зоналарни ҳам экинзорларга айлантириш чоралари кўрилмоқда. 5 минг гектар ерни суғориш қувватига эга бўлган Зомин сув омбори қурилишининг биринчи навбати тугалланди. Бу қўриқ забткорлари учун қулай меҳнат шароити яратиш билан бирга гўзал дам олиш зоналарини ҳам бунёд этиш имкониятини беради.

Жиззах даштини ўзлаштириш кенг кўламли, мураккаб вазифалар комплекси бўлиб, чўлқуварлар учун турар-жой ва маданий хизмат муассасалари тармоқларини барпо этиш масаласини ҳам ўз ичига олади. Ўтаётган ҳар бир кун, ҳар бир соат Жиззах даштини ўзлаштириш йилномасида ёрқин саҳифага айланиб бормоқда.

КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди қарорларини изчил амалга ошираётган жиззахлик чўлқуварлар ўтган йили 374 минг тонна «оқ олтин» хирмони уйдилар. Айни пайтда бу йилги ҳосилга пухта замин яратиш билан бирга келажак авлод учун улкан спорт комплексини, миллий боғ ва дам олиш зоналарини бунёд этмоқдалар.

Ҳа, Жиззах намунаси XX асрнинг охирги ўн йиллигида ўзлаштирилажак Фориш массиви, Нурота тоғлари бўйлаб жойлашган 200 минг гектарлик қўриқ ерлар учун тажриба мактаби бўлиб қолади.

Тежамкорлик — муҳим омил

ИСТИҚБОЛЛИ МАНЗИЛЛАР

Кенг ва ёруғ цех оралаб юрган Мирзажон Тошбоев гоҳ титиш, гоҳ саваш машиналарини кўздан кечиради, одамлар билан илиқ кўришади, ўрамнинг сифатини текширади, озгина камчилик топса хатоликни тўғрилайди. Мастерга машинадан унумли фойдаланиш сир-асрорини тушунтиради:

— Техникага меҳр қўйиш керак, Исроилжон, акс ҳолда у сизга панд беради, кўряпсизми, титилган маҳсулотингизда гард бор,— дея уқтиради бригадирга.

— Хўп, уста, бироз хаёл қочибди, моторга қаролмабман, ҳозир тўғрилайман...

Исроилжон Исмоиловнинг жавобидан уста қониқди чоғи, аста қўшни цехга йўл олди. Хаёлида яна ўша фикр, яна ўша муаммо чарх урарди:

— Наҳотки каласник тўрини ўзгартириб бўлмаса? Ахир анча-мунча тола ҳам панжарадан чанг-тўзон билан қўшилиб ўтиб, чиқитга айланяпти-ку. Бу аҳволда граммлардан килограммлар йўқотишимиз мумкин.

У узоқ ўйланди, смена тугагач, китобга, сўнгра машинанинг паспортига мурожаат қилди. Ҳужжатдаги схемалар ҳам унга ёд бўлиб кетганди. Уйга қайтганда ҳам кўнгли жойига тушмади, бироз тамадди қилиб яна корхонага қайтди. Тунги смена иши билан танишди.

У кабинетига кириб, қоғозга ўз фикр-мулоҳазаларини туширди. Лойиҳага ўзгартиришлар киритди. Яна ўйга чўмди. Шу пайт, кутилмаганда кабинетга бош механик Юсуфжон Нажмиддинов билан фабрика бошлиғининг ўринбосари Эргашбой Деҳқоновлар кириб келишди. Мирзажон уларни қувонч билан кутиб олди. Доим шунақа, энг қийин пайтда бу ижодкорлар Мирзажонга ёрдамга келадилар.

— Сизлардек мададкорлар керак эди менга ҳозир,— деди Мирзажон.— Раҳмат сизларга, дўстларим.

— Мирзажон, ҳузурингизга биз қалб амри билан келдик,— деди Эргашбой Деҳқонов.— Кечқурун кетаётганингизда хаёлга ғарқ эканлигингизни кўргандик, икковлашиб сиздан бирров хабар олайлик,— дедик.

Уч дўст, уч ижодкор машинанинг ҳужжати ва конструкция тузилишини қайтадан таҳлил эта бошладилар. Мирзажоннинг қораламалари иш берди. Уларнинг фикри бир ердан чиқди: каласник тўрини такомиллаштириш керак, панжаранинг кенг оралиғини тешикчали панжара билан алмаштирилса, пахта ёки лавсан толачалари чанг ва майда чиқиндилардан халос бўлади. Шунда ҳар бир сменада ўнўн беш килограмм тола тежаб қолинади! Дўстлар гапни бир жойга қўйиб тарқалишди. Мирзажоннинг қувончи чексиз эди...

Эрталаб ремонтчилар бригадири Тоҳиржон Сайфиддинов тешикчали панжара ясаш учун буюртмани олиб, устахонага шошди. Уша куни Т-16 маркали титиш-саваш машинасининг каласник тўри қайта қурилди, натижада ўн-ўн беш килограммдан оппоқ тола тежаладиган бўлди. Рақамларни уч сменага, сўнг ой ва йил давомидаги иш кунларига кўпайтирилса, камида 15 тонна оқ тола тежалиши аён бўларди. Вақт ўтган сари ижодкор Мирзажон Тошбоевнинг кўнгли ёришиб борарди.

...Энди бошқа бир муаммо Мирзажонни ўйлантириб қўйди. Бу сафар Юсуфжон Нажмиддиновнинг кабинетида улар узоқ баҳслашишди. Кейин Эргашбой Деҳқонов масалага доир фикрини баён этиб деди: — Механизм ҳаракатидаги биринчи босимни камайтириш зарур. Ана шунда холстнинг 10—12 метри бемалолроқ ўралади, кейин иш бир маромда давом этаверади.

Муаммонинг туғилиши шундай эди: Т-16 маркали машиналар холстни ўраш пайтида тез ҳаракат қиладилар. Ҳар бир ўрам 40 метрни ташкил қилади, унинг дастлабки 6—9 метри ўралаётганда тормоз механизми ҳаракати жараёнида пайдо бўладиган қаттиқ босим туфайли ўрамнинг зичлиги кучайиб, 35—36 метрлардаёқ ўрам қавати узилади. Тараш машиналарига келганда ўрамдаги камомад яққол сезилади. Узоқ пайтдан бери бу муаммо кўпчиликни қийнарди. Буни конструкция хатоси деб тушунишарди. Ана шу масалани ҳал этиш ижодкор йигитларнинг тинчини бузганди.

Мирзажоннинг фикри билан тормоз механизми такомиллаштирилди. Натижада ўрам қаватлари 40 метргача тўла ва мустаҳкам ўраладиган бўлиб чиқди. Ҳар бир ўрамдан йўқотилаётган 5 процент тола тикланди. Унинг сифати 22 процентга ошди. Ҳар куни 400—425 килограмм тола цехга фойдага қоладиган бўлди. Бу рақам йилига 34—35 тоннани ташкил этади.

Ана шу икки таклифдан тежаладиган тола пилталаниб, пиликланган йигирилади. Кейин иплар давраланиб ўралади. Тўқувчилар эса ундан сержило газлама тўқишади. Хўш, Мирзажон ва унинг дўстлари тежаб қолган толадан неча метр газлама тўқиш мумкин? Эҳ-ҳе...

Йил бошидан бери Мирзажон Тошбоев етакчилик қилаётган титиш-саваш цехининг ишчилари 75 тонна тола тежадилар. Ундан 4 миллион метр газлама тўқиш, йигит-қизлар учун 1,3 миллион чиройли либос тикиш мумкин экан.

...Мирзажон Тошбоев 1963 йили Тошкент Тўқимачилик ва енгил саноат институтини битириб, Наманган Шойи газламалар комбинатига ишга келди. Йигитлик шижоати билан титиш-саваш, тараш, пилта-пиликлаш ва йигириш машиналарини ўрнатиш, созлаш ишларида қатнашди. Смена мастери бўлди. Техникага ихлоси кучли эди. Мана шу ўтган йиллар давомида у машиналар конструкциясидаги 45 хил камчиликни бартараф этди. Корхонанинг энг яхши рационализатори сифатида обрў қозонди. Шунинг учун уни комбинатнинг НОТ — меҳнатни илмий асосда ташкил этиш бўлимига бошлиқ этиб тайинлашди. Тўрт йил давомида у юзлаб ишчиларга оғир меҳнатни енгиллаштириш сирларини ўргатди. Икки юздан ортиқ шогирд тайёрлади. Улар эндиликда шу корхонада у билан ёнма-ён ишлаётган, изланувчан, ижодкор мутахассислардир. Исроилжон Исмоилов ва Каримжон Султонов бошлиқ бригадалар маҳсулот ишлаб чиқариш рекордлари билангина эмас, техникадан юксак самарадорлик билан фойдаланишда ҳам жуда кўпларга намунадирлар. Бу икки бригада коллективи СССРнинг 60 йиллиги шарафига ўтаётган 60 зарбдор ҳафталарнинг доимий ғолибларидирлар.

Мирзажон Тошбоев ўн йил давомида титиш-саваш цехига бошчилик қилди. Бу даврда у, цехга ўрнатилган барча машиналарни такомиллаштириш ва уларнинг юксак унум билан ишлашини таъминлашга улгурди. Унинг юздан зиёд таклифи комбинатга 255 минг сўм миқдорида фойда берди.

Ижодкор инженер ҳар бир янгиликни корхона бош механиги Юсуфжон Нажмиддинов ва инженер Эргашбой Деҳқонов билан бамаслаҳат амалга оширади.

Ана, уч коммунист-ижодкор усталар йигирув цехида машиналар оралаб юришибди. Эҳтимол, яна бир янги фикр туғилаётгандир. Мирзажон ва унинг дўстлари кўзлаган манзилларнинг истиқболи ўзгача...

Турғунпўлат СУЛАЙМОНОВ

Узбекистон пахта тозалаш машиналари заводи республикамиз индустриясида муҳим ўрин тутади. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган машиналар мамлакатимизнинг барча пахта тозалаш саноати корхоналарида, шунингдек, чет элларда кенг қўлланилмоқда. Бундай машиналарни ишлаб чиқаришда ажойиб конструкторларнинг, моҳир ишчиларнинг хизмати бениҳоя катта. Шулардан бири Ленин орденн кавалери, меҳнат ветерани, 3-цехнинг илғор ишчиси Раҳматулла Муҳаммаджонов (ўнгдан биринчи) ўз шогирдлари — пайвандчи слесарлар Карим Қўзиев ва Усмон Усаровга ўз тажрибаларини гапириб беряпти.

Н. ШАРИПОВ фотоси

Гвардиячи

Улуғ Ватан урушининг дастлабки ойларида СССР Давлат Мудофаа Комитети Урта Осиё ва Қозоғистон республикаларида меҳнаткашларнинг миллий қўшинлар ташкил этиш ҳақидаги ватанпарварлик ташаббусини маъқулади. Шунга асосан Ўзбекистонда 5 кавалерия дивизияси ва бир неча махсус ўққи бригада тузилди.

Мазкур қисмлардан 90—94-бригадалар ўзларининг жанговар биографияларини Москва мудофаасидан бошладилар. Ушбу очерк қаҳрамони ҳам 94-алоҳида ўққи бригада жангчиси, истеъфодаги гвардия старший сержанти Икром Зариповдир.

Қарийб етмиш баҳорни кўрган Икром ота йигитлардек бардам ва тетик.

— Гвардиячи солдат ҳеч қачон енгилмайди,— дейди у жилмайиб ва фронт кундалигини варақлайди. Бу ноёб дафтарча жанговар йиллар хотираларини бир-бир жонлантиради

* * *

— Уруш бошланганида мен Фарғонада эдим,— деб ҳикоясини бошлади Икром ака.— Ўша вақтда область комсомол комитети инструктори сифатида Қува районида вазифамни ўтардим. 22 июнь соат иккиларда район партия комитети биноси олдида катта митинг бўлди. Атроф қишлоқлардан йиғилган ёшу қари район партия комитети секретарининг қаяжонли нутқини тингладик. Душманга нафрат, ғалабага ишонч руҳи билан йўғрилган оташин сўзлар қалбларни тўлқинлантирди.

Эртасига область комсомол комитети бюросининг кенгайтирилган йиғилишида кўнгилли комсомол отрядлари тузиш масаласи муҳокама қилинди. Мен ҳам фронтга отландим. Фарғонада ташкил этилаётган 94-ўзбек ўққи бригадасига мени жангчи-алоқачиликка тайинлашди. Бригада командири полковник Краснов, сиёсий бўлим бошлиғи Абдуллажон Муродхўжаев, артиллерия қўмондони Файзулла Норхўжаев, автоматчилар ротаси командири Собиржон Охунжонов эди.

Бригада ташкил топгач, биз ҳарбий машқлар ўтказдик.

Расмий манбадан: «Ишчи-деҳқон Қизил Армияси Бош Сиёсий Бошқармаси Комиссияси 94-махсус ўзбек миллий ўққи бригадаси фаолиятини текшириб, шахсий составнинг сиёсий-маънавий ҳолати соғлом, кайфияти бардам ва жанговар эканлигини таъкидлайди. СССР Мудофаа Халқ Комиссариати вакили иштирокида ўтказилган беш кунлик тактик машқларда бригада 130 чақиримм масофани босиб ўтиб, тўла жанговар ҳолатда эканини намойиш қилди».

...Ниҳоят фронтга жўнаш фурсати етиб келди. Онам, хотиним ва қизим билан хайрлашдим.

Биз, Москва мудофаасига отландик. Қизил вагонларга ем-хашак жойладик. Бригадамиз ихтиёридаги оғир замбаракларнинг ҳар бирига 8 тадан от бирикитилган бўлиб, уларни боқиш учун кўп озуқа керак эди. Қарийб 11 кун юриб, 29 августда Москвадан 30 километр ғарбдаги Лос шаҳарчасида мудофаа маррасини эгалладик. Окоп, блиндажлар қуриб, ҳарбий машқлар ўтказа бошладик. Биз немис самолётларининг Москвага ҳужумини, Большой театрнинг фашист бомбаларидан зарар кўрганини эшитдик. Бизнинг 94-бригадага Москва атрофидаги Бабушкино қишлоғини мудофаа қилиш топширилди. 30 сентябрда ҳузуримизга кўпдан-кўп совға-саломлар билан севимли оқсоқолимиз, республикамиз президенти Йўлдош ота Охунбобоев келди.

Кундуз соат 11 да қуюқ дарахтзор ўртасидаги ялангликда ҳарбий парад ўтказдик. Столбалар устига сўри ясаб, минбар созладик. Йўлдош ота минбарда туриб бизга қарата нутқ сўзлади. Сўзлари қисқа, лўнда, лекин ҳаяжонли эди. Оқсоқолимиз барча ўзбек йигитларини жасур ва бардам бўлишга, Ватанни ҳимоя қилишда фидойиликка ундади.

Йўлдош Охунбобоевнинг ўзбек жангчиларига йўллаган хатидан: «Фронтнинг машақатлари оғир эканини биламиз. Уруш қаттиқ ва даҳшатлидир. Аммо ҳар қандай қийинчилик ҳам, хавф-хатар ҳам арслонни изидан қайтара олмайди. Ўз халқининг асл фарзандимдан деган йиғит Ватан учун даҳшатли жангга киришдан қўрқмайди, дадил бўлиб душманга қаршн боради. Бу жангларда ё шаҳид бўлади, ё ғалаба қозониб ғозий бўлади. Душманга ҳеч қачон омон бермангиз. У нафасини ҳеч ростлаб ололмасин. Халқ берган даҳшатли қурол билан уни устма-уст ура берингиз. Юртимизга босиб кирган фашистларни қириб ташлангиз!»

* * *

1941 йил 10 ноябрда бригадамиз Москвадан 120 километр наридаги Каломинск шаҳрига жўнаш қақида буйруқ олди. Қаҳратон совуқ қорда пиёда йўл босардик. Кундузлари немис самолётлари бомба ташлаб, ён-атрофни ўққа тутади. Шунинг учун фақат кечаси йўлга чиқамиз. Йўл-йўлакай Зокиров, Бобоев каби ўпкасини совуққа олдирган 8 қуролдош дўстларимизни тупроққа узатдик. Ниҳоят, 17 ноябрда айтилган манзилга етиб келдик. Каломинск фашистлар бомбаларидан тамом вайронага айланибди. Биз дала жойларда окоплар ва ертўлалар қазиб, мудофаа маррасини эгалладик. Декабрь бошланди. 8 декабрда бизнинг бригада Сталинград районидаги Рубашкино деган қишлоқдан урушга кирди. Взвод командири Беланович иккаламиз батальонларни алоқа билан таъминлаш учун телефон симлари ўраларган катушкаларни жанг майдонининг олдинги чизиғига олиб бордик. Ўқ ёмғири остида эмаклаб телефон симларини команда пунктларига тортиб, узлуксиз алоқани таъминлаб турдик. Биз жойлашган майдон қор босган очиқ яланглик, немисларники эса баландлик бўлиб, улар учун қулай позиция эди. Фашистлар оқ халатлар кийиб, пухта маскировка қилган эдилар. Бизларнинг қора шинелларимизни улар кўриб қолишди шекилли, замбарак, пулемёт, миномёт ва автоматлардан ўт очиб, кўп йигитларимизни сафдан чиқаришди. Кечаси отишма сусайгач, жанг майдонида қолган қуролдошларимиз жасадларини йиғиб ҳарбийчасига кўмдик. Ҳа, тошкентлик, бухоролик, фарғоналик ўзбек йигитлари учун жанговар малака ва тажриба орттириш жуда қимматга тушди.

Душман маккор эди. Биз бутун Европани асоратга солган, кўп уруш кўрган фашист солдатлари билан тўқнашган эдик. Москва мудофаасида бригадамиз илк ҳарбий жанг тажрибасини орттириб, уруш малакасини қосил қилди. Бир мисол: командирларимиз отишма пайтида ўринларингизни албатта тез-тез ўзгартириб туринглар, деб уқтиришган эди. Мен шундай қилдим.

Уртоқларим Мирзаҳмад Саидов, Одилжон Холиқовларга ҳам шундай қилишларини айтдим. Одилжон Холиқов айтганимдек иш тутди, аммо Мирзаҳмад Саидов сўзларимни яхши эшитмадими ё парво қилмадими, жойини ўзгартирмади. Саидов турган жойда мина портлади. Эмаклаб борсам, осколка унинг бир қўли ва оёғини узиб кетибди. Саидовнинг жасадини кўмишдан олдин қонга бўялган комсомол билетини олиб командирига топширдим. Уша кунги қирғин бизни олдинга силжишига имкон бермади.

Жанг саккиз кеча-кундуз давом этди. Ниҳоят душманни эгаллаган маррасидан қувиб чиқардик.

Чибатовка, Глубокий, Морозов, Скубрский, Астаховка каби бир қанча катта-кичик қишлоқ-хуторларни фашистлардан озод қилдик. Иванавка қишлоғида немисларнинг мустаҳкам мудофаа маррасига тўқнашганимизда сира бўшашмадик. Жанг қаттиқ ва беомон бўлди. Немис самолётлари 20—30 тадан галалашиб устимизга бомба ёғдиришди. Замбаракларимизнинг от-уловлари ишдан чиқди. 10 кун давом этган жанг мобайнида кўпгина жанговар дўстларимиздан ажралдик, лекин руҳан чўкмадик. Худди шу жойда мен ВКП(б) аъзолигига ўтдим. Партия билетини менга бригада сиёсий бўлимининг бошлиғи — батальон комиссари Абдуллажон Муродхўжаев топширди. Шу билан бирга у менга биринчи жанговар мукофотни ҳам берди. Команда пунктларини жанг майдони билан узлуксиз телефон алоқаси билан таъминлаб турганим учун бригада қўмондонлиги мени «Жасурлиги учун» медали билан тақдирлаган эди.

1941—1942 йил қишидаги фронтда эришилган ғалабалар совет-герман урушининг келгуси тақдиридан нишона эди. Энди гитлерчилар барча стратегик йўналишларда ҳужумга ўта олмасди. Шунинг учун ҳам улар ҳужум учун жанубий йўналишни танлашди. Бу қадам эса уларни Сталинград мағлубияти томон олиб келди.

* * *

...1942 йил февралида мен жонажон 94-алоҳида ўзбек ўққи бригадаси билан хайрлашдим. Абдусаид Мирзаев, Тешабой Солиев, Турдиали Тошпўлатов, Шерали Асқаров, Омонбой Мадраимов, Юсуф Қорабоев, Комил Нишонов, Камол Усмонов, Фозил Мухторов каби 10 дан ортиқ қуролдошларим билан 3-Украина фронти таркибидаги 5-гвардиячи мотомеханизмлаштирилган махсус бригадага алоқачи-жангчилар сифатида юборилдик.

Хайр, жонажон ва шонли тўқсон тўртинчи!

Сен бизга биринчи фронт мактаби бўлдинг! Хайр, Москва атрофидаги тупроқда мангуликка бош қўйган юртдошларим! Биз сизлар учун душмандан қонли ўч оламиз!

Гвардия старший сержанти Икром Зариповга берилган партиявий характеристика: «Гвардия старший сержанти Зарипов 1943 йил январидан то ҳозирги кунгача бўлимма партия ташкилотчиси сифатида 22185 дала почтасига тегишли ҳарбий қисмда ҳизмат қилмоқда.

Немис босқинчилари билан жангларда у доим ўзининг шахсий намунаси билан жангчиларни қўмондонлик буйруқларини бажаришда жасоратга илҳомлантирган.

Жангда қатъий, жасур, интизомли, ўзига ва қўл остидагиларга нисбатан талабчан. Коммунистларни тарбиялаш ва партиявий-сиёсий тадбирларни ўтказиш ишини жангда ҳам, тинч шароитда ҳам яхши ўзлаштирган.

Партия ходими вазифасига у тўла мувофиқдир.

Дала почтаси 22185 «Ш»га тегишли ҳарбий қисм партия ташкилотчиси

Гвардия капитани Приходько.

1945 йил 2 февраль.»

* * *

Икром ота Зариповнинг фронт кундалигида битилган жанговар саҳифаларда ўша унутилмас оловли йиллар манзаралари жонланади. Олий Бош қўмондоннинг саккиз марта ташаккурномасини олган, икки бор «Жасурлиги учун» медалига сазовор, Қизил Юлдуз ордени кавалери, Москва, Сталинград мудофааси қатнашчиси, Венгрия, Руминия, Болгария, Югославия халқларини фашизм асоратидан қутқаришдек халоскорлик операцияларни иштирокчиси, коммунист жангчининг жасоратидан биз 94-бригадага оид баъзи саҳифаларнигина варақладик, холос.

— Яқинда,— дейди Икром ота Зарипов,— мен бригадамиз сиёсий бўлими бошлиғи, истеъфодаги гвардия майори Абдуллажон Муродхўжаев, артиллерия қўмондони, истеъфодаги генерал-лейтенант Файзулла Норхўжаев, автоматчилар ротаси командири генерал-лейтенант Собиржон Охунжонов билан учрашдим. Шунда яна ўзимни худди ўша, бундан 40 йил муқаддам шонли тўқсон тўртинчи ўзбек бригадаси сафида сезгандек бўлдим.

Икром Зарипов ҳамон сафда. Худди ўзи айтганидек, гвардиячи ҳеч қачон чарчамайди.

Ҳамдам СОДИҚОВ

АНДИЖОН УММОНИ

ҚИССАДАН ПАРЧА

Ёмғир томчилай бошлади. Тоғ чўққисидан бир пода булут тўғон тепасига ёпирилиб келарди. «Жала қуядиган шаҳди бор-ку», дея кўнглидан ўтказди Камол. Бўлажак тўғон ўрни қазиб бўлингач, сангтарошлик касбининг устаси Эгамберди ота ҳам: «Энди бетончи бўламан», деб Камолларнинг бригадасига келган эди.

Даврага Эгамберди ота Рўзиев келди дегунча ҳамманинг руҳи кўтарилади. Доим янги гап топиб келади. Ҳозир ҳам бетончи йигитлар котлованни тозалашар экан, Эгамберди ота:

— Бувиларингга белбоғимни тўрт қайта қайнатиб ювдирдим. Сувдан кейин котлованни қуритиб бўлсаларинг, шу белбоғим билан артиб кўраман. Гард юқса, ўзларингдан кўрасизлар, гурзи билан бир уриб, кукун қилиб юбораман!— деб қовоқ уйиб қўйди.

Бетончилар отани ўраб олганларича, кулиб турар эдилар. Эгамберди ота энди яна бир гапни бошлайман деган эди, юқорида, кранининг ёнгинасида тўғон қурилишининг бошлиғи Виктор Данилович Медведев кўринди.

— Ҳормангнлар, азаматлар!— деди у йигитларга меҳр билан боқиб.— Тўғон асоси битди. Энди бетон қўйиш бошланади. Бетон кўтарилгани сари у билан бирга сув ҳам, кўкси-миз ҳам кўтарилади. Тўғон кўтарилади. Дирекция маъмурияти ва қурилиш партия бюроси биринчи бетон қуйиш ишини Камол Жамолов бригадасига топширади. Камол бугун мастерликка ўтди. Ҳозир уни имтиҳон қилиб кўрамиз.

Шундай деб Медведов забардаст қаддини котлованга эгиб, қўлидаги оппоқ рўмолчаси билан тошларни артиб кўрди. Тошлар чинниндай тоза эди. Сўнг у бетончиларга бир-бир қараб қўйди-да:

— Нега бетон-қоришма қуяяпмиз, деб ажабланманглар. Қоришма тошлар орасига, ёриқ жойларгача оқиб кириши зарур. Маълумки, тўғон қураётирмиз. Сувни ўзингиз яхши биласиз. Дарзини топса бас, тоғни ҳам қулатади...

Қурилиш бошлиғи чеккада буқадай ёнбошлаб ётган тош устига чиқиб, кранчига имо қилди. Кран бирдан ҳаракатга келди. Шовуллаб бетон-қоришма ўзанга оқа бошлади.

— Бошланди,— деди у кўксини кериб.

Лекин унинг гапини ҳеч ким эшитмади. Бетон-қоришманинг шовуллаши бошқа ҳамма овозларни босиб кетган эди.

Ишлар жадал борар, лекин Камол бир нимадан хавотир эди. Аввзи бетонни қуяётган вақтларида жала ёғиб қолса-я. Йўқ. Виктор Данилович бекорга: «бошлайверамиз», демаган бўлса керак, ахир у об-ҳаво маълумотини билиб келганга ўхшайди. Мана, қоп-қора булут ҳам тўзиб кетди. Советобод томондан муздаккина шамол кела бошлади. Ёмғир ўша ёқда қуяётган бўлса, эҳтимол.

Камол тажрибасизлик қилиб, бошига каска остидан рўмол танғиб олмаган экан. Анави: «Асосий касбим — чўпонлик», деб юрадиган қирғиз йигит Жолон ишнинг кўзини биларкан. У телпакни бостириб олдида, устидан каска кияди. Жуссасига қараганда уни ҳеч ким бетончи демайди. Худди тоғ эчкисидай чаққон. Ҳар куни ишдан кейин тоққа чиқиб кетади. «Ойчурек кутиб қолади», дейди. Ойчурек — севган қизининг оти. Жолоннинг қизиқ одати бор. Ҳар тонг тоғдан тушганда грелкаларни қўй сутига тўлдириб келади. Сув ўрнига сут ичади. «Қўй сути қувват беради», дейди. Ўртоқларнни қўй сути билан сийлайди. Фақат қўй сутини анави Пётр Резчук ичмайди.

— Менинг Белоруссиямда қўй сути йўқ. Уйга қайтганда, қўмсаб қолсам нима қиламан?— дейди Пётр.

— Самолётда келиб, ичиб кетаверасан,— дейди Жолон.

— Бўлмайди! Мен сенга ўхшаш қўзичоқ эмасман. Аллақачон қўчқор бўлиб кетганман.

— Кўчқор бўлсанг, шохинг қани?!

— Ана шохим,— дейди Резчук, кўтарма кранни кўрсатиб.

Ҳамма кран кабинасида рул бошқариб ўтирган Любага қараб хандон отади. Резчук ҳам бундан роҳат қилади шекилли, гарчи овози етиб бормаса ҳам, кран тепасига қараб:

— Тўғримми, Люба?— деб бақиради.

Баъзида Люба кабина ойнасидан бошини чиқариб, ерга, котлованга қарайди. Резчукни кўриб, қўл силкиб қўяди...

* * *

Камол қурилиш техникумида сиртдан ўқир эди. Техникумни битириб қайтган куни Виктор Данилович уни ҳузурига чақирди.

Суратни Н. ИБРОҲИМОВ чизган

— Сени учинчи участкага бошлиқ қилиб тайинлайман,— деди.— Анави окорднаряд усулингни қўллайман десанг, ўзинг биласан. Бир синаб кўр,— деб қўшиб қўйди.

Камол қурилиш бошлиғи ёнидан қанот боғлаб чиқди. Янги иш жойига етиб келганда, биринчи бўлиб уни Пётр қарши олди.

— Табриклайман, оғайни, йил ўтмай амал зинасидан кўтарилиб борясан.

Камол миннатдорчилик билдирди. Бу орада бетон келиб қолди. Ҳамма ўз ишига киришиб кетди.

— Бугун бир терлатай сенларни!— деб Пётр ҳам ўз иш жойига югурди.

Танаффус пайтида Камол ўз одамларини тўплаб маслаҳат солди. Окорднарядни тушунтирди. Йигитлар бу усулни синаб кўришга қарор қилишди. Ишнинг маълум қисмини окорднарядга ажратишди. Орадан бир ой ўтганда, окорднаряд усулининг афзаллиги кўринди-қолди. Шундан кейин бошқа бригадалар ҳам окорднарядга ўтиб олишди.

Ишлар жадал суръат билан борар, Камолнинг бош қашишга ҳам вақти йўқ эди.

Бир куни уни қурилиш партия ташкилотининг секретари Саенко чақиртирди.

— Камол Жамолов, сени Қўрғонтепа район партия комитетининг биринчи секретари Узоқбой Саримсоқов сўратди. Сени олиб кетишиб қолмасайди!— деди у телефон номерини терар экан.

Саенко илгари Қўрғонтепада район партия комитетининг иккинчи секретари бўлган. Райониинг паст-баландини яхши билади. Район одамлари эса унга беш қўлдай маълум.

— Узоқбой Саримсоқович. Мен — Саенкоман. Жамоловни топдим. Хўп. Красноярскка боради. Мутахассислар билан гаплашади. Тушундим.

Саенко телефон дастасини ўрнига қўйиб:

— Эшитдинг-а?— деб Камолга юзланди.

— Эшитдим.

— Бориб ишингни қилавер! Яхши, бўлмаса!— деди у ўрнидан туриб Камолга қўл узатар экан.

* * *

Белорус Пётр Резчук бу ерга Красноярск ўлкасидан келган эди. Ишнинг биринчи кунидёқ янги ҳамкасблари билан кириша кетди. Камолга ҳам Резчук ёқиб қолди. Ишлаб чарчамаслигини, баҳодирлигини эйтмайсизми! Биринчи марта Резчукни эллик метр баландда тросга осилиб турган ҳолатда кўрганда Камол анқайиб қолган эди. «Ҳой, бу нима қилганинг, жонингда қасдинг борми?» деб Эгамберди ота белидаги қийиқчасини елпиб ерга имлаган бўлса ҳам у бир қўли тросда, оёқлари темир илгакда турганча қўл силкир, осмону фалакни кўрсатиб: «Кетдим!» ишорасини қиларди.

Ана шу шўхлиги панд берди. Даҳшатли фожиа юз берди. Пётр кранга осилиб тушаётган экан. Орқада бетон тўкаётган машина хартуми тўсатдан уни уриб юборибди. Резчук

ДЕҲҚОН БАХТИ

Ун биринчи беш йилликнинг дастлабки йили бригадир Ҳасан Мухторовнинг ҳаётида ҳам сўнмас из қолдирди. У республикамизнинг бир гуруҳ деҳқончилик илғорлари қаторида партия ва ҳукуматимизнинг олий мукофоти — Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонига сазовор бўлди. «Ўнинчи беш йилликда эришган юксак кўрсаткичлари ва пахтачиликни ривожлантиришдаги хизматлари учун»... СССР Олий Совети Президиумининг фармонида айтилган бу юксак баҳо оддий пахтакор Ҳасан Мухторовнинг фаолияти учун асосий мезондир. Дарҳақиқат, уни Сурхон воҳасида ҳамма танийди, ёш деҳқонлар эса ҳақиқий дала академиги бўлган бу омилкор пахтакор ҳузурига маслаҳат учун тез-тез келиб турадилар. Ана шундай пайтларда:

— Бригадамиздаги ҳар бир сувчи ўз даласи, ўз участкаси учун масъул,— деб ўз ютуғининг сирларини бирма-бир ёшларга тушунтиради Ҳасан Мухторов.— Ойлик мусобақани якунлаш олдидан улар бир-бирларининг ишларини эгатма-эгат текширадилар, ғўзалар ҳолатини кўздан кечирадилар. Албатта, бу ишда бригадир сифатида кўз-қулоқ бўлиб турамиз. Текшириш якунида ким мукофотга лойиқ эканлиги билинади-қолади.

Ҳа, бригадир ўз сувчиларининг ишбилармонлигидан миннатдор. Коллектив ипак пахтанинг биринчи тип тола берадиган «С-60—37» навини областда биринчилар қаторида синаб кўрди. Бироқ бошқа ҳамма навлардан кўра шу навдан юқори ҳосил олиш қийин бўлди. Ғўзаларнинг барги ошқовоқникидай тарвақайлаб кетди. Уни қайта-қайта чеканка қилиб ҳам ўсишдан тўхтатолмадилар. Натижада ҳосилни сийрак тугди, кечга тортди.

— Сувдан тортиш керак!— Ҳасан ака шундай мулоҳазани ўртага ташлади. Сувчиларнинг ҳаммаси унинг фикрига қулоқ тутди.

Ғўзани сувдан тортиш деган гап сувчининг иши енгиллашди дегани эмас эди. Бу худди жанг майдонида қўққисдан ҳужум қилиш тактикасига ўхшаш усул эди. Натижа қувончли бўлди. 1977 йилда коллектив ҳосилдорликни олдинги йилдагидан гектарига 9 центнерга оширди.

Ҳосилдорликни оширишнинг яна бир сири хусусида: механизатор Аҳмад Амиров беш йилдирки, бир одатга ўрганиб қолган — культиватор қутилари элакдан ўтказилган қўй қийи билан тўлғазилмаса, рулга ўтирмайди. Минерал ўғит ўз йўлига. Бирон метр жойда ҳам эгат олиш ёки культивация органик ўғит солинмасдан ўтказилмайди. Бригадирнинг ўзи мана шу агротехник тадбирнинг қандай бажарилганини эгатма-эгат кўздан кечириб чиқади. Шунда у бир сурув қўйни ярим соатда тугалладиган чўпонларнинг зукко фаросатига хос зийраклик билан ғўза санайди. Экинларнинг ҳолатини зимдан кузатади.

Бу ўринда характерли бир эпизодни келтирмоқчимиз. 1980 йилда Қумқўрғон район партия комитетининг III конференцияси вақтида райкомнинг кўргазма залига Ҳасан Мухторов бригадасидан бир туп ғўза келтирилди. Ғўзанинг нави «АШ-25» эди.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Қумқўрғон районидаги «Қизил Октябрь» колхозининг бригада бошлиғи, ипак пахта устаси Ҳасан Мухторов.

Конференция қатнашчилари 408 та тўқ кўсакдан очилган пахта чаноғини санадилар. 408 та!

Ҳисобдонлар шундай хулосага келишди: агар бир гектар ердаги ўртача 80 минг туп кўчатнинг ҳар бири шундай ривожланса ва ҳар чаноқ пахта икки граммдан бўлса, ҳосилдорлик 928 центнерни ташкил этар экан!

Бу ҳисобнинг тўғрилигига ишониш қийин бўлсада, айни вақтда факт эди.

— Устоз пахтакорсиз,— деди чўпон дўсти Шоймардон Сафаров суҳбатлардан бирида.— Қанчадан-қанча шогирдларингиз бор. Энди иш осон кўчаётгандир?

— Ҳазилни ҳам ўринга қўясиз-да! Ўн йил давомида одамларга шогирд тушдинг, муносиб шогирд чиқдинг, десангиз бу бошқа гап,— деди Ҳасан Мухторов.

— Устозларингиз ким ўзи?— атайин ўсмоқчилаб сўради яна Сафаров.

— Одамлар, бутун бригада. Қолаверса, колхоз правлениеси, район партия ташкилоти. Районда бўлиб ўтадиган пахтачиликка оид мажлис ва кенгашларда аксарият ҳолларда дала ишларининг умумий мароми, суръати, сифати Ҳасан Мухторов бригадаси ишларига қиёслаб таҳлил этилади. Шунга қараб марралар белгиланади.

Район партия комитетининг биринчи секретари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Чори Алматов олтмиш центнерчилар ҳузурига — Ҳасан Мухторов бригадасига тез-тез келиб туради, тажрибалар хусусида фикрлашади. У ҳар келганида бригадирни иш устида учратади. Ҳасан ака гоҳ ўқариқ сувига тушиб шарбат қориштираётган, гоҳ ёш сувчига иш ўргатаётган, гоҳ маҳаллий ўғит ишларини тартибга келтиришни уюштираётган бўлади.

Улар бирга эгат оралайдилар. Секретарь коллективнинг ишидан хурсандлигини яширмагани ҳолда айрим мулоҳазаларни ҳам гап орасида қистириб кетаверади: культиваторнинг бўшаган хомутини қотириш керак, шийпондаги фалон шиорни янгилаш лозим, ёрдамчи хўжаликни ҳам унутманг...

Ҳасан аканинг устозларидан яна бири сувчи Абдураҳмон Шароповдир. Улуғ Ватан урушн ветерани.

Раҳбарлик, энг аввало, одамларга нисбатан меҳрибонлик билан белгиланади. Абдураҳмон сувчининг оғзидан шу гапни эшитганда Ҳасан ака энди бригадирликка сайланган эди. Одамлар қалбига йўл топа билиш, фидойилик туфайли бригадир эллик уч нафар аъзоси ҳурматини қозонди.

Бригададаги йигирма тўрт хонадоннинг ҳаммаси фаровон турмуш кечирмоқда, чарогон уйларда истиқомат қилмоқда. Деярли ҳамма оилада енгил машина бор. Ўтган йили ҳар бир колхозчининг ўртача йиллик даромади 2 минг 860 сўмга тўғри келди. Йил охирида бир сўм иш ҳақига бир сўм ўттиз саккиз тийиндан мукофот олдилар.

— ...Унвон муборак бўлсин!

— Табриклаймиз!..

Уша кезларда Ҳасан Мухторов ҳамкишлоқларининг бу илиқ қутловларига қўлини кўксига қўйиб:

— Раҳмат, мукофот ҳаммамизники. Бунда барча ҳамкасб дўстларимизнинг ҳиссаси бор!— дея жавоб қиларди.

Қумқўрғон районидаги «Қизил Октябрь» колхозининг бригада бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳасан Мухторов ўз меҳнати билан элда эътибор, партия ва ҳукуматимиз олдида обрў топган кишилардан. Унинг ҳаёти ёш авлод учун ибратли.

Олимжон УСАНОВ

Сурхондарё области.

қушдай қулочини ёзиб ерга қулар экан: «Люба, хайр!», деб бақирди. Камол Резчук қулаган котлованга отилди. У Пётрни ердан азот кўтариб олди. Пётр ҳали тирик эди.

— Камол, ўлгим келмаяпти!— деди у ва жон ҳолатда ўрнидан турмоқчи бўлди. Лекин Камолнинг қўлига шилқ этиб тушди.

— Петя, Петя, кўзингни оч!

Бу — Любанинг нидоси эди.

Фожиа Камолнинг вужудини қақшатиб юборди. «Пётр, дўстим, қадрдоним», деб ҳўнграб йиғлаб юборди за Пётрнинг жасадини қўлида кўтарганча темир зина томонга кета бошлади. Ҳамма унга эргашди. Камол зинага етганда қатор турган одамларга кўзи тушди. Улар Пётрнинг жасадини қўлма-қўл олиб юқорига узатишди.

Бир зумда етиб келган «тез ёрдам» машинаси Пётрни олиб кетди. «Тез ёрдам» орқасидан бирдан нимадир эсига тушгандай:

— Петя!— деб бақириб юборди Люба ва ҳали чанг босилмаган шағал йўлдан чопиб кетди.

Камол бир тош устига бориб ўтирди.

Бир вақт атрофга қараб шахд билан ишлаётган сменасига кўзи тушди.

Камол бир зум аңқайиб қолди. Кейин аста туриб, Пётр Резчукнинг белкурагини олиб, бетонни тўр симлар орасига сура кетди.

Камол уйига қорғин қайтди. Юзқўлини шунчаки ювган бўлиб, кираверишдаги хонага кириб кетганча анча вақтгача чиқмади.

— Овқатинг совиб қолди!— деб зорланган онасининг гапи ҳам қулоғига кирмади.

Эртасига қурилиш бошлиғи Медведев уни ҳузурига чақирди: «Бўлган воқеанинг тафсилотини ёзиб бер», деб, столга қоғоз-қалам қўйди. Камол бошлиққа қараб:

— Виктор Данилович, ёзолмайман. Ҳеч нарса деёлмайман,— деди.

— Керак, биласанми, Камол. Жуда керак!

Бу ҳам баҳарнав экан. Пётрнинг Гомелдан ота-оналари келганда, Камол ўзини қўйгани жой тополмай қолди. Яна, устига-устак, Пётрнинг қабри бошида Камолга марҳумнинг энг яқин дўсти сифатида сўз бердилар.

У гапирди. Сўзининг охирида Пётрнинг ота-онасига мурожаат этиб:

— Биз Пётрнинг дўстлари, ҳамкасблари уни асло унутмаймиз. Сизлар ҳам доим бизга суянаверинг. Сизларни ёлғизлатмаймиз!— дея йиғлаб юборди.

Кейин партия ташкилотининг навбатдан ташқари мажлиси бўлди. Содир бўлган масала юзасидан Саенко гапирди. Меҳнат интизоми суст бўлгани учун смена мастери Камол Жамоловга ҳайфсан эълон қилинди.

Йиғилишдан чиққан Камол Любанинг аҳволидан хабар олгани у турадиган жойга борди. Лекин Люба йўқ эди. Ён қўшниси, лабораторияда ишлайдиган хотин унга тикилиб:

— Люба бошқа ёққа кўчиб кетди. «Бу ерда энди туролмайман», деб йиғлади,— деди.

Камол нима қиларини билмай, почта ёнидан ўтиб бораётганда Амина опа хонадан чиқиб келиб:

— Сиз Камолжонмисиз?— деб сўради.

— Ҳа!— деди опанинг мулозаматига ҳайрон бўлиб Камол.

— Сизга хат бор эди...

Улар олдинма-кейин почтага кириб боришди. Опа хатни унга тутқазди. Конвертда адрес йўқ, умуман ҳеч нима ёзилмаган эди.

Камол почтадан чиқиб, орқасига қаради. Йўқ, Амина опа кўринмади. У хотиржам бўлишга қанча ҳаракат қилмасин, бўлмади. Кўнгли синиқ одамга ҳар қандай хабар ё эътибор қаттиқ таъсир этар экан. Камол кўнгли бўшашиб хатни очди...

...ушалган орзу

Ўғилой ёшлигидан сигирларни яйловда ўтлатишга ишқибоз эди. Дадаси Раҳим бобо: «Қизинг ҳали ёш, яхшиси, молларни подага қўшайлик», деса, онаси Қурбонбиби: «Қизимиз ёш бўлгани билан подани эплашга қодир», дея қизини рағбатлантирарди. Ўғилой қўлида узун таёқ билан сигирларни ўтлоқларга олиб ўтаркан бир олам қувонч завқини ҳис этарди. Бир куни саҳар пайти Ўғилой оғилхонадан онасининг койинган овозини эшитиб қолди. Югуриб оғилхонага кирди.

— Ҳаром ўлгур, сутни исроф қиласан,— деб онаси жиғибийрон бир ҳолатда сигирнинг биқинига шапатилаб урарди.

— Ая, челакни менга беринг, ўзим соғиб оламан,— деди ва уни бир зумда сутга тўлатиб узатди. Қурбонбибн қизининг чаққон ҳаракатлари ва сигирга нисбатан эҳтиётқор муомаласига маҳлиё бўлиб қолган эди...

Орадан йиллар ўтди. Бир куни Қурбонбиби қизини колхоз раисининг идорасига бошлаб борди.

— Раис бува,— деди Қурбонбиби,— қизимни фермага ишга олишингизни илтимос қиламан.

Раис уларга синовчан назар ташлади.

— Фермада ишлашга ёшлик қилмасмикан, қизингизнинг бичими ҳам ихчам кўринади,— деди.

Ўғилой раисга ялт этиб боқди ва:

— Сут соғувчи бўлиш менинг аҳдим,— деди қатъият билан.

— Оббо сен-ей,— деди раис,— ҳали шунақаман дегин. Майли, эртага саҳарда ҳузуримга кел, фермага ўзим олиб бораман.

Ўғилой меҳнатга муҳаббати туфайли бой тажриба орттириб Бурчмулладан Оржоникидзе районидаги «Қизил Узбекистон» колхозига ишга келди. Бу ерда унга дастлаб эндигина сутга кирган сигирлардан 12 тасини биркитиб беришди. Ўғилойнинг ишга чинакам ихлосини кўриб, ферма мудири яна 8 та соғин сигир масъулиятини ҳам унинг зиммасига юклади. Ўғилой уларнинг ҳар биридан ойига 350—360 литрдан сут соғиб олди ва фермада энг илғор сут соғувчилардан бири бўлиб қолди. Юксак меҳнат кўрсаткичлари учун коммунист Ўғилой Раҳимбобоева Қизил Байроқ ордени билан тақдирланди. Бу олий мукофот унинг ғайратига ғайрат, кучига куч қўшди.

1954 йилдан буён сурункасига фермада меҳнат қилиб келаётгач Ўғилой ўн бешдан ортиқ шогирд етиштирди. Улардан бири Шарофат Қурбонова устози ҳақида шундай дейди:

— Ўғилой опамдан мен чорва парваришига доир кўпгина нозик жиҳатларни ўргандим. Меҳрибонлик ва талабчанлик билан у киши биз шогирдларига тўғри йўл-йўриқлар кўрсатдилар. Айниқса, сигирларни тоза-озода сақлаш, уларнинг озуқасидан доимо хабардор бўлиб туриш тўғрисидаги насиҳат ва маслаҳатларига амал қилганимиз учун яхши натижаларга эришаётирмиз. Мен зиммамдаги 25 сигирдан муттасил 350 литрдан сут соғиб олаётган эканман, бунда Ўғилой опамнинг хизматларини ҳамиша ҳис этиб тураман.

Ўғилой меҳнат қилаётган фермада 1120 бош қорамол бўлиб, шулардан 420 таси соғин сигирлардир. Утган йили Латвиядан 99 бош зотли ғунажин келтирилди. Яқин орада улардан олинадиган бузоқчалар фермадаги молларнинг зотдорлигини таъминлаши шубҳасиз. Ўғилой ўз боқувидаги соғин сигирлар сонини 40 тага етказишга аҳд қилган.

Биз ферма аъзоларининг чорва қишловига қандай тайёргарлик кўрганликлари билан қизиқдик.

— Чорва қишлови — масъулиятли палла,— дейди Ўғилой.— Шуни ҳис этган ҳолда биз 178 тонна пичан, 406 тонна сомон, 2 минг 62 тонна силос, 202 тонна витамин уни, 258 тонна сенаж, 191 тонна беда ҳозирладик. Бу хил ем-хашаклар чорва қишловини муваффақиятли ўтказишимизнинг гаровидир.

Ўғилой Раҳимбобоева жамоат ишларидаги фаолияти билан ҳам кишилар ҳурматига сазовор бўлган коммунистдир. У халқ депутатлари район Советига ҳамда Маткобулов номидаги қишлоқ Советига бир неча бор депутат қилиб сайланган. «Қизил Узбекистон» колхози партия ташкилотининг бюро аъзоси сифатида ҳам масъулиятли вазифаларни амалга оширмоқда.

Утган йили 25 бош соғин сигирнинг ҳар биридан пландаги 3 минг 300 ўрнига 4 минг 500 литрдан сут соғиб топширган Ўғилой Раҳимбобоева янги-янги марраларни кўзламоқда.

Анвар САИДУМАРОВ

ИЛҒОРЛАР САФИДА

— Хўжалик чорвадорлари беш йил мобайнида сут маҳсулоти миқдорини ҳар бир соғин сигир ҳисобига 2 минг литрдан кўпайтиришга эришганлар. Бунинг боиси нимада?

— Асосий сабаб чорвага масъул ва бу соҳа билан машғул кишиларимизнинг омилкорлик, сабр-тоқат билан иш юритишларида. Яъни бундан беш йил муқаддам турли хил зотли молларга эга эдик, уларнинг ичидан қора-ола зотлиларинигина саралаб вояга етказдик. Натижада ҳар бир соғин сигирдан 3 минг 200—3 минг 400 литрдан сут соғиб олинмоқда. Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган чорвадор сут соғувчи Қумриниса Абдуҳалимованинг кўрсаткичи эса 4 минг 100 литрни ташкил этади.

Бағдод районидаги «Большевик» колхози правлениеси раисининг чорвачилик бўйича ўринбосари Мансуржон Кўчқоров — ўз соҳасининг ижир-чикирлари ва сир-асрорини яхши билган ҳамда бу касбни ардоқлаган ёш мутахассислардан. У 1372 бош қорамолга эга бўлган ферманинг бўлинмаларн ичма юриб бораркан, гўё ҳар бир сигирнинг, ғунажиннинг, бузоқчанинг ўзига хос хусусиятларини таърифлаётгандай туюлади. Бунинг учун қулай усул ҳам мавжуд, албатта. Яъни бу ерда моллар ўзининг ҳолати, вазни, берадиган сут маҳсулотининг миқдори, ёши ва жинсига қараб, алоҳида-алоҳида бўлимларга ажратилган. Ҳатто шартли равишда «боғча» деб аталган бўлимдаги бузоқчаларнинг ҳам неча ойлигига нисбатан сараланганлари мавжуд.

— Биз бундай саралашга ниҳоятда қаттиқ амал қиламиз,— дейди Мансуржон.— Чунки бу қоида, бир томондан, уларга қаровни бир маромга солса, иккинчидан, озуқа рационини доимий назорат қилиб бориш имконини беради. Бундай тадбир энг яхши зотли молларни саралаш, сут ва гўшт маҳсулотларини мўлроқ етиштиришни таъминлаш воситаси ҳамдир. Чунки уларни қанчалар эътибор билан парвариш қилсангиз, сувн ва озуқасини ўз пайтида бериб турсангиз, этига эт, сутига сут қўшилаверади. Бундан ташқари, санитария-гигиена қоидаларига ҳам қатъиян амал қилиш лозим.

Ҳақиқатан, ферма ҳовлисида, унинг бўлимлари ичидаги озодалик ва сариштлик эътиборни жалб этмай қолмайди. Колхоз чорвадорлари зиммаларига биркитилган ҳар бир участка ва майдоннинг ҳамиша тоза бўлиши учун ўзларини жавобгар ҳис этадилар.

— Утган хўжалик йилида пландаги 940 тонна ўрнига 1140 тонна сут соғиб олдик. Шунингдек давлатга 112 тонна гўшт сотдик. Бундан келган даромад колхоз экономикасини бойитди. Чорвадорларимизнинг ўз касбига меҳр ва масъулият билан ёндашишлари туфайли ана шундай ютуқларга эришмоқдамиз,— дейди суҳбатга қўшилиб колхоз қорамолчилик фермасининг мудири Усмонжон Қорабоев.— Чорва қишловини пухта ўтказиш учун озуқа базасини мустаҳкамлаш муҳим чора-тадбир ҳисобланади. Биз ана шу масъулиятли паллага ҳар йили яхши тайёргарлик кўрамиз. Масалан, бу йилги чорва қишлови учун 4,5 минг тонна силос, 1600 тонна озуқабоп лавлаги, яна шунча сенаж, 1,5 минг тонна дағал хашак, 300 тонна табиий беда, шунча миқдорда сомон, 700 тонна табиий ўт (янтоқ, қиёқ) ва витаминли ун жамғарганмиз. Бир килограмм сут етиштириш учун 1,5—1,6, бир килограмм гўшт учун эса 10—10,5 озуқа бирлиги сарфланаётгани ҳисобга олинса, жамғарилган озуқа запаси етиб, ортиқ қолишини тасаввур этиш мумкин.

КПСС Марказий Комитетининг 1981 йил ноябрь Пленуми ва УзКП Марказий Комитетининг IV Пленуми чорвачиликни интенсив юксалтириш юзасидан муҳим тадбирларни белгилаб берди. Партиямиз олдинга сурган озиқ-овқат программаси аҳолининг гўшт, сут ва бошқа маҳсулотларга бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондиришни кўзда тутади. Ана шундай мақсадлардан келиб чиққан ҳолда «Большевик» колхозининг чорвадорлари ҳам ўн биринчи беш йиллик давомида гўшт ишлаб чиқаришни 1,5 баравар, сут ишлаб чиқаришни эса 80 процентга кўпайтиришга аҳд қилганлар.

— Бу мақсадларни рўёбга чиқариш учун зарур шароитлар мавжуд,— дейди колхоз правлениесининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Эркин Усмонхўжаев.— Ем-хашак базасини мустаҳкамлашда илғор технологияга таяниб иш кўриш ютуқларни қўлга киритиш омилларидан ҳисобланади. Бу соҳада машғул ҳар бир кишининг масъулиятини ошириш, жараёнларни механизмлаштириш, энг илғор тажрибаларни зудлик билан жорий этиш муҳим масалалардандир.

Дарҳақиқат, колхоз фермасида иш жараёнларини механизмлаштиришга алоҳида эътибор берилаётир. «Волгарь-5» деб номланган мавжуд учта аппаратнинг ҳар бири силос, хашаки лавлаги, сомон, беда, пичанни бир йўла майдалаб ва аралаштириб тайёрлаб берган озуқадан бирор грамм ҳам чиқит чиқмайди. «КДУ-2» деган универсал аппарат эса турли хил донли озуқаларни унга айлантириб беради. Ҳосиладан тайёрланган «атала»ни эса сигирлар ва бузоқчалар иштаҳа билан истеъмол қиладилар. Натижада уларнинг вазни кунига бир килограммгача ортиб бормоқда.

Утган йилнинг охирида сут соғувчи хотин-қизлар ажойиб бир совға олдилар — юксак даражада механизмлашган сут соғиш зали уларнинг ихтиёрига берилди. Эндиликда икки киши 16 бош сигирни бир пайтнинг ўзида соғиб олади ва бу жараёнга атиги 5—6 минут сарфланади, холос. 100 бош сигирни соғиб олиш учун 35—40 минутли муддат кифоядир.

Ферма қошида хўжалик ходимлари учун чорвачилик халқ университети ташкил этилган. Унда чорвачиликка доир муҳим масалалар чуқур ўрганилади. Қумриниса Абдуҳалимова, Тўлғаной Мақсудова, Лайли Мирзаева, Зуҳра Далиева, Марям Қорабоева каби сут соғувчиларнинг, Искандар Умаров, Ҳусан Матқосимов, Турсунали Холматов, Қўчқорали Мамадалиев каби молбоқарларнинг илғор тажрибалари таҳлил этилади ва оммалашади. Университет фаолиятини колхознинг бош агрономи Нурилла Эргашев бошқаради.

Хўжалик зиммасидаги вазифалар моҳиятини чуқур ҳис этиш туфайли «Большевик» колхози чорвадорлари яхши натижаларни қўлга киритмоқдалар. Ун биринчи беш йилликнинг иккинчи йили бошидаёқ улар новвосларни сўқимга боқиб бўлдилар. «СССРнинг 60 йиллигига —60 зарбдор ҳафта» шиори остида хўжалик гўшт сотиш йиллик планини Октябрнинг 65 йиллигига қадар бажаришга аҳд қилган.

Баҳодир АМИНОВ

Гулчеҳра ЖУРАЕВА

ОПА-СИНГИЛЛАР

Уч опа-сингил эдик,
Ҳарирдай кўнгил эдик.
Бир узукнинг уч кўзи,
Осмоннинг уч юлдузи.

Онамизга суюнчи,
Уч болиш, уч суянчиқ.
Кўп эмас кўйлагимиз,
Мўл эди тилагимиз.

Эсди осуда нафас,
Ясан-тусан кун келди.

Гулзорга пиёз эмас,
Ўсмаю гул экилди.

Уч қизда уч ҳаяжон,
Қалбида тугди маржон.
Деди: «Ўқиб, ўқитсак,
Меҳнатдан бахт тўқисак!»

Бир кўз очиб юмгунча,
Кафтдай очилди ғунча:
Дилда қолмади армон,
Ошилди уч тоғ, довон.

Болалик қолиб кетди,
Йигитлар олиб кетди.
Учиб кетдик ҳар томон,
Бўм-бўш қолди ошиён.

Учовлон уч ўчоқда
Гулхан ёқдик уч ёқда..

Қўш саҳифа

Сутдай оппоқ,
кўзгудай силлиқ,
Бир китобнинг қўш саҳифаси,
Худди шундай юзимиз асли
Шабнамдай соф, шуъладай тиниқ.

Ҳаёт бўлди сеҳргар қалам,
Чиза борди юзга галма-гал.
Бир бетига ташвиш, ғоҳ алам,
Бир бетига шодликдан ғазал.

Қалам ишлар ирмоқ очгунча,
Ҳар ирмоққа жойлаб маънони.
Сочда қора сиёҳ битгунча,
Битиб борар тақдирномани.

Кулгичингда қуёш

Кулгичинг ғунчамиди,
Юлдуз ё кунчамиди?
Ғунча бўлса, очилсин,
Кунча бўлса, сочилсин!

Табиатнинг қалбини
Ёғду билан эласин,
Инсонларнинг лабини
Кулги билан уласин.

Чақалоққа чақирик

Бугун сен чақалоқсан,
иссиқ оғушда бу чоқ,
Меҳр, шодлик, нон ила
кунлар ўтар қаймоқдай.
Ардоқдан беланчагинг,
муҳаббатдан — овунчоқ,
Усмоқдасан, эркатой,
ташвишлардан йироқда.
Бедор кеча-кундузлар,
алла-эртаклар ҳаққи,
Қулоқларинг тагида
ўзим чалай қўнғироқ.
Сут билан кириб борсин
жонингга оташ ёқиб,
Айтадиган гапларим
айтиб қолай ҳозироқ:
Сен — онанг қўшиғисан,
авжга чиққанда қўшиқ
Дилини қаттиқ чертиб
узиб қўйма торини.
Сен — отанг бўстонисан,
бўрондай хазон қўшиб
Ғафлат оёғи бирлан
топтама гулзорини.
Сен — онанг офтобисан,
тикка келганда қуёш
Кўксидаги шуълани
булут бўлиб тўсмагил.
Сен — отанг осмонисан,
остида омондир бош,
Қиров сочиб бемаҳал
қаҳратондай ўсмагил.
Сен — суянган тоғисан,
суянганда бедармон
Елкангни олиб қочиб
танҳоликка қулатма.
Сен — унга тўкис олам
бадавлат, бахтли армон,
Дунёсини ўғирлаб,
қашшоқликни йўлатма.
Сен — отангга малҳамсан,
дардини ол кўнгилдан,
Қалбида ҳилпираган
байроғини сўлдирма,
Сен — онангга табассум
очилганида гулдай,
Оғзингдан олов сочиб,
чеҳрасини куйдирма.
Сўнг билурсан, бу ҳаёт
биқирлаган дошқозон,
Дўстлар билан елкадош
аста қайнаб пишарсан,
Меҳнат ва пок туйғусиз
яшамас ҳалол инсон,
Дилинг беғубор бўлса,
ойдин изга тушарсан.
Сўнг билурсан, ҳаётнинг
бордир икки палласи,
Аммо сени сеҳрлаб
тортсин ложувард чашма.
Булутсиз осмон йўқдир,
офтоб-чи кўланкасиз,
Аросатда қолганда,
тўғри йўлдан адашма.
Атак-чечаклар қолиб
болаликдан ўтарсан,
Катта ҳаёт сабоғи
жаранглатар қўнғироқ,
Онанг, отанг, юртингни
бошинг қадар кўтарсанг
Ватанинг ардоғида
кўксинг бўлур адл тоғ!
Қани энди қўлни бер,
оқ йўл сенга, чақалоқ,
Эзгуликка чақириб чалабергин қўнғироқ!

1943 йили Жиззах районидаги «Москва» колхози правлениеси Умри Орифжоновага катта ишонч билдириб, пахтачилик бригадасига бошлиқ этиб тайинлаганди. Умри опа ўшанда 20 ёшли навниҳолгина қиз эди. У ёш бўлишига қарамай, бригада коллективини самарали меҳнат сари бошқара билди. Дастлабки йиллари гектаридан 10—15 центнердан пахта етиштирган бригадада 1950 йилга келиб ҳосилдорлик 42 центнерга кўтарилди. 1961 йили Умри Орифжонова колхоз правлениесига ариза ёзиб, Сангзор соҳилидаги қўриқдан ер очиб ишлаш истагини билдирди. Колхоз правлениеси унинг ташаббусини қўллаб-қувватлади. Умри опа шундан бери Жиззах чўлида. Аср-асрлардан бери чўллаб, шўрлаб, бўзлаб ётган даштда табиат қийинчиликларини мардонавор енгиб Холмат Исломов, Холмат Норчаев, Мели Очилов, Зоир Ҳакимов, Жалол Исроилов каби фидокор деҳқонлар билан бир жон, бир тан бўлиб ишламоқда. Ҳа, қирқ йилдирки, унинг умри мазмунига, беором қалбига ер, пахта, меҳнат сўзлари жўшқин қўшиқдек сингиб кетган.

Унинчи беш йиллик давомида у бошқарган бригада давлатга пландаги 1 минг 362 ўрнига 2 минг 268 тонна ёки пландагидан 840 тонна кўп пахта сотди. Ўн биринчи беш йилликда эса Умри Орифжонова бошлиқ пахтакорларнинг ахди янада улкан.

М. ТУРОБОВ

Акрам БАҲРОМОВ чизган расм

ўралашиб қолмасдан, ўз мамлакатининг ташвиши ғ
лан яшамоғи — шижоатли меҳнат билан, адолат
яхшилик тантанаси учун астойдил курашиш руҳи бил
йўғрилган ҳаёт кечирмоқлари лозим.

Л. И. БРЕЖНЕ

ИЖОДКОРЛИК ЖАСОРАТИ

Баҳриддин НАСРИДДИНОВ

Ўзбекистон Театр жамияти президиумининг
раис ўринбосари

Коммунистик партия зиёлиларимизнинг меҳнатига, ижодкорлик жасоратига ҳамиша юксак баҳо бериб келмоқда. Ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС XXVI съездида совет ёзувчилари, рассомлари, композиторлари, театр, кино, телевидение ходимлари — ўз таланти ва профессионал маҳорати билан халққа, коммунизм ишига хизмат қилаётган кишиларнинг ҳаммаси чуқур ташаккурга лойиқ эканликларини уқтиргани ҳам шуни кўрсатади.

Табиийки, ўнинчи беш йиллик, аввалгилари каби, бутун мамлакатимиз халқлари, шу жумладан, ўзбек халқи маданий ҳаётининг янада гуллаб-яшнаш даври бўлди. Бу жиҳатдан республика театр санъати тараққиёти диққатга моликдир. Республикамизда партиямизнинг тарихий икки съезди орасидаги даврда бир қатор янги ижодий коллективлар майдонга келди; санъат кадрлари тайёрлайдиган янги бадиий ўқув юртлари ташкил топди. Нукус, Урганч, Термиз, Каттақўрғон, Самарқанд, Жиззахдаги музикали драма ва комедия ҳамда драма театрлари учун янги, замонавий бинолар қуриб берилди. Тошкентдаги Республика қўғирчоқ театри биноси санъат кошонаси сифатида тилга тушди. Республика пойтахтида В. И. Ленин номидаги СССР халқлари дўстлиги саройи қад кўтарди.

КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик ва сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш ҳақида», «Адабий-бадиий танқид ҳақида», «Ижодкор ёшлар билан ишлаш тўғрисида» деб қабул қилган қарорлари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг область театрлари фаолиятини янада яхшилаш, республикада музика, қўшиқ санъатини бундан ҳам равнақ топтириш, концерт ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш борасидаги ғамхўрлиги ажойиб самаралар берди. Буни қуйидаги мисолдан ҳам кўриш мумкин: КПСС XXV ва XXVI съездлари орасида Ўзбекистон театрларида 657 та янги спектакль саҳналаштирилди, шулардан 348 таси ўзбек муаллифларининг оригинал пьесаларидир. Бу саҳна асарларига назар ташласак, уларда совет воқелигимиз, ҳозирги замоннинг муҳим муаммолари, коммунистик қурилиш жараёнидаги улкан зафарлар, турмушимизда учраб турадиган камчиликлар ва уларга нисбатан олиб борилаётган муросасиз кураш бадиий жиҳатдан ҳаққоний тасвирланганини кўрамиз. Турли мавзуларда, турли жанрларда яратилган мазкур пьесаларнинг энг яхшилари Иттифоқ кўрик, фестивалларида мукофот ҳамда дипломларга, шунингдек, Ҳамза номидаги ЎзССР Давлат мукофотига, республика Ленин комсомоли мукофотига сазовор бўлди. Ҳамза номидаги Ўзбек давлат Академик драма театрининг бир гуруҳ ижодкорлари «Инқилоб тонги» спектаклини юксак маҳорат билан ижро этганлари учун СССР Давлат мукофоти билан тақдирландилар. «Ҳамза» театрининг Москвадаги, Алишер Навоий номли Катта опера ва балет театрининг Кремль саройидаги, Максим Горький номидаги Академик рус драма театрининг Ленинград, РСФСР ва Украина ССРнинг қатор катта шаҳарларида бўлган гастроллари муваффақиятли ўтди.

Республика театрлари СССР халқлари драматургияси ва театр санъати Бутуниттифоқ фестивалида ҳам фаол иштирок этдилар. Шу муносабат билан саҳналаримизда 47 та спектакль кўрсатилди — деярли барча қардош совет республикаларининг драматурглари асарлари ўзбек саҳнасида намойиш этилди. 1976—1980 йилларда 131 та саҳна асари ўзбек тилига таржима қилинди.

Ўз навбатида ўзбек авторларининг саҳна асарлари ҳам қардош халқларимиз тилларига таржима этилди ва саҳналаштирилди. Москвада, СССР Большой театри саҳнасида атоқли ёзувчи Шароф Рашидовнинг «Кашмир қўшиғи» асари асосида композитор Улуғбек Мусаев яратган «Ҳинд достони» балет-спектаклининг муваффақиятли қўйилиши маданий ҳаётимизда катта воқеа бўлди.

1976 — 1980 йиллар давомида Ўзбекистон саҳна санъати усталари жаҳоннинг 40 мамлакатида ўз санъатларини намойиш қилдилар. Улар социалистик ҳамдўстлик мамлакатларида ҳамда Лаос, Ҳиндистон, Финляндия, Тунис, Мальта, Италия, Ливан, Норвегия, Мали, Юқори Вольта, Франция, ГФР, Америка Қўшма Штатлари каби мамлакатларда ўз истеъдодларини кўрсатдилар.

Республикамизда Осиё мамлакатлари қўғирчоқ театрларининг халқаро фестивали, Совет музикасининг Бутуниттифоқ фестивали, студент театрларининг иккинчи халқаро фестивали, РСФСР, Озарбайжон, Тожикистон ССРнинг адабиёт ва санъат кунлари зўр тантана билан ўтди.

Албатта, бу адабий учрашувлар санъат байрамлари ўзаро дўстлик муносабатларининг янада мустаҳкамланиши, ижодий кучларнинг таъсир ҳам барқ уриб яшнаши учун омил бўлди. Республикамизнинг 400 га яқин талантли санъаткорлари 1976—1980 йилларда музика, вокал ижрочилиги, театр ва рассомлик санъати соҳасида юксак маҳорат кўрсатдилар, 35 марта Бутуниттифоқ ва халқаро конкурсларда иштирок этдилар.

Аммо, муваффақиятлар билан бирга, саҳна санъатимизнинг ривожи жараёнида муайян нуқсонлар учраши ҳам табиий, албатта. Сўнгги вақтларда оригинал драматургиямизда ижтимоий-сиёсий темаларда яратилган — замон нафаси билан тўлиб-тошган асарлар камчиллиги сезилиб қолмоқда. Ваҳоланки, ўртоқ Л. И. Брежнев уқтиргандек, «Асар қаҳрамонлари майда-чуйда ишлар атрофида ўралашиб қолмасдан, ўз мамлакатининг ташвиши билан яшамоғи — шижоатли меҳнат билан, адолат ва яхшилик тантанаси учун астойдил курашиш руҳи билан йўғрилган ҳаёт кечирмоқлари лозим».

Театрларимизга айниқса республика ишчи синфи ҳаётидан олиб ёзилган тўлақонли, ҳаяжонли оригинал асарлар керак. Қишлоқ меҳнаткашлари, айниқса, олтин қўлли пахтакорларимиз ҳақида, уларнинг бунёдкор меҳнатини, сермазмун ҳаётини акс эттирувчи саҳна асарлари даркор. Бундай асарларни яратиш учун эса бутун ижодий кучларни тўла сафарбар этиш керак бўлади.

Ҳарбий-ватанпарварлик темасини саҳнамизда мужассамлаштириш борасида хали муайян камчиликлар мавжуд. Хусусан, айрим театрларимизда, йиллар ўтиши билан эскириб, бачканалашиб, театр «стандартларига» айланиб қолган «услуб»ларнинг то шу кунгача қўлланилиши бу масъулиятли мавзунинг саҳнамизда ўз ғоявий-бадиий ифодасини топишига халақит бермоқда. Негадир, ҳарбий мавзудаги спектакль баъзи ижодкорлар назарида, отишмалар билан тўлиб-тошган томоша бўлиши керак. Аслида ҳарбий темани саҳнада беҳуда шовқин-суронлар ёрдамида эмас, жонли одам, инсон орқали очиб бериш лозим. Сирасини айтганда, бу гаплар Ҳамза номидаги Академик театримиз саҳнасида қўйилган айрим спектаклларнинг ижодкорларига ҳам, Фарғона ва бошқа область театрларининг мутахассисларига ҳам даҳлдор...

Кейинги йилларда драматургиямизга янги, ёш ижодий кучлар келиб қўшилганидан бехад хурсандмиз. Зеро, бу ишда КПСС Марказий Комитетининг «Ёш ижодкорлар билан ишлаш ҳақида» деб чиқарган қарори зўр туртки бўлди.

Республика Маданият министрлиги, Ёзувчилар союзи, Театр жамияти биргаликда ташкил қилиб, ўтказиб келаётган ёш драматурглар семинари шу ҳаётбахш қарор самараси ўлароқ ташкил топди. Бироқ, мазкур семинар янада унумлироқ натижалар бериши, машғулотларининг профессионал савияси янада кўтарилиши лозим. Ёш драматургларни тажрибали, етук драматурглар, театр мутахассисларига бириктириб қўйиш — амалий ёрдам бериш кераклигини ҳаётнинг ўзи тақозо этаётир.

Қардош республикалар драм
тургларн асарларининг Ўзбекист
театрларида қўйилишида ҳам баъ
нуқсонлар йўқ эмас. Асарлар
таржима этиш ва саҳналаштири
учун танлаб олинаётганда гоҳо п
ла-партишликлар юз бераётир, н
тижада саҳнамизга бирмунча саё
бадиий жиҳатдан номукаммал аса
лар ҳам йўл топмоқда.

Саҳна санъатининг ёш намоянд
лари коммунистик қурилишнинг а
туал проблемаларига фаоллик била
мурожаат қилмоқдалар, кўпмилла
ли совет театри ва ижрочили
маданиятининг энг яхши анъанал
рини ривожлантиришга, бадиий н
ваторликка интилмоқдалар. Бу ҳақд
ёш, талантли актёрлар, режиссёр
лар, балетмейстерлар, дирижёр
лар,театр рассомлари, эстрада ар
тистлари, созандалар, хормейстер
лар, театршунос, санъатшуно
музикашуносларнинг энг яхши ижо
намуналари гувоҳлик бериб туриб
ди.

Республика бадиий ўқув юртла
рининг маданият ва санъат орган
лари учун ёш мутахассисларни
тайёрлаш ишларида ҳам маълу
камчиликлар бор. 1976 — 1980 йил
ларда Ўзбекистон ССР Мадания
министрлигига қарашли ўқув юртла
рини 1023 ёш мутахассис «ўрт
баҳо» билан битирди. Айниқса
миллий операмиз учун ниҳоятда за
рур бўлган ёш вокалист актёрларн
тарбиялаб етиштириш борасидаги
натижалар деярли қониқарли бўл
мади.

Театр танқидчилиги бўйича сўнгги
йилларда драматургиямиз, театр
санъатимиз тарихини, саҳна мадания
яти проблемаларини таҳлил қилувчи
бир қанча монографиялар, очерк
лар, мақолалар, тақризлар нашр
этилди. Бироқ театр танқидчилиги
миз ҳали ўз имкониятларидан тўла
фойдаланаолмаётибди. Кўпгина янги
постановкалар, айниқса, область те
атрлари фаолияти жиддий эътибор
дан четда қолмоқда. 1976 — 1980
йилларда республикадаги 28 про
фессионал театр саҳнасида 657 та
оригинал ва таржима асарлари
қўйилган бўлса, улардан 200 га
яқин асарларга мунаққидларимиз
ҳеч қандай муносабат билдирма
дилар.

Театр ва концерт ташкилотлари
тайёрлаган янги спектакллар, про
граммаларнинг жамоат кўрикларн
ва ижодий муҳокамалари ҳамиша
ҳам принципиал тарзда ва юксак
савияда ўтаётир, деёлмаймиз. Ижо
дий союзлар ва ташкилотлар, санъ
атшунослик институти, бадиий ўқув
юртларининг махсус кафедралари
бу зарур ишни янада жонлантириш
га яқиндан ёрдам беришлари керак.

Республика театрлари ва концерт
ташкилотлари бундан буён кўпмил
латли совет санъатининг ажралмас
қисми сифатида партиямизнинг энг
эзгу ниятларини ва қарорларини
халққа етказишда янада фаоллик,
ижодий жасорат кўрсатаверадилар.

ХАЛҚНИНГ СОДИҚ ФАРЗАНДИ

Ҳабиб ТУРСУНОВ,
ЎзССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси



Улуғ Октябрь Ўзбекистоннинг моддий ва маънавий кучларини қайнар булоқдай жўш урдириб юборди. Инқилоб туфайли халқ оммасининг туб қатламлари орасидан юзлаб ва минглаб фидойи кишилар етишиб чиқди. Улар Совет ҳокимиятини ўрнатиш ва мустаҳкамлаш учун сиёсий кураш жабҳаларида жасорат ва матонат кўрсатдилар. Ана шундай кишилардан бири ўзбек халқининг содиқ фарзанди Муҳитдин Турсунхўжаев туғилганига 80 йил тўлган. «Октябрь инқилоби менинг онг-шууримда ижтимоий ҳаётга, партия ва совет ишларига сўнмас иштиёқ уйғотди», деб ёзди у кейинчалик.

Муҳитдин Турсунхўжаев камбағал деҳқон оиласида таваллуд топди. У ёшлик йилларида Тошкент банки бўлимларида хат ташувчи бўлиб хизмат қилди. Лекин моддий жиҳатдан оғир оилавий аҳвол иш жойини тез-тез ўзгартириб туришга мажбур этарди.

Совет ҳокимияти Муҳитдинга ўхшаш қийин қисматга дучор бўлган минглаб ёшларга истиқбол йўлини ёритиб берди. Уз тенгдошлари қатори янги ҳаёт нашидасидан бахраманд бўлган М. Турсунхўжаев маҳаллий касаба союзлари ташкилотчиларидан бири сифатида фаолият кўрсата бошлади. Бир вақтнинг ўзида у қизил партизан ва дружинник сифатида аксилинқилобчиларга қарши курашда фаол иштирок этди, оқгвардиячи Осипов исёнини бостиришда қатнашди.

1919 йили М. Турсунхўжаев ҳаётида унутилмас воқеа рўй берди: у Коммунистик партия сафига қабул қилинди. Тез орада у Тошкент Эски шаҳар Ишчи-деҳқон Совети Ижроқўмининг секретари, кейин эса район партия комитетининг секретари қилиб сайланди.

Я. М. Свердлов номидаги Коммунистик университети муваффақиятли тугатгач, у Туркистон Автоном Совет Социалистик Республикаси Ички ишлар Халқ Комиссариати аппаратида ишлай бошлайди.

Маълумки, 1920 йилнинг август ойида Бухоро амирлигига қарши умумхалқ қўзғолони бошланади. Бухоро қўзғолончиларининг Чоржўйда жойлашган революцион штаби амирликнинг ҳукмронлигига қарши озодлик курашида ёрдам беришларини сўраб Совет ҳукуматига мурожаат қилади. РСФСР ҳукумати бу илтимосни қондириб, Михаил Васильевич Фрунзе қўмондонлиги остида совет қарбий қисмларини Бухоро инқилобчиларига ёрдамга юборади.

Шу йилнинг 2 сентябрида Бухорода халқ революцияси ғалаба қозонди. Амирлик ағдариб ташланди. Бухоро Халқ Совет Республикаси қарор топди. Лекин ёш Бухоро республикаси ўзининг илк тараққиёти жараёнида синфий душманлар, аксилинқилобчилар ва чет эл интервентларининг қаттиқ қаршилигига дуч келди. Душманларга қарши аёвсиз курашда ва Бухорода янги ҳаёт тантана қилишида Туркистон Автоном Совет Социалистик Республикаси ва бутун Совет Россияси жуда катта ёрдам берди. Шу муносабат билан Туркистон ўзининг синалган энг яхши раҳбар ходимларини, жумладан, Муҳитдин Турсунхўжаевни Бухорога йўллади. У 1920—1921 йиллар мобайнида Бухоро Халқ Совет Республикаси Ички ишлар нозирлиги коллегиясининг аъзоси ва бўлим бошлиғининг ўринбосари бўлиб ишлади. Турсунхўжаев бухоролик ёш чекистларни аксилинқилобчилар ва чет эл разведкаси агентларига қарши шафқатсиз курашга ўргатди. Унинг фаол иштирокида босмачиларнинг бир талай малайлари ва жосуслар фош этилди. Зиммасига юкланган вазифаларни муваффақиятли ўтагач, 1921 йилнинг май ойида М. Турсунхўжаев Тошкентга, ўзининг аввалги вазифасига қайтди. Унинг Бухородаги хизматларини республика ҳукумати муносиб равишда тақдирлади. Бухоро Халқ Совет Республикаси Ички ишлар нозирлиги томонидан берилган миннатдорчилик Ёрлиғида, жумладан, шундай дейилади: «Ўртоқ Турсунхўжаев хизмат юзасидан топширилган вазифаларга ҳалол ва виждонан муносабатда бўлди. Нозирлик бўлимларини ташкил этиш ҳамда уларнинг фаолиятини йўналтириш борасида билимдонликдан ташқари, ташаббускорлик фазилатини ҳам намоён этди. Туркистон Ички ишлар Халқ Комиссариатига — доимий хизмат жойига қайтиб кетаётган ўртоқ Турсунхўжаевга БХСР Ички ишлар Нозирлиги Бухоро республикасидаги олиб борган ҳалол ва самарали фаолияти учун самимий миннатдорчилик билдиришни ўзининг бурчи деб ҳисоблайди».

Муҳитдин Турсунхўжаев Фарғона область милицияси органларида ҳам масъул вазифаларда ишлади, босмачи тўдаларига қарши курашда унинг ташкилотчилик қобилияти янада тўлароқ намоён бўлди.

1922 йили М. Турсунхўжаев Туркистон комсомоли Марказий Комитетининг секретари, шунингдек, РКСМ Марказий Комитети Ўрта Осиё бюросининг секретари қилиб сайланди. Комсомол ташкилотларидаги фаолият тарбия мактаби бўлиб хизмат этди, уни янада масъулиятли ишларга ҳозирлади. Унинг зиммасига янги вазифалар юкланди. Партия ва совет органларида раҳбарлик лавозимларида ишлади. Унинг хизматлари муносиб тақдирланди. Масалан, Тошкент Эски шаҳар Ишчи деҳқон Советининг 1923 йил 10 ноябрь санаси қайд этилган аттестациясида қуйидаги жумларни ўқиш мумкин: «Ўртоқ Турсунхўжаевнинг олиб борган барча ишлари самарали бўлди ва катта фойда келтирди, шунинг учун Эски шаҳар Ижроқўми ўртоқ Турсунхўжаевга самимий миннатдорчилигини изҳор қилади ҳамда унга бундан кейинги фаолиятида ҳам худди шундай принципларга амал қилиши учун тилак билдиради».

Ҳа, партиянинг содиқ фарзанди М. Турсунхўжаев ўзининг ташаббускорлиги ва принципиаллиги, топширилган ҳар қандай вазифага ижодий муносабати билан ажралиб турарди. Бу фазилатлар айниқса ер-сув ислоҳотига тайёргарлик ва уни ўтказиш даврида ёрқин намоён бўлди.

Ер ҳақидаги масала энг ўткир ва долзарб масалалардан бири бўлиб, аграр сиёсатнинг бундан кейинги муваффақиятлари ана шу масаланинг нечоғлик тўғри ҳал қилинишига боғлиқ эди. 1925—1929 йилларда Ўзбекистонда амалга оширилган ер ислоҳотининг мақсади катта ер эгалигини тугатиш, қулоқ хўжаликларини чеклаш, бой-феодаллардан тортиб олинган ерларни деҳқонларга тақсимлаб бериш ва шу йўл билан қишлоқда социалистик ўзгаришлар учун шарт-шароит яратишдан иборат эди. Ислоҳот синфий кураш кучайган вазиятда ўтказилди. Жон талвасасида қолган бойлар, қулоқлар, руҳонийлар қўпорувчилик ва террорчилик йўлига ўтиб олдилар. Партия ўзининг энг яхши кадрларини ер ислоҳотини муваффақиятли ўтказиш ишларига сафарбар этди. Муҳитдин Турсунхўжаев ҳам ана шу сафда эди. У деҳқонлар ўртасида тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борди, синфий душманларга қарши курашни кучайтирди. Унинг хизматлари ҳукумат Ёрлиғи билан тақдирланди. Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия Комитети Президиумининг Раиси Йўлдош Охунбобоев ва Марказий Ер комиссияси Раиси Акмал Икромов имзо чеккан мазкур Ёрлиқда шундай дейилади: «Қимматли ўртоқ Турсунхўжаев! Тошкент областида ер-сув ислоҳотини ўтказиш ишлари тугалланганлиги муносабати билан чақирилган область ер комиссиясининг охирги тантанали йиғилиши кунида ЎзССР Марказий Ижроия Комитети ва ер-сув ислоҳоти ўтказиш бўйича Марказий Ер комиссияси топширилган вазифани ҳал қилишда онгли-фаол иштирок этганингизни мазкур Ёрлиқ билан алоҳида қайд этишни лозим топади».

Республиканинг марказий совет ва хўжалик органлари билан алоқасини мустаҳкамлашда Ўзбекистон ССРнинг Москвадаги Доимий ваколатхонаси катта аҳамиятга эга. 1929—1935 йиллар давомида М. Турсунхўжаев Ўзбекистон ССРнинг СССР ҳукумати ҳузуридаги Доимий ваколатхонасига бошчилик қилди ва кўпгина диққатга сазовор ишларни амалга оширди. Ана шу лавозимда ишлаб турган пайтда у ССР Иттифоқи Марказий Ижроия Комитети Президиумининг аъзоси қилиб сайланди. Ҳаётининг сўнгги йилларида Муҳитдин Турсунхўжаев Ўзбекистон ССР Савдо халқ комиссари лавозимида ишлади. У ўзининг бутун онгли ҳаётини социализмнинг ўлмас ғоялари тантанасига бахшида этди. Узининг фидойи меҳнати, шахсий фазилатлари ва инсонийлиги билан кенг жамоатчиликнинг меҳр-эътиборини қозонди.

СССР ташкил топганлигининг 60 йиллиги арафасида халқ ўзининг содиқ фарзандлари хотирасини яна бир бор чуқур ҳурмат ва миннатдорчилик билан тилга олади. Муҳитдин Турсунхўжаев элнинг ана шундай шарафга лойиқ фарзандларидан биридир.

Уриклар қийғос гуллаганда... Р. АЛБЕКОВ фотоси

ҚАЙТАР ДУНЁ

РОМАНДАН ПАРЧА

Бу асар улуғ мутафаккир аждодларимиз Абу Райҳон Беруний ва Абу Али ибн Сино яшаган давр ва уларнинг замондошлари тўғрисида ҳикоя қилади. Йўқ, мен бу икки донишманд образини яратиш вазифасини ўз зиммамга олдим, деб айтолмайман. Мен фақат бу икки улуғ инсонга алоқадор бўлган ва бугунги кун учун ҳам ибрат кучини йўқотмаган баъзи фожиали воқеалар, маънавий ва ахлоқий масалалар ҳақида ҳикоя қиламан, холос. Қуйида шу асардан бир боб ўқийсиз.

МУАЛЛИФ

Бир ҳафтадан бери безгак хуруж қилиб, нохуш ётган Беруний бир лаҳза кўзи илинган экан, «Устод! Устод», деган мулойим овоз қулоғига чалингандай бўлиб, уйғониб кетди. Бу — ёш жория Садафбибининг овози эди.

Вақт хуфтондан ошган бўлса керак, токчалардаги шамлар ёқилган, деворларига китоб жавонлари ўрнатилган торгина чорбурчак хона кундузгидай чароғон эди. Садафбиби, чамаси уни уйқуда деб ўйлаб, жавондаги китобларнинг чангини артмоқда эди.

Эгнида йўл-йўл кўк бахмал кўйлак, бошида қизил шойи дурра, оёғида учи эгик сахтиён ковуш, қиз эшитилар-эшитилмас товушда қандайдир бир куйни хиргойи қилиб, завқ билан ишлар, дам жавон чангларини артар; дам қизил, кўк, сариқ жилдли оғир китоблардан бирини олиб, ҳайрат билан варақлашга тутинар эди. Китоб варақлаганда хиргойи қилишдан тўхтар, кулчадеккина юмалоқ юзида таажжуб ва ҳайрат акс этар, китобни жойига қўйиши билан яна аста хиргойисини бошлар эди.

Ҳар сафар Садафбибининг мана шу мулойим овозини, хиргойисининг нозик оҳангларини, айниқса сал чучук, ёқимтой тилда сўзлаган сўзларини эшитганида Беруний ғалати бўлиб кетар, негадир болалик ва ўспиринлик чоғлари ёдига тушар, лоп этиб, Жайҳун[1] соҳиллари кўз олдига келар эди. Бу оҳанг, бу қўшиқ, бу чучук ва ёқимтой тилни бир эшитишни орзу қилиб, соғиниб юрганларига неча замонлар ўтди?

Бундан бир-икки ой муқаддам Садафбибини Маликул шароб деган эски қадрдонининг майхонасида кўриб қолганида ҳам Берунийни қизнинг ҳуснидан ҳам бурун мана шу майин овози, сал чучук, ёқимтой тили, она сути билан бирга қонига сингиб кетган Хоразм лаҳжасида сўзлаган сўзлари мафтун этган эди. Кейин суриштирса, Садафбиби чиндан ҳам унинг юртидан, Гурганч билан Қиёт[2] ўртасидаги кичик бир қишлоқдан экан. Қайси бир қулжаллоб уни ўша томонлардан олиб келиб, Афшон шол бозорида сотган экан!.. Беруний бу гапни эшитдию, қадрдони Маликул шаробга қаттиқ ёпишди.

Садафбиби келгунча Беруний бу уйда ҳиндистонлик шогирди Сабҳу билан бирга турарди, Сабҳу ҳам уй-рўзғор ишларининг кўзини биладиган, қўл-оёғи чаққон йигит, бироқ Садафбиби остонани ҳатлаб ўтдию, ҳамма нарса ўзгарди, гўё бу уйга ёш жория эмас, майин баҳор офтоби мўраладию, ҳаммаёқ аллақандай илиқ нурга чўмилиб, чарақлаб кетди!..

Ажабо, ўша кундан бери унинг кўнглида ҳам — аллақачон йигитлик давридан ўтиб, кексалик манзилига қадам қўйган Берунийнинг кўнглида ҳам баҳор. У умрида фақат бир марта, ўн олти-ўн етти яшар маҳалида мана шундай ёруғ кунларни бошидан ўтказган эди. У кунлар баҳордай тез келиб, тез кетган, лекин қалбида 1оабад сўнмас нур қолдирган у кунлар Райҳонабону билан боғлиқ эди.

Йўқ, Садафбиби Райҳонабонуга ўхшамайди. Насроний[3] динига мансуб машҳур Қиёт савдогарининг қизи Райҳонанинг кўзлари баҳор осмонидай кўм-кўк, чўзинчоқ юзлари сутдай оппоқ, елкасида тўлқиндай мавж урган сочлари эса, бир жом чўғдай қизғиш эди. Садафбиби эса қорамағиздан келган, юзлари юм-юмалоқ, қош-кўзлари қоп-қора. Лекин, барибир, нимаси биландир Райҳонабонуга ўхшаб кетади. Нимаси билан?.. Буни Берунийнинг ўзи ҳам айтиб беролмайди, бироқ Садафбибини кўриши билан эсига Райҳонабону тушадию, кўнгли сув ичгандай ёришиб кетади... Мана ҳозир ҳам...

Садафбиби, гўё унинг тикилиб қолганини сезгандай «ялт» этиб қаради, кўзлари жовдираб, бир зум қараб турди, сўнг, аста юриб, хонтахта ёнига келди.

— Буюрган дорингизни олиб келдим, устод.

Хонтахтадаги шарбат тўла кўзача ёнида ипак тасма билан боғланган ўроғлиқ қоғоз турарди.

— Доруга ким борди? Сабҳуми?

— Йўқ, Сабҳу овқат бошлаган эди, ўзим бордим,— Садафбиби қизил шойи дуррасининг учи билан юзини ярим тўсиб, хонтахта олдига чўнқайди, чўнқаяркан, бирдан овози ўзгариб:

— Устод!— деди аллақандай синиқ товушда.— Агар ижозат берсангиз... энди атторлик растасига бормаймен!

— Нечун?

— Анов букри... қора ўргамчига ўхшаган букри аттор йўлимни тўсди.

— Не дейди?

— Ёмон сўзлар. Сиз сўраманг, мен айтмайин, устод...

Берунийнинг катта қорамтир бармоқлари беихтиёр мушт бўлиб тугилди.

Кеча эрталаб, у дори буюриш учун атторлик растасига ўзи борган эди. Таниш атторга учраб, уйга қайтаётган эди, муюлишдаги дўкондан, Садафбиби айтгандек, катта қора ўргамчига ўхшаб бир кимса отилиб чиқди-да, пилдираб келиб, йўлини тўсди.

Бу ўша, Маликул шаробнинг майхонасида кечалари най чалғувчи, майхўрлар орасида «Пири Букрий» лақаби билан донг чиқарган букри аттор эди. Ҳаёт Беруний билан бу букрини бундан сал кам қирқ йил муқаддам Қиётда, Райҳонабонулар хонадонида тўқнаштирган эди. У маҳаллар, бундан қарийб қирқ йил муқаддам, букри ҳам Беруний каби Қиётда яшар, Райҳонанинг отаси билан қил ўтмас дўст эди. Лекин савдогар ҳаёт вақтида ипакдай мулойим, итдай садоқатли бўлган бу букри насроний савдогар жон таслим қилган куни кечаси унинг қизи Райҳонага, эри ўлиб тул қолган Райҳонабонуга тажовуз қилган, улар шу важдан қаттиқ тўқнашган эдилар. Шундан кейин Беруний уни кўрмаган эди. Тақдирнинг ғалати ўйинини қарангки, бу машъум воқеадан сал кам қирқ йил ўтгач, ҳаёт уларни Ғазнада, тўғрироғи, Маликул шаробнинг ғариб майхонасида яна бир-бирига дуч қилди. Маълум бўлишича, букри ҳам фалакнинг гардиши билан дунё кезиб юриб, ахир-пировардида Ғазнага келиб қолган экан. Бу ерда у атторлик дўконини очган, кечалари эса Маликул шаробнинг майхонасида машшоқлик қилар, Бобо Сеторий ва Пири Ғижжакийларга қўшилиб най чалар, шундай чалар эканки, ўзи ҳам йиғлаб, бошқаларни ҳам йиғлатар экан. Рост, орадан қирқ йил ўтган бўлса ҳам, Қиётдаги машъум воқеа ҳамон эсида тургани учун бўлса керак, Пири Букрийнинг ўзи ҳам, санъати ҳам Берунийнинг кўнглига кўп ўтирмади. У кеча эрталаб атторлик растасида учрашганларида ҳам гаплашишга хуши йўқ эди, бироқ қора ўргамчига ўхшаган Пири Букрий пилдираб келиб, йўлини тўсди-да:

— Бир қошиқ қонимдан кечгайсиз, мавлоно!— деб хитоб қилди.— Эслик одам эскини эсламас, дерлар. Эски низоларни кўнгилдан чиқарайлик, мавлоно! Эшитишимча, сиз нодир тошлар борасида пири комилсиз. Фалакнинг гардиши билан фақирнинг қўлига бир ноёб тош тушган эди, шуни бир кўриб, баҳосини айтиб берсангиз, мавлоно!..

Ё тавба! Пири Букрий билибмибилмайми — Берунийни энг нозик жойидан ушлаган эди. У кўп йиллардан бери нодир тошлар ҳақида катта бир асар ёзишни орзу қилиб, жуда кўп илмий маълумотлар ва ҳатто ҳар хил ривоятлар йиғиб юрарди!

Беруний индамай букрининг орқасидан эргашди. Улар торгина, пастқамгина, кўримсизгина дўконга киришди, ундан тагига бўйра ташланган ҳужранамо бир хонага, хонадан сичқон ҳиди анқиган ғира-шира ертўлага тушишди. Токчасига биттаю-битта шам қадалган ғира-шира ертўла ҳар хил катта-кичик сандиқлар, алланималар солинган хум ва хумчалар, қути ва қутичаларга тўла эди.

Пири Букрий ертўланинг энг қоронғи бурчагига ўтиб, отнинг калласидай қулф осилган оғир темир сандиқни очди, унинг қопқоғини кўтариб, узоқ тимирскилангач, тошбақадай юм-юмалоқ бир темир қутичани олиб, Берунийнинг олдига келди.

— Бу қутичадаги тошни камина бағдодлик бир савдогардан харид қилдим, мавлоно. Катта пулга харид қилдим. Аммо... олишга олдиму, ҳануз иштибоҳдамен[1].

Пири Букрий шундай деб, тошбақага ўхшаш юмалоқ қутичаниг тагидаги тугмани босди. Босиши билан қутича даранг-дуринг овоз чиқариб очилдию, ғира-шира ертўла гўё тўсатдан ўнларча шам ёнгандай чарақлаб кетди. Қутичанинг тагида... катталиги ўрикдек келадиган ва камалак рангида нафис товланган ажиб бир жавоҳир ярқираб ётарди!..

Беруний ўз кўзларига ишонмай қолди. У нафис рангларда жилоланиб, нимқоронғи ертўлани ёритиб юборган бу нодир жавоҳирни бир кўришдаёқ таниса ҳам, анчагача ўз кўзларига ишонолмади. Водариғ! Бу ўша — бир маҳаллар Бағдод халифаси Хорун ар Рашид хазинасида сақланган, сўнг қаёққадир йўқолиб, кўп низо ва қатлу қирғинларга сабаб бўлган, тарихий китобларда таърифу ва тавсиф қилинган машҳур жавоҳир эди!..

Беруний жавоҳирни қутичадан аста олиб, кафтига қўйди. Ўрикдек келадиган нодир жавоҳир унинг кафтида яна ҳам нафисроқ товланиб, гўё янги ранглар касб этгандек, ярақлаб кетди. «Ё тавба! Бу букри иблис шоҳлар хазинасини безаб тургувчи бу нодир зийнатни қайдан олди? Бундан чиқди, бу маккор тўғрисида юрган барча миш-мишлар тўғри экан-да?»

— Бу жавоҳирнинг баҳоси шундайким, сиз ярим Ғазнани сотиб олсангиз бўлур, биродар.

Пири Букрий, гўё Абу Райҳоннинг бу сўзидан қўрқиб кетгандай, унинг кафтидаги жавоҳирни «шап» этиб юлиб олди-да, шоша-пиша юмалоқ қутичасига яширди.

Беруний индамай орқасига бурилди, бироқ ҳужрага ўхшаш ўртадаги хонага чиққанида Пири Букрий уни қувиб етди:

— Мавлоно Абу Райҳон! Камина сизга бир илтимосим бор!.. Ўз кўзингиз билан кўрдингиз: фақир кўчада қолган бир гадо эмасмен. Қанча десангиз... хоҳ олтин, хоҳ жавоҳир... қанча десангиз олинг! Сиздан ёлғиз илтимосим бор!— букрининг артилган шишадай кўм-кўк маъсум кўзлари телбанинг кўзларидай чарақлар, иягидаги сийрак малла соқоли дир-дир титрар эди.— Бирдан бир илтимосим... анов жориянгизни, Маликул шаробдан олган анов жориянгизни фақирга инъом этсангиз, мавлоно!

Беруний шартта бурилиб кетмоқчи эди, букри оғир ҳансираб унинг қўлидан «шап» ушлади.

— Мавлоно! Истасангиз анов жавоҳирни, баҳоси ярим Ғазнага тенг анов нодир жавоҳирни олинг!

Пири Букрий телбаларча ҳаракат қилар, тирқираб оққан кўз ёшлари узунчоқ рангпар юзини ювиб, сийрак маллаframework соқолига қуйиларди.

— Фақирга раҳм қилинг, мавлоно, раҳм!

Ё тавба! Сал кам қирқ йил аввал ҳам ораларида худди шундай бир гап бўлиб ўтган эди.

— Қўлингни ол, Пири Букрий! Мен қулжаллоб эмасменки, бир шўрлик етимчани сенга олтинга сотсам!— Беруний шундай деб, букрининг темир исканжадай қаттиқ, ёпишқоқ қўлидан қўлини базўр тортиб олди-да, ташқарига отилди!..

Тақдирнинг ажаб савдоси: аввал Қиётда, Райҳонабонуга ёпишган эди бу иблис, энди Садафбибига!..

...Беруний хаёл оғушидан базўр қутулиб, рўпарасида мунғайиб ўтирган Садафбибига қаради.

— Тўғри сўзладинг, бибим, кўча юмушларини Сабҳу қилсин...

Берунийнинг сўзи оғзида қолди. Тўсатдан ташқарида гурс-гурс қадам товушлари эшитилиб, хонага Сабҳу кирди. У нимадандир ҳаяжонланган, бошидаги оқ қалпоқчаси бир томонга оғиб кетган, қўлидаги капгири дир-дир титрар эди.

— Устод! Сизни саройдан бир бека сўроқлаб келмиш!

— Саройдан? Бека?

— Ҳа, соябон аравада келмиш Ёнида бир қанча суворийлари ҳам бор!

Ажаб ҳол: кундуз саройдан чопар келганди. Чопар эртага саройда ўтадиган машваратда[1] ҳозиру нозир бў-

---

[1] Жайҳун — Амударё.

[2] Қиёт — Беруний туғилган қадимий шаҳар.

[3] Насроний дини — христиан дини.

[1] Иштибоҳ — шубҳа.

[1] Машварат — олий кенгаш.

…ши тўғрисида фармой келтирган-ди. Энди эса...

Беруний бир нарса дейишга ул-ғирмади, эшик шитоб билан очилиб, …онага беканинг ўзи кириб келди.

2

Эгнида... тириклар ва ғолиблар …ибоси: узун қора ипак кўйлак усти-…ан кийилган хипча бел қора ким-…об камзул, оёқларида тилла тасма-…ар билан безатилган нозик ковуш, …ўзида зар сочилган узун қора дур-…а, хина қўйилган нозик бармоқла-…ида ёқут кўзли йирик олтин узук, …ека пойгакда тўхтаб, назокат билан …ош эгди.

— Бевақт келганим учун маъзур …тасиз, мавлоно!..

«Хатлибегим! Султоннинг суюкли …инглиси Хатлибегим!» Беруний ши-…об билан қаддини ростлади, овози …ехтиёр титраб:

— Қадамларига ҳасанот, бегим!— …еди.— Авф этгайсиз, сабаби хаста-…иқ, истиқболингизга чиқолмадим.

— Ташаккур!— Хатлибегим аста …риб хонтахтага яқинлашди-да, хо-…ани нафис мушк-анбар бўйига тўл-…риб, таманно билан кўрпачага тиз …ўкди, чўкаркан, кескин ҳаракат би-…ан юзидаги ҳарир қора пардани кў-…риб, елкасига отди.

Беруний чеккада ҳайкалдай қотиб …рган Садафбибига юзланди:

— Сенга рухсат, бибим. Сабҳуга …врашиб юбор...

Садафбиби ҳуркак кийикдай чоп-…иллаб чиқиб кетди, Хатлибегим …шик ёпилгунча унинг орқасидан қа-…аб турди, сўнг:

— Аёл зотини афв этасиз, мавло-…,— деди.— Бу санам ким?

— Бу санам... фақирнинг жорияси, …егим.

Хатлибегимнинг юпқа лабларига …илинар-билинмас кулгу югурди.

— Офарин! Жория танлашни би-…р экансиз, мавлоно!

«Нопокнинг хаёлига фақат нопок …ялар келади!»

Беруний кўнглидаги ғалаённи бо-…иш учун мўрисимон қалпоқчасини …ғрилаб, бошини хам қилди. У рў-…расида ўтирган бу аёл султоннинг …юкли синглиси Хатлибегим эканига …м ишонгиси келар, ҳам ишонгиси …елмас эди. Бироқ бу ўша, бундан …йил муқаддам Ҳиндистон йўлида, …ғироғи, Синд дарёси бўйида пин-…ана учрашган Хатлибегимнинг ўзги-…си эди! Йўқ, ўзгинаси эмас, унда …лтон ҳарамига раҳнамолик қилгув-… бу шаддод ўктам аёл хийла ёш, …йла кўҳлик эди. Ўн йил ичида ўзи-… анча олдириб қўйибди. Чакка су-…лари туртиб чиққан юмалоқ қо-…мтир юзида, ҳатто упа аралаш но-…к бўёқ суртилган ёноқларида би-…нар-билинмас ажин нишоналари …зга чалинади, бироқ сурма тортил-…н қийғоч кўзларида, қаттиқ қисил-…н юпқа лабларида ўша шиддат, …аси амирул мўмининга хос ўша со-…қ бир ўктамлик бор. Ёки бу ифо-…, қийғоч кўзларидаги бу совуқ …ъзла ясамами? Ахир, ўшанда, бун-…н ўн йил муқаддам, Синд дарёси …ҳилига тикилган саропардада ўт-…н пинҳоний кечада ҳозир совуқ …қаган бу кўзлар тамом бошқача …рлаган эмасмиди?..

Беруний тўсатдан тошқиндай то-…иб келган ғалаённи босиш умидин …шоша-пиша қўлини чиний кўзага …зди. Бир зум унинг кўз олдига …мматбаҳо шерозий гиламлар тў-…алган ипак саропарда келди. Саро-…рданинг тўрида, қат-қат шойи тў-…ақда бетоқат тўлғаниб ётган ярим …анғоч санам нигоҳи олдида на-…ён бўлди, унинг иссиқ бўсалари, …ёсиз ҳаракатлари эсига тушиб, …ргин танасидан ўт чиқиб кетди. …ша маҳалларда сарой аҳли ораси-… бу тантиқ ва шаддод беканинг …ми ибрат маъносида тилга оли-…р, гўё у эркак юзини кўрмасликка …сам ичиб, гўшанишинликни ихтиёр …ган, деган миш-мишлар юрарди. …миш-мишлар ростми, ёлғонми — …ни ёлғиз оллоҳ билади, ва лекин …ўктам, эркатой бека ўшанда, Синд …ларга тикилган қоронғи саропарда ичида унга — ёш тилмоч Абу Райҳон Берунийга унутилмас гўзал бир оқшом инъом этган эди!

Беруний шарбат тўла пиёлани таъзим билан бекага узатди, узатаркан, унинг юпқа лабларида ҳамон ўша билинар-билинмас кулги аломатини кўрди. «Ераб, у ҳам эслади!»

— Марҳамат, бекам!

— Ташаккур!— Хатлибегим пиёлани олиш ўрнига қора кимхоб камзулининг чўнтагидан оғир қаҳрабо тасбеҳ олиб, битта-битта ўгиришга тутинди. Беруний ичида бир кулиб қўйди: «Хайрият, ёшлик чоғларини эслагани келмапти, эслагани келганида не қилардинг, шўрлик Абу Райҳон?»

Хатлибегим хонтахтадаги шарбатдан бир хўплаб, пиёлани хонтахтага қўяркан:

— Мавлоно!— деди, секин уф тортиб.— Мен шўрлик сизни йўқлаб келмоқдан муродим, хабарингиз бор, ул валиаҳднамо давлатпаноҳ,— илоё умри узоқ бўлғай!— оғир дардга чалинмиш. Сарой тўла аллома, маликул калом, довруғи жаҳон ҳакимлар, бироқ... шўрлик оғам ўз ўтида ўзи қовурилиб ётмиш! Дардига даво, кўнглига ором бергувчи на бир ҳабиби бор, на бир табиби.— Хатлибегим ҳарир қора дуррасининг учини кўзига босиб, пиқ-пиқ йиғлаб юборди.— Олампаноҳнинг дардига даво қидириш ўрнига саройда иғво, фисқи-фасод! Иноғон тоғлари Али Ғариб билан Абул Ҳасанак бўлса, мартаба талашишдан бошқани билмас. Давлатпаноҳ оламдан ўтса,— илоё бичан кафанлари ўзларига буюргай!— тахтга ким ўлтиради, деган ташвишдан бошқа ташвишлари йўқ уларнинг! Тўнғич ўғил амир Масъуд қолиб, кичик ўғил, ақли норасо Муҳаммадни тахтга кўтармоқ режасини тузадурлар!

«Ҳаммасидан бохабар! Ер тагида илон қимирласа билади бу хотин! Аммо.. бу машъум сир-асрорни айтишдан муроди не? Бу иғво, бу фисқи-фасод ишларга даҳлим не менинг?»

Хатлибегим тўсатдан дуррасининг учини жаҳл билан елкасига отиб, Берунийга тик қаради, сурма тортилган қийғоч кўзлари аллақандай совуқ чақнаб:

Расмни П. ВОРОНКИН чизган

бўлмаса, мавлоно?— деб сўради.— Кеча саройда назм аҳлининг султони жаноб Унсурий бир сўз айтмиш. Ҳиндистон томонда, қайси бир наҳр ўртасидаги оролда «неъмати илоҳий» деган ғаройиб бир дарахт ўсар эмиш. Бу дарахтнинг мевасини тановул қилган хастаи нотавон танасидаги барча дардларидан фориғ бўлур, чол бўлса қирчиллама йигит, кампир бўлса... ёш малакка айланур эмиш. Жаноб Унсурий бу сўзни эски китобларда ўз кўзи билан ўқиган эмиш. Сиз ўша юртларда бўлгансиз, мавлоно, айтинг, маслаҳат беринг, қайдан топса бўлур бу «неъмати илоҳий»ни?

Беруний Хатлибегимнинг илтижо билан жовдираган қийғоч кўзларидан нигоҳини узиб, ерга қаради, қараши билан Ҳиндистонда, шаҳармашаҳар дарбадар кезиб юрган чоғларида, кекса коҳинлардан эшитган ғалати бир ривоят эсига тушди...

«Ҳиндистон музофотларининг бирида донғи оламга кетган бир пошшо ўтган эмиш. Унинг гўзал бир тўтиси бўлиб, пошшойи олам унга чексиз меҳр қўйган эмиш. Кунлардан бир куни ўша тўти қафасда туриб, пошшойи олам билан сўзлашар экан. Ногаҳон осмонда яна бир тўти пайдо бўлибдию, икки тўти сўзлаша кетибди. Пошшойи олам уларнинг тилига тушунмабди. Бироздан кейин қафас ичидаги тўти бетоқат бўлиб, қалтирай бошлабди, сўнг йиқилиб жон таслим қилибди. Пошшойи олам қайғу ва ҳасрат чекиб, кўп йиғлагандан кейин тўтининг жасадини боққа олиб чиқиб ташлабди. Тўти пошшонинг қўлидан чиққан ҳамон учиб, дарахт шохига бориб қўнибди. Пошшойи олам ҳайрон бўлиб: «Эй қушларнинг сарвари!— дебди.— Мендан не ёмонлик кўрдингки, суҳбатимдан қочасен?» Тўти шакар-гуфторлик қилиб: «Шоҳим — дебди.— Хизматинг ҳақини унутмаймен. Аммо... мен ҳам тўтилар пошшоси эдим. Тақдир мени сенга гирифтор қилиб, қафасингга солгандан буён менинг тобеларим, ёру биродарларим, ҳарамимдаги канизларим менинг фироқимда мотам тутмишлар. Ёнимга келган бу тўти менинг инимдир, иним айтдики: «Э, оғам, пошшойи оламдан бир неча кунга рухсат ол, ёру биродарларинг ёнига бориб, ул мажруҳларни ҳижтиб келиб, валинеъматинг хизматини қил. Мен унга: «Пошшойи олам сўзимга кўнмайди», дедим. Иним айтдики: «Сен ўзингни ўликка сол, ўлмайин қутулмайсен!» Алқисса, мен шу тадбир билан ўзимни халос қилдим!» Тўти шу сўзни айтиб, иниси билан бирга учиб кетди. Пошшойи олам кечаю кундуз йиғида бўлди. Бир неча кундан сўнг унинг висолидан умид узиб ўлтирган эди, қараса, ўша тўти қайта парвоз қилиб келди. Тумшуғида бир дарахт ниҳолчаси бор эди. Пошшо ниҳоятда ҳушвақт бўлиб деди: «Эй, тўти! Мени фироқ балосига ташлаб кетгани қандай кўнглинг ёр берди?» Тўти айтдики: «Бир қошиқ қонимдан кечинг, пошшойи олам, зероким, кўп муддатдан бери хешу ақраболаримдан жудо бўлиб, кўнглим вайрон эди. Бордим, уларнинг дийдорини кўрдим ва мана қайтиб даргоҳингизга келдим». Пошшойи олам тўтини кўп эъзозлади. Сўнг: «Бу олиб келганинг қандай ниҳол?» деб сўради. Тўти айтди: «Шоҳим, мен сиздан кетиб ўз маконимга борганимда, дўстлардан сиз ҳазратга муносиб туҳфа тайёрлашларини илтимос қилдим. Улардан бири: «Мен фалон оролда бир дарахт кўрганмен. Мевасининг хосияти шулки, агар қари еса, дарҳол йигит бўлур, хастаи нотавон еса, шу замон сиҳат топадур», деди. Мен: «Сламда мундан яхши туҳфа йўқдир», деб мазкур дарахтдан бир ниҳолча олиб, даргоҳингизга келтирдим».

Бу сўздан мамнун бўлган пошшойи олам боғбонини чақириб: «Бу мевасини навжувонлик ато қилгувчи илоҳий дарахт ниҳолидур, уни яхшироқ парвариш қил!»,— деди.

Боғбон ниҳолни боққа элтиб ўтқазди, меҳр билан парвариш қилди. Ниҳол тез фурсатда камолга етиб, бир неча йилдан сўнг мева қилди. Иттифоқо, унинг мевасидан ерга тушганини бир илон оғзига олиб, заҳар солди. Бундан бехабар бўлган боғбон мевани тавоққа қўйиб, пошшойи оламнинг олдига келтирди. Пошшо у мевани емоқчи бўлди. Унинг бир вазири бор эди, деди: «Шоҳим, сиздай пошшойи олам учун бундай нарсаларни синаб кўрмай тановул қилмоқ жоиз эмас!»

Алқисса, бу мевани мулозимла-



ФУРКАТ
1858-1909

РАҚСНИНГ



РАССОМ

БАҲОДИР ЖАЛОЛОВ

ТОШКЕНТ МАНЗАРАЛАРИ

А. ЮНУСОВ. ЯНГИ ТОШКЕНТ.



А. ЮНУСОВ. ШАҲАРНИНГ БИР ЧЕККАСИ.



В. АНТОНОВ. ТОШКЕНТ МЕТРОСИ.

Театр

ИСТЕЪДОД ЭГАЛАРИ

...Гулчеҳра Саъдуллаева, Лутфулла Саъдуллаев. Бу икки ёш — истеъдодли актёрлар ҳамкорликда меҳнату ижод қилиб, бир-бирларига ёрдам бериб, санъатда бир чиройли гулдаста яратишди. Мен бу икки ёшни саҳнада кўрсам ёшлигимни, СССР Халқ артисти Аброр Ҳидоятов билан биргаликда кечган бахтиёр чоқларни эслайман, деган эди Сора Эшонтўраева. Ўшанда Гулчеҳра А. Островский номидаги Тошкент Театр ва рассомлик институтининг иккинчи курсида таҳсил кўраётган эди.

Ўзбекистон телевидениеси адабий-драматик кўрсатувлар студиясида телетомошабинлар учун саҳналаштирилган «Қисмат» асаридаги Узукжамол ролини Гулчеҳрага берилиши ёш санъаткор учун катта синов эди. У роль устида қунт билан ишлай бошлади. Гўзал, содда, жасур туркман қизининг аччиқ қисмати унинг қалбини чулғаб олди. Хаёлан у Узукжамол яшаган туркман овулларини кезди. Гулчеҳра тинимсиз машқ қиларкан, кўз олдида Узукжамолнинг маъюс қиёфаси жонланарди. Ана у, анҳор бўйида севгилиси Берди билан дардлашмоқда. Сўзлар жуда оз. Порлаб турган кўзлар эса муҳаббат ҳақида куйлайди. Аммо бу камбағал қиз Узукжамолнинг тенгсиз ҳусни бошига битган бало бўлади. Қизнинг ҳуснига маҳлиё бўлган бой уни ўз саройига олиб кетади. Бой навкарлари қаршилик кўрсатган қизнинг отасини ўлдирадилар. Қизнинг укаси оғир яраланади... Бой хонадонида кундошлар уни хўрлайдилар. Бой эса ўзига бўйсунмагани учун уни ҳар куни қамчи билан уради. Бу азоб-уқубатлар Узукжамолнинг қалбидаги исённи алангалантиради. У ўзининг аччиқ қисматига қарши бош кўтаради.

Лутфулланинг отаси Убайдулла Саъдуллаев, амакиси Ҳабиб Саъдиев Ҳамза номидаги академик театрнинг таниқли артистлари эдилар. Улар ёш Лутфуллани театрга ўзлари билан олиб борар, театр маъмурияти эса болалар иштирок этадиган ролларни унга ишониб топширар эди.

Лутфулла 1959 йили ўнинчи синфни тугатгач, Тошкент Театр ва рассомлик институтига кириш учун ҳужжат топширди. У институтнинг актёрлик факультети кечки бўлимига қабул қилинди. Институтни тугатгач, Охунбобоев номидаги Ёш томошабинлар театрига ишга қабул қилинди. У яратган образлар ҳар гал ёш томошабинлар томонидан қизғин кутиб олинарди. Айниқса Володя Ульянов образини саҳнада муваффақиятли ўйнаганидан кейин Лутфуллага театр маъмуриятининг ишончи яна ҳам ортди. Лутфулла бора-бора телеспектаклларда ҳам иштирок эта бошлади. Берди унинг телеэкранда ўйнаган биринчи драматик роли эди.

Узукжамол ва Берди образлари икки ёш санъаткор ҳаётида муҳим из қолдирди. Шундан сўнг Гулчеҳра «Ўтган кунлар» фильмидаги Зайнаб ролини маҳорат билан ижро этди. Лутфулла эса «Карвон» фильмида суратга тушди. Шу тариқа улар кино артисти сифатида ҳам томошабинлар ҳурматига сазовор бўла бордилар. Институтни тугатгач, Гулчеҳра ҳам Ёш томошабинлар театри коллективига келиб қўшилди.

Вақт ўтиши билан ҳар иккала актёрнинг телеспектаклларда ўйнаган ни намойиш этди. «Одам бўлиш қийин»даги Гулчеҳра ва Абдулла, «Баҳор қайтмайди»даги Муқаддам ва Алимардон, «Излайман»даги Саломат ва Даврон, «Инжа Мамат»даги Хадича ва Инжа Мамат, «Бир томчи қон»даги Гулбадан, «Кун ва тун»даги Маъсума каби ўнлаб драматик образлар бу фикримизнинг далили бўла олади. Лоақал Гулчеҳра билан Абдуллани эслайлик. Улар ўртасидаги самимий муҳаббат томошабин қалбида инсоний ҳислар туғдиради, уларни ёшликнинг нашидали дамларига бошлайди. Бироқ иккинчи қисмда Абдулланинг ана шу ёшликнинг мусаффо туйғуларига хиёнати, ўз манфаатини деб Гулчеҳранинг муҳаббатини, нозик кечинмаларини оёқ ости қилиши томошабинни ғазабга келтиради... Гулчеҳранинг изтироблари авж нуқтага кўтарилади. Янглишиб қўйилган бир қадам унинг ҳаётини ҳалокат ёқасига олиб келади.

Ёш томошабинлар театрида деярли ҳар куни мактаб ўқувчилари учун спектакллар намойиш этилади. Бу спектакллардаги бош ролларни эса, асосан Л. Саъдуллаев ҳамда Г. Саъдуллаевалар ижро этадилар. Санъатга меҳр, томошабинларга ишонч ва ихлос уларнинг саҳнадаги эзгу шиоридир. Ана шу олижаноб ният, туйғулар 1969 йилда ўйнаган илк ролларидан тортиб, яқинда саҳналаштирилган «Донишманднинг ёшлиги» спектаклидаги шоҳ қизи Заррингиссу ҳамда Ибн Сино ролларини ижро этаётганларида ҳам ўз кучини кўрсатди. Бу давр ичида улар ўзаро ҳамкорликда 50 дан ортиқ образлар яратиб, ўқувчилар билан минг мартадан ортиқ учрашдилар.

Ҳар иккала санъаткорнинг саҳнада яратган образлари ёши ва характери жиҳатидан хилма-хилдир. Масалан, «Тўрт эгизак ҳақида эртак» асарида Гулчеҳра қувноқ, самимий ва содда болгар қизи Бенькага айланса, «Олтин тулпор» асарида озодлик ва ҳурлик тимсоли — Малика Қуёшгул образида намоён бўлади.

Лутфулла Саъдуллаев эса кўпинча саҳнада жасоратли инсон тимсолида кўринади. Масалан, Володя Ульянов, Павел Корчагин, эзгулик ва озодлик учун курашувчи халқ қаҳрамони Ан

Г. Саъдуллаева Премчанднинг «Келин» спектаклида Шиёма ролида.

тинь, оловқалб Ҳамза, ёш олим Ибн Сино образлари шулар жумласидандир.

— Сизни кейинги ўн йил ичида кинода учратмадик?— сўрадим бир куни Гулчеҳрадан.— Бунинг боиси нимада?

— Болалар — менинг қувончим,— деб жавоб берди актриса.— Саҳнада илк учрашувдаёқ мен уларни бир умрга севганман. Уларнинг маънавий оламини бойитиш, билим доирасини кенгайтириш учун Лутфулла ака иккаламиз сержило, сертуйғу, қувноқ эртаклар, янги асарлар излаймиз. Қисқаси, болалар дунёси билан яшаймиз.

Мана, одатдагидай спектакль тугади. Гулдурос қарсаклардан зал қалқиб тушгудай бўлди. Жажжи томошабинлар саҳнага отилиб чиқиб, қўлларидаги гулдасталарни севимли актёрларига тутишарди. Санъаткор учун бундан ортиқ бахт борми ахир! Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреатлари Гулчеҳра Саъдуллаева, Лутфулла Саъдуллаев кўпдан бери ўз санъатлари билан ёш томошабинлар қалбини ана шу тарзда ром этиб келмоқдалар.

Назира ЙЎЛДОШЕВА

ридан бирига едирдилар. У одам мевани еган замон жон таслим қилди. Пошшойи олам ажаб ҳолатда қолиб, тўтига деди: «Эй бадбахт! Сен менга душманлик қилиб, жонимга қасд қилдингми?»

Тўти ҳарчанд: «Шоҳим, бу ишни текшириб кўргил. Бу ишда бир сир-асрор бор», демасин, пошшо унинг сўзига қулоқ солмади. Тўхтини ўлдирдилар. Пошшо у дарахтни ҳам йиқитиб, ўтин қилишни буюрди. Вазир айтди: «Шоҳим, бундай меваи бад ҳам сиздай пошшойи олам хазинасида бўлмоғи лозим. Душманни йўқотмоқ учун бундан зарур дору йўқ».

Иттифоқо, боғбоннинг бир ошнаси бор эди. Қарилик юки қоматини камондек эгиб қўйган эди. У боғбонни кўргани келиб, боғни сайр қилар эди. Боғбон йўқ эди. Ногоҳ ўша дарахт олдига келиб қараса, меваси ғарқ пишган. Ундан бир дона тановул қилган эди, дарҳол навжувон йигит бўлди. Боғбон келиб қараса, бир ёш йигит хиёбонда юрибди. Дарғазаб бўлиб сўради:

— Сени бу боққа ким киргизди?

— Эй, биродар, мен фалон дўстингмен!

— Номаъқул гапни қўй, у кекса эди, сен қирчиллама йигитсен!

— Эй, биродар! Боғингда бир турлик мева кўрдим, ундан тановул қилдиму, шу сифатга кирдим, ўзим ҳам ҳайронмен.

Алқисса, боғбон ўша мевадан бир товоқ олиб, ўз биродари билан пошшойи олам ҳузурига равона бўлди. Келиб, бўлган воқеани арз қилди. Пошшо яна имтиҳон қилиб кўрса, маълум бўлдики, тўти рост айтган экан. Шунда пошшо боғбондан: «Сен олдинги мевани дарахтдан олибмидинг ёки ердан?», деб сўради. Маълум бўлдики, унга илон заҳар солган. Пошшо тўтини ўлдирганига пушаймон бўлиб, бутун умри қайғу ва йиғи билан ўтди...»

Ғаройиб ривоят! Жоҳил ҳокимларни сабр-тоқат ва адолатга чақиргувчи ибратли ривоят!

Беруний бу ривоятни эшитган заҳотиёқ уни кўп йиллардан бери йиғиб юрган афсоналар ва ривоятлар дафтарига ёзиб қўйган, бир кун ўзининг «Осори боқия» деган китобига киритиш орзусида эди! Лекин ҳозир... ҳозир бу ҳикоят, ҳар қандай хастага сиҳат келтиргувчи «неъмати илоҳий» тўғрисидаги бу ҳангома шунчаки бир ривоят эканини, абадийлик орзусида ожиз банда яратган шунчаки бир чўпчак эканини қандай айтади? Яхши бўлсин, ёмон бўлсин, бир маҳаллар унга тотли бир кеча бағишлаган, ҳозир эса мудҳиш ҳақиқат олдида ундан нажот сўраб келган бу заифага не дейди? Юз амри ширин, унинг кўнглини қандай синдиради?

— Бегим,— деди Беруний кўзини ердан узмай.— Минг йилдирки, бани башар сиз айтган бу «неъмати илоҳий»ни қидиради. Минг йилдирки, уни топишни орзу қилади. Аммо уни топмоқ ҳеч бир кимсага насиб этган эмас, бегим!

Берунийнинг сўзини Хатлибегимнинг:

— Ё парвардигор!— деган фарёди бўлди.— Наҳот ҳеч бир нажот бўлмаса? Олампаноҳ... Буткул рўйи заминни забт этса, унинг қўли етмаган макон қолмаса-да, ўзи дардга чалинганда шифо тополмай тўлғаниб ётса! Бечора оғам! Унинг бор умиди ҳакими даврон... Ибн Сино ҳазратларида!

— Ибн Сино?

— Ҳа,— деди Хатлибегим.— Мана уч ойдирким, давлатпаноҳ ибн Сино ҳазратларига элчи йўлламиш! Надоматлар бўлғайким, ҳануз дарак йўқ! Умидимиз амир Масъудда! Ул шаҳзодаи валиаҳд Исфаҳонга юриш қилиб, уни забт этгандур. Бироқ нечундир ундан ҳануз дарак йўқ!..

«Ибн Сино!..»

Бу икки сўз Берунийнинг дилига бамисоли илиқ бир нур бўлиб қуйилдию, кўнгли сув ичгандай ёришиб кетди. Ёраб! Сўнг бор Гурганч сарҳадида кўз ёши тўкишиб, қучоқлашиб видолашганларига неча йил бўлди? Ўн саккиз, йўқ, сал кам ўн тўққиз йил бўлибди! Ўн тўққиз йилдирки, бир-бирининг дийдорига зор! Гурганчда, Маъмун ибн Маъмун саройида ўтган қизғин баҳс-мунозаралар, дилрабо мушоиралар, тонг отар суҳбатлар қайда қолди? Фақат кўнгилда! Улар худди тушдаги рўёдай ўтди-кетди! Гоҳо-гоҳо келадиган узуқ-юлуқ хабарлар, онда-сонда бўладиган ёзишмалардан бошқа алоқа йўқ... Ҳатто ёзган китобларини ўқишга ҳам зор! Беруний унинг донғи оламга кетган «ал Қонун» асарининг фақат бир жилдини ўқишга муяссар бўлди. Ибн Сино эса унинг «Ҳиндистон»ини ҳали кўрмади ҳам!

— Ҳа,— деди Беруний, ҳушини йиғиб.— Ибн Сино ҳазратлари келса, кўп яхши бўлур. Ул ҳакими давроннинг билмаган доруси, даволамаган дарди йўқ!

Хатлибегим аввал тасдиқ ишорасини билдириб, бошини тез-тез ирғадию, кейин қовоғини уйиб:

— Хабарим бор,— деди,— ул такаббур ҳаким бир маҳаллар Ғазнага келишдан бош тортиб, Журжонга кочган. Сиз... сиз ул алломаи замон билан кўп мулоқотда бўлғансиз, мавлоно. Банияти шифо, яхши ният қилиб, ҳаким ҳазратларига бир мактуб ёзиб берсангиз. Тағин бир чопар йўлласак. Ул алломаи даврон Ғазна саройида хизмат қилишни тиламаса тиламас, бироқ бир бандаи ожиз дардга чалинганда уни даволамоқ ҳаким учун ҳам фарз, ҳам қарз эмасму, мавлоно?— деди Хатлибегим лаблари титраб.— Бечора оғам! Кўзида уйқу йўқ, кўнглида таскин, ҳар оқшом саройда танҳо ўзи соядай юриб чиқади!..

Хатлибегим, гўё ўз сўзидан ўзи қўрқиб кетгандай, бирдан ҳушёр тортиб, шоша-пиша ўрнидан турди. Бир зумда кўз ёшидан асар ҳам қолмади, ҳатти-ҳаракатларида бояги шиддат, гап-сўзларида бояги қатъият зоҳир бўлди.

— Бу сўзларни мен сизга инониб сўзладим, мавлоно!— деди у, чамаси ортиқча гапирганидан афсус чекиб.— Бу сўзларни тирик бир жон билмаслиги даркор! Офтоби оламга улуғ мартабалар инъом этган худованди карим, иншоолло, ундан ўз меҳри-шарофатини дариғ тутмас. Мактубни ёзиб қўйсангиз, эрта-бурускун одам юборамен! Қўзғалманг, мавлоно, сиз ҳам бетоб экансиз, мен ўз дардим билан бўлиб, билмабмен. Хайр, оллога топширдим сизни!— Хатлибегим, бошини баланд кўтарганича виқор билан юриб, ҳужрадан чиқди. Беруний ҳолсизланиб, жойига чўзилди.

Асад АСИЛОВ

АДАШГАН ЎҒИЛ

ҲИКОЯ

Кетма-кет етилиб келаётган болаларининг бўйларига қараб қувониб юрган Ғанижоннинг бора-бора руҳи тушиб, қўли ишга бормай қолди. Бола-чақам ўсса ёнимга кирар, деган қувонч бор эди қалбида. Бир-икки воқеа бўлиб ўтгач, ширин орзуларининг таги бўшга ўхшаб кўринди. Тўнғичи Туйғун ўн йилликни битирай деяпти-ю, ҳалигача ўйинқароқлигини ташламайди. Буниси ҳам майли эди, кун ора орқасидан «гап» эргаштириб келиши дард устига чипқон бўлди. Кеча ўқитувчиси йўлиқиб қолиб, Ғанижонга анча оғир гаплар қилди. Уқаси тенги йигитнинг катталарга ўхшаб салмоқлаб:

— Ўғлингиз нотўғри йўлдан кетяпти, сиз бўлсангиз мундоқ хабар олай ҳам демайсиз-а! Шундоқ кетаверса, қайдам, кейин қайириб олишингиз мушкул бўлса керак,— дейиши у ёқ-бу ёғидан ўтиб кетди. Барибир индамай олмади. Муаллим йигит аччиқ ҳақиқатни айтганди-да! Қайтанга Туйғун кичиклигида яхши эди. Дўмбиллагунча эргашиб юрар, бирор иш буюрса, «хўп, адажон» деб чопқиллаб кетарди. Уч-тўрт йилдан бери унга бир бало ёпишди. Узига бино қўйиши бир ташвиш, серзардалиги, тўнглиги ўн ташвиш. Адасидан сир бекитиш, ўзини узоқроқ олиб юришга ҳам одатланди. Иш буюрганда рад этмайди-ю, ер тагидан ўқрайиб қараб қўяди.

Энг ёмони ўғилнинг онага муносабати эди. У Манзурахоннинг гапини назарга пўчоқча илмай қўйди. Она ҳам шунга кўникиб кетди шекилли, гапириб-гапириб қолаверади. Жудаям жаҳлини чиқариб юборган кезларидагина, «Хап санимы, шошмай тур! Аданг келганда айтиб, таъзирингни бердирмасамми!» дея қуруқ пўписа қилиб қўяди. Аслида онасининг дадасига чақмаслигини Туйғун яхши билади. Шундоқ бўлгандан кейин...

Буларни ота сезмайди дейсизми! Ҳаммасини билиб юради-ю, бола ёш, эси кириб қолар, деган хаёллар билан ўзини овутади. Шу йўлни тутиб ўз-ўзини алдаётганини, бу иш шундоқ давом этаверса, оқибати яхши бўлмаслигини ўйлаб эзилади. Кейинги йилларда сочининг тез оқара бошлагани, серзарда бўлиб қолганлиги ҳам шундан.

Ҳаётининг бундай давом этишидан отанинг кўнгли тўлмади, ўғли билан тузукроқ гаплашиб қўймоқчи бўлди...

Томорқадан хонага қайтиб кирса, Туйғун чойини ичиб бўлиб, ўзини ясантириш билан овора эди. У онаси тахлаб қўйган кийимларни ҳар томонга сочиб юборибди. Ювиб, янгигина дазмолланган кийим-бошлар уй билан битта бўлиб ётибди. Улар орасидан ўнни кўриб, бирни кийиб, мактабга жўнаб кетган экан.

— Кошкийди сан қиз бўлиб туғилганингда! Менга айтсанг ўзим топиб бераман-ку, тинчимагур! Укаларингниям шу кўйга солсанг, ажалимдан бурун ўлдириб қўясанлар, ахир...

Жаврай-жаврай, сочилиб ётган нарсаларни қайта тахлаётган Манзурахон эшикда турган эрига кўзи тушиб дарҳол тилини тийди. У фарзанди Туйғунни сал эпкиндан ҳам асраб-авайлар, ўзи тил учида уришгани билан ота ғазабини унга сира-сира раво кўрмасди.

Ғанижоннинг қаттиқ жаҳли чиқди. У ўғли билан анчайин гаплашиб қўймоқчи эди, Манзурахоннинг «Ажалимдан бурун ўлдириб қўясанлар», деб зорланиши тўғри юрагига санчилди. Ота ўзини тутолмади, ўғлининг қулоқ-чаккасига шарақлатиб тарсаки тортиб юборди. Туйғун аввал ҳайрон бўлиб отасига бирпас тикилиб қолди. У отасидан калтак ейиш у ёқда турсин, ҳатто каттиқроқ сўкиш ҳам эшитмаганди. Ўғил жимирлаб бораётган қулоқ-чаккасини ушлаб турди-да, югурганча кўчага чиқиб кетди.

— Вой, адаси, нима қилиб қўйдингиз! Ўғлимни ургунча мени урсангиз бўлмасмиди!

Манзурахон йиғи аралаш шундай дея эрининг яқинига келди. Ғанижон ўн етти йилдан бери бир ёстиққа бош қўйиб келаётган хотинига биринчи марта қаҳр, айни пайтда диққат билан тикилди. Тавба, шунча ўзгаришни шу дамгача пайқамабди-я! Хотинининг тим қора, узун сочлари сийраклашиб, оқ оралаб қолибди. Бўйи деярли ўзи билан тенг эди, чўкиб, елкасидан ҳам пастлаб кетибди. Бир вақтлар уни мафтун этган гул юзлари бир бурда бўлиб қолибди.

Туйғунни онаси эркалатиб издан чиқариб юборди, деган ўй бор эди Ғанижоннинг кўнглида. Бирваракайига «айбдор» хотинини ҳам жазолаб қўймоқ истаги туғилганди унда. Қараса шундоқ ҳам хотинининг бўлари бўлиб қолибди. Буни кўрган ота қалби баттар зирқираб кетди.

Манзурахон эрини бундай ташвишли қиёфада ҳеч қачон кўрмаган эди, қўрқиб кетди. Қўлидаги буюмларини тушириб юбориб, Ғанижонга илтижоли назар билан қараб қолди...

Туйғун шу кетганча кечгача, ҳатто тунда ҳам уйга қайтмади. Манзурахон чидаб ўтиролмади, ўғлини излаб, вой болам, деб бўзлаб тунда кўчага отилди. Ғанижон уни бир амаллаб қайтариб келди.

— Қўявер, келмаса, ундан нарига!— деди ғазаб билан. Бироқ, сал ўтмай, уни отанинг ўзи қидириб кетди. Бормаган жойи, кирмаган эшиги қолмади. Ўғил ҳеч ерда йўқ эди. Ярим тунда уйга қайтган эридан бу хабарни эшитган она тонг отгунча йиғлаб чиқди. Ғанижон бутун кун яна ўғлини қидирди: қиру сойлардан ҳам излади. Лекин у йўқ эди. Яна кеч кириб, кўчадан ўтаётган сигир-бузоқларнинг дўпир-дўпири тинди. Беркинмачоқ ўйнаб, қийқиришаётган ўғил-қизалоқлар ҳам уй-уйларига тарқаб кетишди. Ота-онанинг эса кўзи эшикда. Туйғундан ҳамон дарак йўқ.

— Ўғлимиздан айрилиб қолганга ўхшаймиз, адаси! Қилар ишни қилиб қўйиб жи-им ўтирганингиз нимаси?! Вой онанг ўлсин болам-ей, қаерларда қолиб кетдинг-а?!.

Хотинининг бу фарёди Ғанижоннинг қулоғини тешиб юборгудек бўлди.

— Унингни ўчир!— икки мушти тугилган ҳолда хотинининг тепасига ўдағайлаб келди Ғанижон. Шу камлик қилиб турган экан, шекилли, она бардошининг сўнгги толаси узилди, Манзурахоннинг рангги қув ўчиб, бир-икки гандираклади-да, ерга йиқилиб тушди.

— Онаси, Манзур, сенга нима бўлди?! Кўзингни оч, менга қара, манави сувни ичиб юбор, ке, ўзим ичира қолай, ке, кўрпачага ётқизиб қўяй!

Ғанижон ҳушдан кетган хотинини оҳиста суяб кўрпачага ётқизди ва икки уй наридаги машиналик қўшнисиникига югурди. Хотинини касалхонага олиб бориш учун машина олиб келганда болалар ётган хонада қийчув авжига чиққанди.

Манзурахонни кўтариб чиқиб машинага аваайлаб жойлаштирган Ғанижон нима қиларини билмай довдираб қолди. Касалхонага борай деса уйда майда болалар, қолай деса хотини... Шу ўринда қўшни йигитча жонига ора кирди:

— Ғанижон ака, опани касалхонага ўзим элтиб қўяман. Сўнг зудлик билан келиб сизни олиб бораман. Унгача сиз укаларимни ухлатиб туринг!

Ғанижон йигитчага раҳмат деёлмади, машинанинг жимирлаб турган қизил чироқлари кўринмай кетгач, рўмолча билан кўз ёшларини секин артиб олди. Болаларнинг баралла эшитилиб турган бақириқлари янаям авжига чиқа бошлаганди. Ота уларни овутиш учун ичкарига кирди. Қани энди овунишса, Нурмат, Эшмат, Пирмат, Тошмат бараваригa: «Ойим қани, ойимга бораман», деб бақиришарди. Ғанижон бутун бисотидаги ялтироқ буюмларни бўлиб бериб, болаларини зўрға овутди.

Бироз ўтгач, кўча эшикнинг ғижирлаб очилгани эшитилди. Остонада Туйғун турарди. Унинг боқишида аввалги ғурур йўқ, надомат, айбига иқрор бўлиш аломатлари кўринарди. Отасига кўзи тушган Туйғуннинг нигоҳи яна кимнидир ахтара бошлади. Меҳрибон онажони кўринмасди. Ниҳоят, Туйғун журъат этиб, секингина сўради:

— Ада, ойим қани, уйимизга қанақа машина келди?

Ғанижон болага қаҳр билан тикилди-ю, негадир ундан айб тополмади:

— Қаерда эдинг?!

— Сомонхонада...

— Ойингдан айрилиб қолдик, ўғлим!..

Бу даҳшатли гапни эшитиб, Туйғун турган жойида тошдек қотиб қолди. Унинг ранги дув оқарган, чақчайиб кетган кўзлари адасига бақрайиб боқарди.

— Ҳа, шундоқ бўлди, ойингнинг қадрига етмадик, азобладик, мана энди бир уй укаларинг иккаламизга қолди!..

Ғанижон гапини бошқа давом эттиролмади, ўзининг ҳам бўғзига бир нима келиб тиқилганди.

— Ёлғон! Нега алдаяпсиз?! Ойим ўлмайди; ойимни дўхтирлар тузатишади!

Туйғун додлаб адасининг оёғи остига ўзини отди:

— Бошқа қилмайман, адажон! Ишонинг менга, ҳеч қачон қайтармайман! Энди одам бўламан!

Ўғил отасининг оёқларини маҳкам қучоқлаб, тинмай ҳўнгради:

— Ойимни обкеб беринг! Қўлларини совуқ сувга теккизмайман, жоним билан хизматларини қиламан! Ойимни обкеб беринг, адажон! Вой ойижоним-эй! Вой меҳрибоним-эй!

«Тўғри қилдимми, боламнинг қалбини жароҳатлаб қўймадимми?» Ҳайкалдек қотиб турган Ғанижоннинг хаёлида шундай нохуш фикрлар пайдо бўлди. Қон тўлиб кетган юрагининг бир чеккаси негадир аста ёришиб кела бошлаган эди. Қанча вақтдан бери йиғилиб қолган ишини бир йўла бажариб тоза чарчаган, лекин кўнгли ўрнига тушган одамдек сочларини тароқлаётган бармоқлари билинар-билинмас титрарди.

Кўклам завқи.

Р. АЛЬБЕКОВ фотоси

ИНСОН ВА ЖАМИЯТ ТАҲЛИЛИ

Собир МИРВАЛИЕВ,

филология фанлари доктори

КПСС Программасида ва унинг тарихий XXIV, XXV ҳамда XXVI съезди ҳужжатларида ҳамма нарса инсон учун, унинг бахт-саодати учун деб зарҳал ҳарфлар билан ёзиб қўйилган. Бу улуғ коммунистик жамиятнинг туб мундарижаси, тузумимизнинг гуманистик моҳияти, жамиятимизнинг абадийлиги ва барқарорлиги белгисидир. КПСС XXVI съезди томонидан тасдиқланган Асосий йўналишларни кўздан кечирар эканмиз, бунга яна бир бор тўла ишонч ҳосил қиламиз.

«Бошланган ўн йиллик,— дейилади унда,— коммунизмнинг моддий техника базасини яратишда, ижтимоий муносабатларни ривожлантиришда, янги инсонни камол топтиришда янги катта босқичдир». Яъни навбатдаги беш йилликлар даврида ҳам халқимиз ўсиб бораётган моддий ва маънавий эҳтиёжларини тўлароқ қондириш, социалистик ҳаёт тарзини ривожлантириш, совет жамиятининг социал структурасини янада такомиллаштириш асосий вазифа бўлиб қолади.

Бинобарин, партиямиз барча тарихий қарорларида инсон ва жамият тараққиёти, равнақи, мақсадлари бош планда туради. Чунки инсон жамият билан, жамият эса инсон билан биргаликда ҳаракат қилади, тараққий топади. Социалистик реализм адабиётининг кучи ва моҳияти ҳам, унинг халқчиллиги ва партиявийлиги ҳам ана шу партиявий мақсадлар йўлида хизмат этишга даъватқорлигидадир. Адабиётимиз ана шу эстетик принципини Улуғ Октябрь тонгидаёқ танлаб олган эди, эндиликда эса уни камолот босқичига олиб чиқди. Унинг мана шу равнақида проза, хусусан, унинг эпик жанри — роман жуда катта бадиий эстетик тараққиёт чўққисига кўтарилди. Чунки роман кенг эпик жанр сифатида ҳаётдаги муҳим ва улкан воқеаларни, силжиш ва сифат ўзгаришларини ўзга жанрларга қараганда анча кенг ифодалаш имкониятига эгадир. Бу ҳол унинг инсон ва жамият муаммоларини бадиий-эстетик ҳал этишида беқиёс қулайлик туғдиради. Ана шу, жанрга хос кенг қамровлилик, эпик ифодалаш имконияти роман адабиётимизнинг умумий оқимида етакчилик қилишига шарт-шароит яратмоқда. Шунинг учун ҳам у инсон ва жамият ҳаракатининг эпик ифодаси бўлиб қолмоқда.

Демак, адабиёт билан ҳаёт, халқ билан партия ўртасидаги муносабатларнинг ҳар қачонгидан ҳам чуқур тус олиши, ҳаётимиз мазмунининг кенг эпиклик касб этаётганлиги ҳамда романнавислар маҳоратининг чуқурлашуви ҳозирги ўзбек романлари марказига ҳам инсон ва жамият проблемасини олиб чиқишни тақозо этмоқда.

Шу маънода биз ҳозирги давр ўзбек совет романлари тараққиётини кўздан кечирар эканмиз, у умумсовет адабиёти билан, қолаверса, умумсовет романчилиги билан ёнмаён, қадамба-қадам юксала бораётганлигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Энг аввало у ўзининг ғоявий теранлиги, бадиий етуклиги билан даврга — партия ва халқ манфаатлари, мақсадлари йўлида садоқат билан хизмат этиб келаётганлигини алоҳида қайд этиш ўринлидир. Унинг бош қаҳрамони коммунистик жамият қуриш учун курашаётган ҳужумкор ва бунёдкор, ижодкор ва актив шахсдир. Шу билан бирга у маънан пок, интеллектуал жиҳатдан бой, гўзал бўлиб, замондошларимизга хос коммунистик идеалларни ўзида мужассамлаштиради. Айни чоғда у давр жиловини ўз қўлида маҳкам тута билган, бутун прогрессив инсоният тақдири, манфаатлари учун бирдек курашадиган кенг кўламли, катта мақсад эгасидир. Шу билан бирга коммунистик ахлоқимизни ифодаловчи, социалистик онгга ва катта муҳаббат соҳибидир. Атоқли совет адиби Шароф Рашидов асарлари беш жилдлигининг Москвада нашр этилиши ўзбек прозасининг катта муваффақияти бўлди. Ҳамид Ғуломнинг «Мангулик» романига СССР Давлат мукофотининг берилиши, шунингдек, Саид Аҳмаднинг «Уфқ», Мирмуҳсиннинг «Умид», Одил Ёқубовнинг «Улуғбек хазинаси», Пиримқул Қодировнинг «Юлдузли тунлар», Асқад Мухторнинг «Чинор» каби романларига Ҳамза номидаги республика Давлат мукофотининг берилиши, Улмас Умарбековнинг «Одам бўлиш қийин», Х. Тўхтабоевнинг «Сариқ девнинг ўлими» каби эпик полотнолари Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотига сазовор бўлиши ҳамда Раҳмат Файзийнинг «Ҳазрати инсон», Мирмуҳсиннинг «Дегрез ўғли», Жонрид Абдуллахоновнинг «Тўфон», Одил Ёқубовнинг «Диёнат» каби асарларига ВЦСПС ва СССР Ёзувчилари союзлари мукофотларининг берилишининг боиси ҳам улардаги қаҳрамонлар ташиётган ана шундай катта ғоявий-бадиий, тарбиявий-эстетик сифатларнинг юксаклигидандир. Бинобарин, ўнлаб ўзбек романларининг телеэкран талқини яратилгани ҳам бежиз эмас. Хусусан, «Умид», «Гирдоб», «Диёнат» каби замонавий мавзудаги романларнинг телеэкран талқини анча шуҳрат топди. Шунингдек, Назир Сафаров, Комил Яшин, Иброҳим Раҳим, Йўлдош Шамшаров, Ҳаким Назир, Ўткир Ҳошимов каби адибларнинг романлари ҳам кенг жамоатчилик томонидан эътироф этилди. Айниқса, қиссачилик соҳасида Мақсуд Қориев, Туроб Тўла, Оқилжон Ҳусанов, Нурали Қобул сингари бир қатор адиблар катта ижодий муваффақиятларга эришдилар. Буларнинг боиси улардаги давр довруғи, замон нафаси ва пафосининг инсон орзу-умидларининг ёрқин, тўла, ҳаётий тасвирланиши ҳамда мазкур роман ва қиссаларнинг чуқур халқчил ва юксак партиявий руҳидадир. Муҳими, насримиз билан давримиз, ҳаёт билан ижодкор ўртасидаги муносабат ва алоқалар ҳар қачонгидан ҳам яқин, мустаҳкам бўлиб бораётир. Ҳаётдаги кўтаринкилик, шонли беш йилликларнинг муваффақиятли ва муддатидан анча олдин бажарилаётганлиги, меҳнат романтикасининг юксак пафос даражасига кўтарилганлиги, қисқаси, ҳаёт мазмуни ва кўламининг эпик тасвирга тортилиши жанр, услуб, конфликт ранг-баранглигига, бойишига ҳам таъсир этмоқда. Шуларнинг ҳаммаси насримиз, қолаверса, романчилигимиз ўз тараққиётининг бош йўлидан — замонавийликни чуқур эгаллаш йўлидан бораётганлигини кўрсатади. Айтиш мумкинки, инсон ва жамият тақдири, келажак проблемаси эпик тасвирнинг асосини ташкил этмоқда.

Шу маънода бугунги кунда яратилаётган романларга хос тенденцияларни кузатар эканмиз, улар, асосан, тўрт хил кўринишда намоён бўлаётганларини сезамиз.

Бу, аввало, тарихий ўтмишни замонага хизмат эттиришга интилишда, Абдулла Қодирий, Садриддин Айний, Ойбек каби санъаткорларнинг тарихий роман яратиш соҳасидаги традицияларининг давом эттирилишида кўзга ташланади. Жумладан, О. Ёқубовнинг «Улуғбек хазинаси», Мирмуҳсиннинг «Меъмор», П. Қодировнинг «Юлдузли тунлар», Х. Тўхтабоевнинг «Қасоскорнинг олтин боши» каби романлари, Миркарим Осимнинг қатор қиссаларида узоқ ва яқин тарихий ўтмишни тасвирлаш орқали халқимизнинг ҳаёт ва кураш тарихи умумлаштирилади. Айниқса, юқорида зикр этилган тарихий романларнинг муваффақияти шундаки, уларда инсоният келажаги, фан, маданият учун, гуманизм учун кураш ғоявий бадиий юксак савияда ифода этилади. Айтиш мумкинки, бу романларда инсон ва жамият, инсон ва тарих проблемалари қўйилиб, у адолат ва маърифат учун кураш воситасида ҳал этилади. Шу асосда халқ тарих ижодкори деган марксистик қоида бадиий жиҳатдан яна бир бор тасдиқ этилади. Ўзбек халқининг инқилоб томон келишидаги стихияли ва онгли ҳаракатларининг манбалари умумлаштирилади.

Умуман, «Улуғбек хазинаси», «Меъмор», «Юлдузли тунлар», «Қасоскорнинг олтин боши» каби тарихий романлар адабиётимизнинг янги ютуғи бўлиб, катта маърифий-тарбиявий аҳамиятга эгадир. Уларнинг энг муҳим қиммати эса, ўтмишни чуқурроқ тушунишга, ҳозирги фаровон ҳаётни янада қадрлашга ва келажакка ишонч билан боқишга даъват этишларидадир. Тарихий мавзудаги, хусусан, мазкур ҳар тўрт романга хос ана шу хусусият улардаги чуқур замонавийликни келтириб чиқаради, уларнинг замонавий қимматини тайин этади.

Худди шу сифат ва хусусиятлар иккинчи бир турдаги романларга ҳам хос деб айтиш мумкин. Бу, тарихий-инқилобий мавзудаги романлар бўлиб, улар маълум мавзу ва жанр хусусиятлари билан тарихий романларга ҳам яқин, ҳам фарқланиб турадилар. Маълумки, адабиётимизда, хусусан, сўнгги йилларда жанрнинг бу тури анча ривожланди. Ойбек, К. Яшин, Н. Сафаров, Ғ. Ғулом, М. Исмоилий, Й. Сулаймон каби адиблар бу мавзуда асарлар яратдилар. Энг муҳими, ана шу мавзуни ёритиш орқали ўзбек халқининг инқилоб томон келишидаги ўзига хос ва мураккаб йўлини умумлаштириш кўзда тутилди. Ана шу инқилобий ҳаракатдаги ишчи, деҳқон, зиёли, хотин-қизлар ва маҳаллий коммунистларнинг иштироки ва ролини, кўрсатиш етакчилик қилди. Шу орқали романчилигимизда инқилоб ва халқ проблемаси ўзининг эпик тасвирини топди. Кейинги йилларда адабиётимизнинг, қолаверса, романчилигимизнинг ана шу анъаналари янада ривож топди, ўз тараққиётида давом эта борди. Бинобарин, юқорида тилга олинган адибларнинг тарихий-инқилобий мавзудаги асарлари танланган материал ва тасвирланган давр жиҳатидан фарқланганларидек, маҳорат нуқтаи назаридан ҳам бирбирларидан ажралиб турадилар. Энг муҳими, халқимизнинг Улуғ Октябрь инқилоби томон келишидаги кураш тарихи ва тажрибалари асосан реал ифода этилади. Ўзбекистонда ғалаба қилган инқилоб Улуғ Октябрь социалистик революциясининг узвий қисми сифатида тўғри талқин этилади. Шу орқали ёзувчилар оталарнинг инқилобий традицияларини қадрлашга, уни кўз қорачиғидай асрашга чорлайдилар.

Инсон ва жамият проблемаси учинчи типдаги романларда ҳам ўзига хос тарзда намоён бўлади. Энди, бу асарларда курашлар эвазига бунёд бўлган социалистик тузумимизни ҳар қандай хуружлардан ҳимоя этиш ғояси илгари сурилади. Яъни империалистик кучларнинг, хусусан фашизмнинг ёвузлиги, разолати фош этилади. Совет кишиларининг инсонпарварлиги, ватанпарварлиги, мардлик ва қаҳрамонлик ҳис-туйғулари бадиий тараннум этилади, тинчлик улуғланади. Бу, ҳарбий мавзудаги романларга хос муҳим хусусият бўлиб, уларнинг ғоявий-тарбиявий, бадиий эстетик қимматини тушунишга ёрдам беради. Хусусан, бу ўринда Шароф Рашидовнинг «Қудратли тўлқин», Иброҳим Раҳмнинг «Фидоийлар», Шуҳратнинг «Шинелли йиллар», Вали Ғафуровнинг «Вафодор» (2-китоб), Ҳаким Назирнинг «Лочин қанотлари», Худойберди Тўхтабоевнинг «Беш болали йигитча» каби асарларини эслаш мумкин. Демак, ўзбек романнавислари ҳарбий мавзуни ифодалаш орқали ҳам замонага, даврга хизмат этиш бурчи, масъулиятини оқлашга интилаётирлар. Бинобарин, халқаро воқеалар чигаллашган ҳозирги даврда бу типдаги романларнинг сиёсий-тарбиявий аҳамияти ошиб бормоқда.

Инсон ва жамият проблемаси, айниқса, бу даврда яратилган замонавий мавзудаги романларда янада ёрқинроқ, янада тўлароқ ва чуқурроқ акс эттирилмоқда. Бу жиҳатдан Ш. Рашидоанинг «Ғолиблар», С. Аҳмаднинг «Уфқ», И. Раҳимнинг «Тинимсиз шаҳар», «Оқибат», О. Ёқубовнинг «Диёнат», Мирмуҳсиннинг «Дегрез ўғли», «Чотқол йўлбарси», «Япроқлар ва илдизлар», У. Усмоновнинг «Гирдоб», Х. Тўхтабоевнинг «Сариқ девнинг ўлими», Ж. Абдулла-

ШОИР ВА АЛЛОМА

Ғафур Ғулом таваллудининг 80 йиллиги олдидан

1966 йил, 16 июнь куни Ўзбекистон радиоси буюк ўзбек шоири Ғафур Ғулом вафот этганини хабар қилди. Адабий йиғинларда, Ўзбекистон Ёзувчилар союзида, Ўзбекистон Фанлар академиясининг мажлисларида ва бошқа адабий анжуманларда Ғафур акани бир неча марта кўрганмиз, унинг оташин нутқларини кўп эшитганмиз. У қалбимизга тирик сиймо бўлиб шу қадар ўрнашиб қолган эдики, унинг ўлими ҳақида ўйлаш гуноҳдай туюларди...

1944 йил, декабрь ойида тўпчилар полкида хизмат қилар эдим. Шом пайтлари. Солдатлар ҳарбий машқдан қайтганларича йўқ. Алоқачи солдатларимиз ясаган кичик бир қўлбола радиоприёмникдан баъзан навбатчиликда турганда ахборот, концертлар тинглар эдик. Приёмникнинг қулоғини бурадим. Москва радиосидан «Зулматли кеча» қўшиғи таралarди. Куй тугагач, адабий эшиттириш бошланди. Совет шоирларининг Улуғ Ватан уруши мавзуидаги шеърлари ўқилди. Константин Симонов, Александр Твардовский, Николай Тихонов ва бошқа атоқли совет шоирлари орасида Ғафур Ғуломнинг номини ҳам эшитиб, қувониб кетдим. Радио тўлқинларида унинг «Мен яҳудийман», «Сен етим эмассан», «Қиш» шеърлари янгради. Айниқса, «Сен етим эмассан» шеъри менга жуда қаттиқ таъсир этди. Ўша дақиқаларда шеър одамзод туйғуларини шу қадар нафис акс эттира олишини, сўзнинг мўъжизавий қудратини биринчи бор чуқур ҳис этган эдим. Бундан олдин «Мен яҳудийман» шеърини газетада ўқиганим ёдимда. «Турксиб йўлларида», «Яловбардорликка» шеърлари эса мактаб партасида қалбимизга кирган эди. Ғафур Ғулом шеъриятини хаёлан эслар эканман, кўз ўнгимда янги бир сеҳрли олам гавдаланди.

«Турксиб йўлларида...» Асрлар бўйи қанчадан-қанча фотиҳлар кезган бу йўлларда қон изи, зулм ва талончилик излари қолган. Фақат социализм бу йўлларга инсоний мазмун бахш этди. Қозоғистон ва Ўрта Осиё бағридан нур йўли, бахт-ҳуррият йўли ўтди. Кейинчалик Улуғ Ватан уруши йилларида Ғафур Ғулом юрагидан булоқдай қайнаб чиққан «Кузатиш», «Соғиниш», «Қиш», «Мен яҳудийман», «Сен етим эмассан», «Мард йигитлар қаноти», «Халқ отланди» шеърларини қайта мутолаа этганимда, «Турксиб йўлларида», «Яловбардорликка» асарларида ифодаланган партиявий-инқилобий эътиқоднинг мислсиз поэтик қувват билан амал қилганини кўриб ҳайратда қолдим. 1942 йилда ҳозиржавоблик билан рус тилида нашр этилган, 1946 йилда СССР Давлат мукофотига сазовор бўлган «Иду с Востока» («Шарқдан келаётирман») тўпламининг «Турксиб йўлларида» шеъри билан очилганлиги чуқур мажозий маънога эга эди. Ўзбекистон тупроғидан отланган улкан Армияни Турксиб йўлларидан катта шиддат билан фронтга бошлаб бораётган буюк қўмондон — душманга ғазабкор арслон юракли, ота меҳрли лирик қаҳрамон кўз олдимда гавдаланди. Ғафур Ғулом поэзияси Улуғ Ватан уруши йилларида ўзининг энг юксак чўққисига кўтарилди. Ғафур Ғулом шеърияти ғалабамизга буюк ҳисса қўшди. Қизил майдондаги номаълум жангчи қабрида ёқилган Мангу олов алангасида Ғафур Ғулом шеърий юрагининг ҳам тафти бор...

50-йилларнинг охири. Ўзбекистон Фанлар академияси А. С. Пушкин номли Тил ва адабиёт институти классик адабиёт секторида ишлар эдим. Ғафур ака институтга тез-тез келиб турар, ўзига бириктилган аспирантлар — Абдурашид Абдуғафуров ва Салоҳиддин Мамажоновни йўқлаб, бизлар ўлтирган хонага ҳам ташриф буюрар эди. Ғафур ака келганда, ҳаммамиз беихтиёр ўрнимиздан туриб шоир истиқболига пешвоз чиқардик. Ҳурматли Порсо Шамсиевдан бошқа қарийб ҳамма ходимлар ёшлардан иборат бўлиб, худди сайилдан қайтган отани кутгандай бирор янгилик эшитиш иштиёқида Ғафур аканинг оғзини пойлардик. Ҳамиша бирор қизиқ гап ёки илмий янгиликни дафъатан ошкор этувчи Ғафур ака бу ердагиларни шунга ўргатиб, мафтун қилиб қўйган эди.

— Қўлингдаги нимайди?— сўради у, варақлаб ўлтирган қизил муқовали қалин китобини ёпиб ўрнидан турган Абдурашидга.

— Совет ёзувчилари ҳақида экан,— деди Абдурашид китобни Ғафур акага узатиб.

Ғафур ака китобни варақлаб кўра бошлади. «Мана буниси билан учрашганман, бунисининг асарини таржима қилганман», деяр эди Ғафур ака ҳар бир ёзувчининг суратига ишора қилиб. Аркадий Гайдарга навбат келганда эса: «Уни тириклигида кўрган эмасман», деб қўйди у. Қаддини аста столдан ростлаб, бир дақиқа нима ҳақдадир ўйланиб қолди. Сўнг: «Совет адабиётида болалар ҳаёти ва психологиясини шу қадар чуқур билган бошқа бирор ёзувчини айтолмайман. Бу жиҳатдан Гайдар, менимча, тенги йўқ адиб. Унинг китобларини ўқиган болалардан қарчиғайдай содиқ ватанпарварлар етишиб чиқади,— деди у хиёл кулимсираб.— Болаларни жанговарлик руҳида тарбиялаш — буюк шараф». «Гайдар қаҳрамонларида оптимизм шу қадар кучлики,— деб сўзини давом эттирди Ғафур ака,— улар ҳатто ҳалокатга учраганларида ҳам ўлганликларини билмасдан тириклайин абадиятга айланадилар. Ёшлик оптимизми атомдан кучли!— Мана сенга лекция,— деди у ва хиёл кулимсираб Абдурашидга боқди, — илмий раҳбарлик бундан ортиқ бўладими, ахир!»

Ғафур Ғуломнинг Гайдар ҳақидаги баҳосини унинг ўзига нисбатан ҳам қўллаш мумкин. Мислсиз бадиий кашфиёт —«Шум бола» повести ҳамда болалар учун яратган шеърларини биз ўзбек совет болалар адабиётининг чўққиси, деб биламиз.

Сектор илмий ходими Абдуқодир Ҳайитметов ўзбек классик адабиётидаги бир чигал масала ҳақида сўз очиб, Ғафур Ғуломнинг фикрини билмоқчи бўлди.

— Машраб ҳақидами?— деди Ғафур ака жиддий тус олиб,— адабиётимиз тарихида Машраблар кўп бўлган. Лекин биз учун ҳаммасидан аълоси ўзимизнинг Бобораҳим Машраб эканини биласан. Асл Машраб хазинасига доғ туширишга асло йўл қўймаймиз. Қайси куни Шарқшунослик институтида Машраб деган бир кимсанинг қўлёзма девони қўлимга тушиб қолди. «Мабдаи нур» деб аталган ғазаллар мажмуаси. Кўп жиҳатдан бадиий ғариб ғазалларнинг ҳар сатрида мусулмонларни инсоф ва итоатга даъват этувчи сўфи ғазалхон мардакча кўз олдимда намоён бўлди. Реакционерлар бу ғазалларни Бобораҳим Машраб дурдоналарига атайин аралаштириб юбориб, унинг покиза сиймосига доғ туширмоқчи бўлганлар ва муддаоларига қисман эришганлар ҳам.

— Сен олимсан,— деди Ғафур ака Абдуқодир Ҳайитметовга,— олимнинг қалами халқ маданияти хазинасининг қўриқчисидир. Ўзимизнинг ардоқли Машрабимиз шеъриятини пок сақлаш сену менинг бурчимиз.

Бир неча кун ўтгач, Ғафур ака институт илмий советида шу масала хусусида жиддий маъруза қилди. У илҳом билан шундай ифодали сўзладики, Машраби Соний тахаллусли Мулла Рўзи деган кимсанинг жонли қиёфасини образли чизиб берди, ўтирганларда ҳам илмий тушунча, ҳам конкрет адабий тасаввур ҳосил қилди.

Бу воқеадан бир неча вақт ўтгач, «Қизил Ўзбекистон» газетасида (1959 йил) Ғафур Ғуломнинг «Икки Машраб» деган мақоласи босилиб чиқди. Ғафур ака сермулоҳаза, босиқ, очиқкўнгил йигит — шогирди Абдурашидни айниқса ўзига яқин тутарди.

Ғафур Ғулом илмий унвон — даража учун расмий равишда тадқиқот тайёрлашни хаёлига ҳам келтирмаган эди. Аммо у олий илмий даража, унвонларга сазовор буюк аллома — Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги эканлиги ҳаммамизга маълум. Лоақал, Ғафур аканинг юқорида эслатиб ўтилган Машраб ҳақидаги мақоласини эслаш кифоя. Бу мақоласида Ғафур Ғулом Машраб ҳаёти ва ижодига доир фанда чигал бир қанча масалаларни, чунончи, Бобораҳим Машраб ғазалиётини «Мабдаи нур» деб аталган девон аралашмасидан холис қилиш, Машрабнинг туғилган юрти Наманган

хоновнинг «Борса келмас» романларида ҳамда бир қатор талантли ёшларнинг йирик асарларида шахс, жамият ва келажак проблемаси етакчи ўринни эгаллайди. Мазкур романларнинг энг муҳим хусусияти шундаки, уларда шахс билан коллектив, шахс билан жамият муносабатлари ўз ифодасини топади. Шу орқали шахс билан коллективнинг жамият тараққиётига таъсири, ўрни ва роли умумлаштирилади. Хуллас, шахс, жамият, ҳаёт проблемаларининг қўйилиши мазкур типдаги романларга чуқур ижтимоий руҳ бағишлайди.

Замонавий ўзбек романлари тараққиётига хос бундай хусусиятлар роман жанри турларининг ранг-баранглигида, услубларнинг бойиб боришида, конфликт соҳасидаги изланишларда ҳам содир бўлаётир. Адибларимиз ижодидан роман жанрининг саргузашт ва фантастик тури ҳам ўрин ола бошлади. Конфликт соҳасида эса, характерлараро кураш формаси қатори унинг ички кечинмалар шаклидаги кўриниши ҳам чуқурлашмоқда. Бу ҳол романларда психологизмнинг чуқурлашувига имконият яратмоқда. Лекин, энг муҳими, бу давр ўзбек романлари қайси кўриниш, қайси йўл, қандай ҳолатда ривожланмасин, уларнинг ҳаммасида инсон ва жамият проблемаси етакчилик қилмоқда. Улуғ рус танқидчиси В. Г. Белинский қайд этганидек, роман учун ҳаёт одам ва жамиятдан иборат бўлиб қолаётир. Бу хусусият С. Кароматов, Р. Раҳмонов, Ў. Ҳошимов, Й. Сулаймон, Э. Усмонов сингари ёш романнавислар ижодига ҳам хос. Бинобарин, ўзбек романчилиги тараққиётининг барча даврларининг ҳосиласи сифатида пайдо бўлган ижобий анъаналар бугунги кунда яратилаётган романларда муваффақиятли тарзда давом эттирилмоқда. Зеро, давримизнинг улуғлиги, замонамизнинг қайноқ ва жўшқинлиги, партия ва халқ, ижодкор ва ҳаёт ўртасидаги муносабатларнинг тобора чуқурлашиб, мустаҳкамланиб бораётганлиги эса бу жараёнга эзгу таъсир кўрсатмоқда. Айниқса, халқимиздаги буюк яратувчилик, ижодкорлик, ташаббускорлик, коммунизм қуриш иштиёқининг зўрлиги романнавислар илҳомига илҳом қўшмоқда. Демак, ҳозирги адабий жараёнда шаклланиб камол топиб бораётган ёш бўғиннинг роли, бурчи, масъулияти янада ошиб бориши ҳам табиийдир.

Хуллас, КПССнинг XXV ва XXVI съездлари оралиғида ўзбек романчилиги ҳаёт билан ҳамқадам бўлди, ривож топди. Чиндан ҳам, бу даврда, КПСС Марказий Комитетининг Бош Секретари, СССР Олий Совети Президиумининг раиси Л. И. Брежнев айтганидек: «Замондошларимизнинг ёрқин образини яратишда ижодий ходимлар шубҳасиз ютуқларга эришдилар. Бу образлар одамларни ҳаяжонлантирмоқда, баҳсларга сабаб бўлмоқда, ҳозир ва келажак ҳақида ўйлаб кўришга ундамоқда. Партия энг яхши асарларга хос бўлган гражданлик пафосини, камчиликларга нисбатан муросасизликни, санъат жамиятимиз ҳаётига оид проблемаларни ҳал этишга фаол аралашаётганини табриклайди».

Бинобарин, ўзбек совет романчилиги ўз тараққиётининг қайси ва қандай йўлларидан бормасин, ҳамиша партия ва халқ мақсадлари йўлида садоқат билан хизмат этиб келаётганлиги унинг тараққиёти равнақини ҳам белгиламоқда. Шунинг учун ҳам инсон ва жамият проблемаси романларимиз таҳлилининг асосини ташкил этаётганлиги қонуний ҳодисадир.

шоирининг Офоқхўжа эшон томонидан фожиали жазоланишининг туб ижтимоий сабаблари, Машраб сўзининг маъносига доир мунозарали фикрларни ўзига хос даҳо тафаккур ва синчков ақл-идрок билан илмий жиҳатдан ёритиб, ҳал этиб берган эди, Ғафур Ғуломнинг «Атоий эмас, Отойи», шунингдек, Муқимий, Фурқат ҳақидаги мақолалари, хуллас, Шарқ классик адабиёти ҳақидаги ҳар бир фикр-мулоҳазаси қадимий бой халқ хазинасига ойдинлик киритувчи илмий янгиликлар эди. У филология ва шарқшунослик фанининг ҳамма соҳаси бўйича юксак ваколатли аллома, донишманд ижодкор сифатида фикр юрита оларди.

Ғафур Ғулом поэзиясининг замини мустаҳкам бўлиб, у Шарқ шеъриятининг энг ҳаётбахш анъаналарини ўзида мужассамлаштиради. Зар қадрини заргар билар, деганларидек, Ғафур Ғулом адабий хазинамизни саҳифама-саҳифа мутолаа қилган донишманд шоир эди. Жомий ёки Навоийни, Ҳофиз ёки Бедилни уйқусидан аста уйғотиб: «Сизнинг адабий хазинангизга ким чуқуррoқ кира олди, юрагингиз уришини ким кўпроқ тушунди?», деб сўрасангиз, уларнинг барчаси бир оғиздан «Неварамиз Мавлоно Ғафур Ғулом» деб жавоб берган бўлар эдилар. Тарихий-адабий хазина жонли ҳаёт бўлиб, унинг юрагига кирар, бу юракдан чиққан асарларида янгидан кашф этилар эди. Ғафур ака халқ ҳаётини яхши билган, ўзининг чуқур фалсафий шеърлари, монологлари ва хушчақчақ қаҳқаҳаси билан халқ юрагига кириб борган забардаст адиб эди.

Ғафур Ғулом қаҳқаҳаси фақат кўнгил очиш воситаси эмас, унда катта ижтимоий мазмун маҳорат билан ифодаланган. Адибнинг навқирон йилларида яратилган, яъни урушгача бўлган ўзбек прозасининг кўрки ҳисобланган «Ким айбдор», «Тирилган мурда» ҳикояларидаги соддадил Мадмуса, дангасаликдан қутулиб, меҳнат мукофотига сазовор бўлган мулла Мамажонларнинг халқ дилига нақадар сингиб кетгани ҳақида гапириб ўтирмаймиз. Кейинги йилларда яратилган «Менинг ўғригина болам» ҳикоясида адибнинг ўша навқирон ва ҳазилкаш мусаффо қалбини яққол кўрамиз. Ҳикоянинг материали қоронғу ўтмишнинг бир парчаси — қайғули бўлишига қарамай, ёзувчи уни ўткир кулги-юмор орқали маҳорат билан реалистик гавдалантиради... Кампир билан ўғри боланинг замона адолатсизлиги, йўқчиликнинг азоби ҳақидаги фикрлари муштарак бўлиб чиқади. Китобхон улар суҳбатидан хандон отиб кулса, ҳикоя охирида унинг юрагини мунгли бир ўй эгаллайди. Ўғри бола ҳам, кампир ҳам меҳнаткаш тоифадан бўлиб, улар ҳаётининг фароғатини, шодлигини замона ўғирлаган. Ғафур Ғулом қаҳқаҳасининг ижтимоий пафоси ана шундай эди.

Жаҳонга таниқли мутафаккир шоир Ғафур Ғулом кундалик матбуотга актив иштирок этиб, журналистик қаламини охирги дақиқагача қўлдан қўймаган эди. Унинг сўзи оқ олтинлар яратадиган олтин сўз, қоронғи гўшаларни ёритадиган нурли сўз, илмга аниқлик киритадиган аллома сўз эди. Хуллас, улуғ рус танқидчиси В. Г. Белинскийнинг Александр Пушкин ҳақидаги сўзларини Ғафур Ғуломга нисбатан ҳам қўллаш мумкин. Зеро, у ҳам «абадий яшовчи ва олға қараб ҳаракат қилувчи ҳодисалардан бўлиб, бундайлар ўлим билан тўқнашган нуқтада тўхтаб қолмайди, балки жамият онгида ривожланишда давом этади».

Халқ кураши ва тарихига сингиб кетган, халқ ғалабасига, инсон ҳаёти равнақига ҳисса қўшган фарзандлар доимо тириклик шарафига муяссар бўлиб, ўлмас даҳога айланадилар. Ғафур Ғуломнинг поэзияси беқиёс гўзаллик олами! Бу ранг-баранг туйғулар бўстони халқнинг абадий зиёратгоҳига айланажак.

Навоий гулшани

«МАСКАНУ МАЪВОЙИ ИЛМ...»

Алишер Навоий «Шайхур-раис» («Донишмандлар устози») нисбаси билан кенг шуҳрат қозонган бухоролик буюк ватандошимиз Абу Али ибн Синога қандай муносабатда бўлган эди? Унинг ижодида буни тасдиқловчи далиллар борми? Бу ҳақда сўз юритишдан олдин бевосита XV асрда, Алишер Навоий яшаб ижод этган жамиятда Ибн Синога қандай муносабатда бўлинганлигини аниқлаш лозим. Чунки бу масалани аниқлаб олиш Навоийнинг Ибн Синога бўлган муносабатининг туб моҳиятини тўғри тушунишга ёрдам беради.

Аввало, шуни айтиш кераккки, Ибн Синога, унинг фалсафий ва тиббий таълимотига ўрта асрлар Шарқида турлича муносабатда бўлиб келинган. Бу муносабат Ибн Синонинг ҳаётлиги давридаёқ бошланган эди: у ўз замондошлари томонидан улкан мутафаккир олим ва беназир табиб сифатида эътироф этилган, турли фанларнинг мислсиз устози сифатида тан олинган эди. Лекин ўша пайтнинг ўзидаёқ мутаассиб руҳонийлар ва ҳур фикр душманлари Ибн Синога, унинг ислом динига зид бўлган рационалистик фалсафий таълимотига ва тафаккур эркинлигини тарғиб қилувчи дадил ғояларига қарши кескин ҳужумга ўтиб, бу илғор таълимотни «зарарли» ва бидъат» деб эълон қилган, ҳатто Ибн Синога нисбатан «диндан қайтган», «даҳрий» деган «айб»ларни ҳам қўйган эдилар. Бу ҳол Ибн Сино таълимоти кенг тарқала борган сари кескинроқ тус олди. 1160 йилда Бағдод халифасининг буйруғи билан Ибн Сино асарларининг ўтда ёндирилганлигини ёки ислом ва тасаввуф мафкурасининг устунларидан бири бўлган «ҳужжат ул-ислом»— имом Ғаззолий томонидан Ибн Сино таълимотини йўққа чиқариш мақсадида ёзилган «Адашишдан қутқарувчи» номли махсус раддия китобни эслаш кифоядир.

Аммо илғор фикр душманлари ўз қора ниятларига ета олмадилар. Ибн Сино таълимоти унинг оташин тарафдорлари томонидан мардонавор ҳимоя этилди ва ривожлантирилди. Чунончи, бу таълимотнинг софлигини сақлаб қолиш ва Ғарб мамлакатларида кенг тарқалишида бениҳоя катта хизматлар кўрсатган андалусиялик буюк мутафаккир Ибн Рўшд имом Ғаззолий ҳуружларига қарши чиқиб, «Раддияга қарши раддия» номли машҳур асарини ёзди.

Мавжуд далилларга суяниб, буюк олимга унинг ҳаётлиги давридаёқ бошланган турлича муносабат XV асрда ҳам хилма-хил шаклларда давом этди, деган хулосага келиш мумкин. Бу даврда яратилган оғзаки ва ёзма ёдгорликлар бу хусусда муайян маълумотлар бера олади.

Бу даврда Мовароуннаҳр ва Хуросон халқлари оғзаки ижодида Ибн Сино ҳаёти, унинг илму дониш ва табиблик даражасининг таърифдан ташқари юксаклиги, ақлу идроки ва заковатининг ниҳоятда ўткирлиги ҳақида турли ривоятлар мавжуд бўлиб, халқ ўз фарзандининг шахсияти ва илмий даҳосига бўлган таъзимини ана шу афсоналар йўсинида билдирган. Улар Зайниддин Маҳмуд Восифийнинг «Бадоеъ ул-вақое» («Турфа ҳангомалар») асари таркибига кирган айрим ҳикоялар шаклида бизга қадар етиб келган.

Хондамир ўзининг Навоий ҳақидаги «Макоримул-ахлоқ» («Яхши хулқлар») номли машҳур асарида шундай ёзади: «Навоий Султон Абусаиднинг подшоҳлик даврида зўр олим ва донишмандлиги туфайли «Иккинчи Абу Али Сино» лақабини олган Хожа Фазлуллоҳ Абуллайсийнинг ҳузурига Самарқандга бориб, ул жанобнинг хонақоҳида ҳужра олди...». Бу ҳужжатдан маълумки, XV асрнинг ўрталарида Самарқанд илмий муҳитида, хусусан, бу ерлик донишманд олимлар орасида Ибн Синонинг шахсияти ва илм йўлидаги хизматларига алоҳида эҳтиром кўрсатилган. Чунки Алишер Навоий сўзлари билан айтганда, «Самарқанднинг аъламул-уламоси» (олимларининг бошчиси, етакчиси) бўлган устод Хожа Фазлуллоҳ Абдуллайсийнинг бу даврда «Иккинчи Абу Али Сино» тарзида юксак шарафланиши ана шундан далолат беради. Самарқанд фозиллари даврасида Ибн Сино шахсиятига ғоят катта ҳурмат билан қаралганлигини Давлатшоҳ Самарқандийнинг «Тазкиратуш — шуаро» асарида мавжуд айрим далиллар билан ҳам тасдиқлаш мумкин.

Бу даврда Хуросонда яшаб ижод этган Мавлоно Лутфий, Ҳофиз Хоразмий каби ўзбек шоирлари Ибн Синонинг «Шифо», «Қонун», «Нажот» каби гениал асарлари номларини келтириш воситасида ажойиб сўз ўйинлари (иттифоқ ва ийҳомлар) ҳосил қилганлар. Масалан, Мавлоно Лутфий шундай деб ёзади:

Дардимға қилур чора табассум била
лаълинг,
Исо қани ўрганса бу қонуни шифони.

Ҳофиз Хоразмий:

Шифо қонуни ишқиндин синаб жон
бирла издарсанг,
Санга шогирд бўлғай ул замонда
Бу Али Сино...

Хаста кўнглум жон била дардин
тилар,
Чун будур ошиқға қонуни шифо.

Навоий асарларини кўздан кечирганимизда эса, энг аввало, унинг Ибн Синога жуда катта самимий ҳурмат ва муҳаббат кўзи билан қараганлигининг шоҳиди бўламиз. Навоий ўзининг кўпчилик замондошларидан фарқли ўлароқ, «Хазойинул-маоний», «Хамса», «Мажолисун-нафоис» каби асарларида Шарқ халқларининг бу буюк алломаси номини алоҳида катта эътибор ва чуқур эҳтиром билан тилга олиб ўтади. Алишер Навоий асарларидаги Ибн Сино зикр этилган ўринлар, ҳеч шубҳасиз, улкан шоирнинг ўрта асрлар илмининг донишманд устодига бўлган муносабатини тасдиқловчи аниқ далиллардир.

Навоий «Ҳайратул — аброр» достонининг ўн биринчи мақолотини «Илм осмонининг юлдуз каби баланд мартабалилиги...» масаласига бағишлаб, илм-фаннинг жамият ҳаётида тутган мавқеини ана шу тарзда образли баҳолайди. Шоир ўз замонасида олимнинг «хор», жоҳилнинг эса «азиз» эканлиги ҳақида кенг бадиий-фалсафий мушоҳада юритади, Самарқанд, Ҳирот ва Машҳад каби илмий-маданий марказларга келиб фан сирларини ўрганаётган толибул-илмларнинг «ғурбат аро ҳоли ёмондин ёмон»— машаққатли ҳаёти ҳақида ниҳоятда жонли ва реал ҳаётий тасвирлар яратади. Навоий илм йўлига кирган кишиларнинг ўз «шаҳру диёри»дан олисда, барча оғирликни мардонавор ўз бўйнига олиб, илм-фаннинг юксак чўққиларини забт этишга интилаётганликларини олижаноблик деб билади ва буни олқишлайди. Шоирнинг фикрича, ниҳоят ўн-ўн беш йил ана шундай мислсиз заҳмат чекиб, улардан айрим кишиларгина илм соҳасида юқори камолотга эришишлари мумкин. Аммо фан мулкининг битта «соҳибқирони» майдонга келиши учун ўн-ўн беш йил эмас, ўттиз-қирқ йил, ҳатто бундан ҳам кўпроқ вақт ўтади. Бундай кишининг:

Кўнгли бўлиб маскану маъвойи илм.
Қатра каби пайкари дарёйи илм.

Ибрию юнонию сурёнии ҳам,
Ҳинди агар сўрса, билиб они ҳам...

Мушкили афлок бўлуб бежадал,
Бу Алийи фикрати оллида ҳал.

Навоий бу ўринда ўз тасаввуридаги «ҳамма илмлардан хабардор» қомусий олимнинг умумлашма образини яратиб, унинг яҳудий, юнон, сурён ва ҳинд каби кўпгина ажнабий тилларни билиши, самони (космосни) ўрганиш билан боғлиқ чигал масалаларни ҳам осонлик билан еча олишини айтади. Сўнгра асрлар мобайнида ҳеч кимнинг қурби етмаган «Бу Али фикрати»— Абу Али ибн Сино томонидан илм аҳли олдига қўйилган мураккаб фалсафий муаммоларни ҳам ҳал этишга қодир бўлган комил бир шахс сифатида таъриф қилади.

Бу ўринда диққатни ўзига жалб этган нарса Алишер Навоийнинг Ибн Синога ниҳоятда юксак баҳо бериб, унинг илм-фаннинг беназир устоди эканлигини эътироф этганлигидир. Зотан, Навоийга маълум бўлган кўпгина фан дарғалари, шоирнинг ўз сўзлари билан айтганда, фан «соҳибқиронлари» орасида фақат Ибн Сино номининг тилга олиниши чуқур рамзий маъно касб этади. Навоий Ибн Синони фалсафий фикрлаш соҳасидаги гениал даҳо сифатида ҳам таърифлайди. Бу эса Навоий Ибн Синонинг фалсафий таълимотига хайриҳоҳлик билан қараганлигидан далолат беради.

Навоий ўз фикрларида давом этиб, «Бу Али фикрати»ни ҳал этишга қодир бўлган фозил кишилар ўз замонасида «жаҳолат ва разолат» кони бўлган ҳукмдор беклар ва амирлар, бойлик ва мансаб эгалари қўлида хор-зорликка маҳкум этилганликларини, бир парча нонга зор бўлиб, очлик ва муҳтожликда оғир ҳаёт кечираётганликларини зўр таассуф билан қайд этади. Алишер Навоий ижтимоий ҳаётда бу аянчли аҳволга дучор бўлган олимни Ибн Сино даражасидаги киши сифатида муболағали тавсифлайди, яъни фан заҳматкашларининг ўрта аср шароитида хор-зорликка гирифтор этил-

Улуғ шоир ва мутафаккир олим Жалолиддин Румий (1207—1273) форс-тожик классик адабиётининг забардаст устодларидан бири. Румийнинг «Маънолар маснавийси» номи билан машҳур китоби тасаввуф ақидаларининг қомусигина бўлиб қолмай, халқ ҳикматлари, халқ масал ва маталлари, ўрта аср феодал зулми даврида шахсий эркинликка интилган халқнинг орзу-умидларини ҳам ўз ичига мужассамлантирган буюк асардир.

Бу китобни бизнинг ота-боболаримиз яхши билганлар. Уни ўз аслида мутолаа қилганлар. Аммо ҳали ўзбек тилига таржима этилмаган.

Ушбу бобда аллегорик тарзда бутун асарнинг асосий мақсади баён этилган. Шу бўлимни журналхонлар муҳокамасига ҳавола этишни лозим кўрдим.

Таржимон

Жалолиддин Румий тасвирланган бу миниатюрани наққош Ҳусайн Беҳзод чизган.

Жалолиддин **РУМИЙ**

Тингла найдин

Тингла найдин не ҳикоятлар қилур,
Ул жудоликдан шикоятлар қилур:

Ўз тўқай, ўз аҳли байтимдин жудо —
Бўлганимдин барча дилда оҳу во.

Бу жудоликдин бўлиб кўксим тилим,
Иштиёқим дардини сўйлар тилим.

Ким узоқ тушган эса ўз аслидин,
Фикру зикри ўз ҳаётин васлидин.

Қўлма-қўл кўрдим кезиб кулку, фиғон,
Қайси қўлга ўтмайин нолон бу жон

Ким хаёлан менга дўст бўлди мудом,
Билмади қалбим сирин ул ҳам тамом.

Сирларим ноламдин ўзга жўри йўқ,
Ҳеч тушунмас кимки дилда қўри йўқ.

Жону тан бир-биридин эрмас ниҳон,
Жоним кўрмакка вале тан ногирон,

Най навоси ўт эрур, эрмас шамол,
Кимда шул ўт бўлмаса, топсин завол.

Найга тушмиш ишқ-муҳаббат оташи,
Майга тушмишдир муҳаббат қайнаши.

Кимки, ёридин жудо, найдир рафиқ,
Пардаларда кўнглимиз дарди аниқ.

Заҳри ҳам найдир унинг, тарёки ҳам,
Най унинг дил чоки ҳам, идроки ҳам.

Най фиғони дер: «Муҳаббат йўли хун,
Унда Мажнун қиссаси жамдир бутун.

Унга маҳрамдир кими беҳушроқ,
Чунки тилга доимо жўрдир қулоқ».

Умримизга заҳар солди бу алам,
Шод кунларга туташди дарду ғам.

Кунлар ўтса, «ўт» дегил ҳеч бок йўқ,
Сен ўзинг қол, сендан ўзга пок йўқ.

Ким балиқдек бўлмаса, сувда нетар,
Ризқсиз кунлар жуда сокин ўтар.

Пухта ҳолин билмагай кимки хом,
Сўзни қисқа айлагаймен, вассалом.

Эй ўғил, бандларни уз, озод бўл!
Сийму зардан кўнгил уз, дилшод бўл!

Гарчи дарёдин кетирдинг кўза сув,
Бир кунингга етгай, ортиқ эрмас у.

Тўлмагай ҳирс аҳли кўзи серталаб,
Кўп қаноат бирла дур топди садаф.

Қай кишининг жомасин ишқ чок этар,
Қалбини ҳирсу тамаъдин пок этар.

Яшна, эй ишқ, бошдаги савдоймиз,
Барча дардга дорию фатвоймиз.

Эй ғурурликдан даво, номусимиз,
Сенсан Афлотуну Жолунусимиз.

Жисм тўпроқ эрди, ишқ этди фалак,
Тоғларам рақс этди мисли шаршарак.

Дамли ошиқ лабларига жуфт бўлиб,
Қолганимда ишқ куйига мен тўлиб.

Куйлагаймен дилда ҳар на борини,
Ошиқ аҳлин кўнгли, дарди-зорини.

Гунг ўлур ким ҳамзабонидин жудо,
Гарчи дилда бўлса ҳамки юз наво.

Чунки гул кетгач гулистондир хазон,
Энди унда айламас булбул фиғон.

Жумла маъшуқдир-ку ошиқ пардадир,
Ҳам тирик маъшуқу ошиқ мурдадир.

Кимда гар бўлмас экан ишқдин хабар,
Ҳолига вой! Ул қанотсиз қуш магар.

Мен нечук топгаймен ўз ақлу ҳушим
Ёр нури бўлмаса, войдир ишим.

Ишқ истарки, бу сўзни фош этай,
Кўзгу гар фош этмас эрса-да, мен нетай?

Не учун кўзгунг этолмас фош, нечун?
Юз яноғингдан хира ул, шул учун.

Тинглагиз, эй дўстлар, бул достон,
Ҳолимиздан бир ҳақиқатдир аён.

Форсийдан
Шоислом ШОМУҲАМЕДОВ
таржимаси

нлигини чуқур англайди ва жамият
раққиёти манфаатларига зид ту-
вчи бу мудҳиш ҳолатга қатъий но-
зилик билдиради.

Алишер Навоий бошқа асарлари-
ҳам Ибн Синога аввало буюк
тафаккир, тенги йўқ файласуф
ким сифатида қарайди. Буни унинг
аводируш-шабоб» девони таркиби-
кирган таржеъбандида мавжуд
бу байтлардан ҳам билиш мум-
ин:

аҳон раъносидин бўлғил мужаррад,
қилмишлар қабул аҳли они рад...

ар ҳикматда ул миқдор бўлким,
усни Бу Али оллингда абжад.

Бу ерда Алишер Навоий Ибн Си-
ни «кам кўрсатиш» санъати орқали
уғлаб, илму ҳикмат бобида жаҳон-
ундан ўтадиган иккинчи бир ки-
инг йўқ эканлигига ишора қил-
оқда.

Албатта, Навоийнинг Ибн Сино
эҳсиятига бу хилда ижобий муно-
батда бўлишида унинг Самарқанд-даги таҳсил йилларининг ҳам маълум таъсири бўлиши керак. Чунки, қайд этилганидек, XV асрнинг 60-йилларида Самарқанд илмий доираларида, хусусан, Алишер Навоийга бевосита устозлик қилган кишилар наздида Ибн Сино мавқеи ниҳоятда юксак эди.

Алишер Навоий Ибн Синони бошқа бир муносабат билан «Мажолисун-нафоис»да яна бир карра эсга олади. У ўзига замондош бўлган шоирлардан Мавлоно Бу Али ҳақида маълумот бериб, шундай ёзади: «Мавлона Бу Али девонавор юрур. Девона бўлмаса эди, «Бу Али» тахаллус қилғайму эрди?!». Бу ўринда Навоий мазкур девонатабиат шоирнинг Ибн Сино номини ўзига тахаллус қилиб олганлигини киноя билан хотирлаб, бу унинг девона киши эканлигига далилдир, деган маънода нозик қочирим қилган. Муҳими, Навоий бу билан Ибн Сино номини ҳамиша баланд тутиш лозимлигига ҳам қатъий даъват этган.

Бу ўринда яна шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, Навоийнинг шогирди Ғиёсиддин Хондамирнинг «Ҳабибус-сияр» ва Навоийнинг кичик замондоши Зайниддин Маҳмуд Восифийнинг «Бадоеъул-вақое» каби машҳур асарларида Ибн Сино сиймосини ёритишга катта эътибор берилган.

Чунончи, Хондамир ўзидан олдин яратилган тарихий манбаларга суяниб, Ибн Сино таржимаи ҳолига оид айрим муҳим маълумотларни қайд қилади ва бу билан ўзининг улуғ ҳакимга бўлган чуқур ҳурматини изҳор этади. Зайниддин Восифийнинг «Бадоеъул-вақое» асарида мавжуд Ибн Сино ҳақидаги турфа афсоналар XV аср Мовароуннаҳр ва Хуросон халқлари орзаки ижоди ва ҳукмрон диний идеологиянинг Ибн Синога бўлган муносабатини муайянлаштирувчи тарихий ҳужжат сифатида беқиёс катта аҳамиятга моликдир. Албатта, Хондамир ва Восифийларнинг Ибн Синога бу хилда ижобий муносабатда бўлишлари уларнинг бу мураккаб масалада устози Алишер Навоий изидан борганликларини тасдиқлайди.

Хуллас, Абу Али ибн Сино, Алишер Навоий ва уларнинг давомчиларининг инсониятнинг маънавий камолоти учун хизмат қилиш йўлидаги буюк истеъдод билан йўғрилган ўта фидойилик, ҳурфикрлилик ва собитқадамлик каби юксак инсоний хусусиятлари уларнинг илмий ва бадиий даҳоларини бир нуқтада туташтирувчи муштарак жиҳатлардир. Шу сабабли ҳам Ибн Сино ва Алишер Навоий ўз даврларида расм бўлган ақидалар чамбарини ёриб ўтиб, мангу келажакка мансуб бўлишга эришган, мудом ҳаракатдаги инсон тафаккурини ҳақиқатнинг жасоратга чорловчи уммонига олиб чиқишга интилган буюк сиймолар сифатида барча даврлар ва ҳамма халқлар учун бирдек азиз ва мўътабардирлар.

Шарафиддин ШАРИПОВ,
филология фанлари кандидати.

БИРИНЧИ МУАЛЛИМ

ПИТМОН қишлоғида «Шукурбойнинг ўғли Жума муаллимликни битириб келибди», деган хушхабар дарҳол ҳамма хонадонга тарқалди. Ҳаял ўтмай Шукур аканинг пастқамгина ҳовлиси «муборак бўлсин»га келган қўни-қўшни, қариндош-уруғ ва ҳамқишлоқлари билан тўлди. Кексалар гурунгни қизитиб юборди-лар.

— Оббо, Жумабой-е. Зап иш қилибсан. Энди қишлоғимиз муаллимдан ёлчийдиган бўлибди,— деди юқорироқда ўтирган қирра бурунли киши ҳали ўн еттига тўлмаган йигитгача ҳавас билан тикилиб.— Шу вақтгача муаллимлар бошқа ердан келиб, бир-икки йил ўтар-ўтмас ўз қишлоғига кетиб қоларди.

— Ундай деманг, уста,— эътироз билдирди юзлари чўғир чол ва бурчакда ўтирган ўрта ёшлардаги кишини кўрсатди.— Мана, барака топкур Наврузбой Свердловдан келиб, 7—8 йилдан бери ишлаяпти.

— Жумабойнинг муаллимликка боришига шу киши сабабчи бўлганлар,— дея гапга аралашди Шукур ака.

— Шукур ака, иккаламиз кечалари жангномаю достонларни биргаликда ўқиганимизда Жумабой ҳам бир бурчакда ўтириб, мижжа қоқмай эшитарди. Эсингиздами?— деди Наврузбой Самадов...

Алламаҳалгача гурунглашиб, тонгга яқин ҳамма уй-уйига тарқалди. Шу тонг илк марта ёш муаллим ўзи тугатган Энгельс номли етти йиллик мактабга муаллим сифатида йўл олди...

Улуғ Ватан уруши бошланди. Ҳамқишлоқлари Жумабойни ҳам фронтга кузатиб қолдилар. У қисқа ҳарбий тайёргарликдан ўтгач 1-Белоруссия фронтининг биринчи ўзбек генерали Собир Раҳимов қўмондонлигидаги 37-ўқчи-гвардиячи дивизияси ихтиёрига юборилди. Бу пайтда Курск — Орёл жангларида немис-фашист босқинчилари анча орқага улоқтириб ташланган, Совет Армияси қисмлари янги кучлар ҳисобига мустаҳкамланаётган эди.

Оддий жангчи Жума Шукуров Украинанинг бир қатор аҳоли пунктларини, Брест қалъасини озод қилишда қатнашди. Варшава остоналаридаги қонли жангларнинг бирида оёғидан қаттиқ жароҳатланди. Госпиталда даволаниб чиққач, 77-ўқчи-гвардиячи дивизиянинг 1-ўқчи батальонида хизматни давом эттирди.

Қаҳратон қиш. Яланғоч қайинлар совуқдан қотиб қолгандай «қилт» этмайди. Фақат Висла дарёсининг бир маромда шовуллашигина эшитилади, холос. Дарёнинг нариги бетида фашистлар кучли ҳимоя плацдарми қуришган. Кечга яқин батальоннинг Вислани кечиб ўтиб, ҳужумни бошлаши, душманнинг ҳимоя чизиқларини ишғол қилиши, ўт очиш нуқталари ва алоқа йўлларини ишдан чиқариши тўғрисида буйруқ келди.

...Само катюша ва артиллериянинг узлуксиз залпларидан ёришиб кетди. Орадан чамаси йигирма беш минут ўтгач, гвардиячи майор Емельянов батальонни ҳужум сари бошлади. Душман биринчи фронт чизиғидан улоқтириб ташланди.

— Рота, ортимдан, олға!— буйруқ берди взвод командири Гурьев. Юзма-юз олишувга ўтилди. Юракларида чексиз қаҳр-ғазаб тўлиб-тошган жангчилар юздан зиёд фашистни қириб ташлаб, иккинчи фронт чизиғини ҳам эгалладилар...

Одер дарёсини кечиб ўтишдаги жасорати учун эса Жума Шукуровнинг кўксини иккинчи Шуҳрат ордени безади. Берлин шаҳри учун бўлган жангларда у кўкраги ва бошидан қаттиқ жароҳатланди. Қарийб 15 кун госпиталда ҳушсиз ётди... У кўзини очганида осмон ракеталарнинг ранг-баранг шуъласидан нурафшон эди. Бу ғалаба шуълалари эди!

Уруш тугади!.. Жума Шукуров она-юртига Ғалаба билан қайтди. Яна қадрдон мактабига келиб, ёш авлодни тарбиялашдек эзгу ва шарафли ишини давом эттирди. Шу-шу, унинг бутун ҳаёти, орзу-ўйлари, интилишлари, севинч-ташвишлари мактаб, келажак эгалари — болалар ҳаёти билан чамбарчас боғланиб қолди. Ўз устида тинимсиз ишлаш, ўқиш-ўрганишга бўлган иштиёқ уни Бухоро Давлат педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёти факультетига етаклади. Институтни 1952 йилда муваффақиятли битирди.

Четдан қараганда, ўқитувчиликдан осони йўқдай туюлади; конкрет қўлланма — дарслик бор. Ҳар куни ўтиладиган темани конспеклаштирасан-у, шуни ўқувчиларга қисқача гапириб берасан. Ўтганларни сўрайсан, баҳо қўясан. Ниҳоят, дарс соати тугайди. Вассалом...

Лекин чуқурроқ қаралса, ўқитувчилик энг қийин касб: темани тушунтиришдан ташқари, уни ўқувчилар қалбига етказиш, онгига сингдириш, бир соат дарс давомида синфдагиларнинг эътибори, диққатини маълум мақсадга жалб эта билиш, фикрлашга, эркин сўзлашга ўргатиш жуда кўп меҳнат, истеъдод ва маҳоратни талаб қилади. Шу билан бирга ўқитувчи ўқувчи кўз ўнгида инсон идеалининг энг олий намунаси сифатида гавдаланмоғи керак.

Жума ака ўз касбини ана шу мураккабликлари билан тасаввур этади. Зиммасига келажак эгаларини тарбиялашдек шарафли вазифа юкланганини ҳис қилади, бутун кучини, билими ва тажрибасини ана шу ягона ва улуғ мақсадга қаратади.

1971 йилда Жума Шукуровнинг ҳаётида қувончли воқеа рўй берди. Тинч-тинчимас маърифатчининг ибратли, ҳалол ва самарали фаолияти Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан тақдирланди. Бу ўқитувчига чексиз қувонч бағишлаш билан бир қаторда унумли меҳнат қилиш масъулиятини юклади.

— Замондошларимиз ҳамма соҳа бўйича мисли-сиз юксакликка кўтарилдилар,— дейди Жума ака педагогик маҳорат ҳақида гапириб.— Фан ва техникада катта кашфиётлар яратилди. Ана шундай шароитда камол топаётган ёш авлодни, табиийки, қуруқ, умумий гаплар қониқтирмайди. Ўқитувчи ўз фанини яхши билиши, билим савиясини тинимсиз ошириб бориши, шу соҳада эришилаётган ютуқларни кузатиши ва ўрни келганда улардан фойдаланмоғи зарур. Ҳозирги дарс жараёнини техника воситалари, кўргазмали қуролларсиз тасаввур этиб бўлмайди.

Жума ака синфдан ташқари тадбирларга ҳам алоҳида аҳамият беради. Китобхонлар конференциялари, адабий кечалар ўтказади. Ўқувчиларга ҳар хил

Жума ака бундан уч йил муқаддам юз берга бир воқеани ҳамиша чексиз миннатдорчилик билэслаб юради... Москва. Кремлнинг Съездлар сароЎқитувчиларнинг Бутуниттифоқ III съезди давоэтаяпти. Нотиқ сўзини тугатар экан, «Мамлакатимпедагоглари бундан буён ҳам бутун кучларипартия ва халқ ишига сарфлайверадилар!» дея хтоб қилди. Ҳамма ўрнидан турди. Гулдурос қарсалар садоси улкан зал бўйлаб парвоз этди...

Танаффус эълон қилиниши билан бир ҳамюртунинг ёнига келди-да: «Табриклайман, дўстим», демаҳкам қучоқлаб олди Сўнгра: «Нима гап ўзи?», дегандек ҳайратланиб турган Жума Шукуровга «Правда» газетасини тутқазди. Унда СССР Олий Совет Президиумининг бир группа пешқадам маорифчиларига Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони бериш тўғрисидаги фармони босилган эди. Рўйхат охрида у ўз фамилиясини кўриб, кўзлари чақнаб кеди: «Жума Шукуров — Бухоро область, Ромитан районидаги Ф. Хўжаев номли мактаб ўқитувчиси».

Бир пасда Жума ака съезд делегатлари қуршовида қолди. Улар қаҳрамонни қизғин олқишлардилар нигоҳларида ҳавас акс этарди...

Агар сиз йўлингиз тушиб, Ромитан район «Ромитан» совхозидаги мактабларда бўлсангиз ёки хўжалик меҳнат аҳлининг катта йиғинларида иштирок этсангиз, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Жума Шукуровни албатта учратасиз. Уни ҳамма «устоз» деб ҳурмат қилади, давранинг тўрига ўтказади. Эътибор берсангиз, устозга қадалган кўзларда чексиз самимият, ҳурмат, меҳр ва ҳавас ифодаси балқиб туради. Чиндан ҳам қанчадан-қанча фан арбоблари, партия ходимлари, олимлар ва совхоз мактабларида меҳнат қилаётган педагогларнинг аксарияти Жума Шукуровдан сабоқ олишган. Биргина ўзи хизмат этаётган фан ўчоғидаги тинч-тинчимас 42 ўқитувчининг ҳаммаси Жума Шукуровнинг шогирдларидир.

Ҳар куни эрталаб бежирим кийинган, босиқ, юзларида табассум балқиб турадиган, ўрта бўйли 50—55 ёшлардаги бир киши Питмон қишлоғидаги беҳашам, оддийгина ҳовлидан чиқиб, Файзулла Хўжаев номли мактаб томонга йўл олади. У Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Жума Шукуровдир. У йўл-йўлакай бугун қиладиган ишларини яна бир карра кўнглидан ўтказади, кечган ҳаёт йўлига назар ташлайди. Ушалган орзулари ва ҳали қилиб улгурмаган ишларини саръисоб этади. Оиласини, шогирдларини, ўқувчиларини ўйлайди... Сўнгра ўзича «умрим беҳудага ўтмаяпти», деб қўяди. Ҳа, ҳақ гап. Унинг умри беҳудага ўтмаяпти. Ахир, келажак авлод қалбига илм-фан, яхшилик, инсонийлик уруғини экишдан ҳам эзгу ва улуғ иш, каттароқ бахт борми?!

Жаҳонгир ИСМОИЛОВ



Механизатор бўламан!

Д. ХЎЖАЕВА фотоси

ДАВОМИНИ ҲАЁТНИНГ ЎЗИ ЁЗГАН КИТОБ

Шбола хотирасида эласэлас сақланган кўҳна жойларга сира ўхшамасди. Бундан бир неча ҳафта муқаддам илонизидек чўзилиб кетган кўчаларда сокинлик ҳукм сурар, узум ишкомлари билан қопланган бўғотли томларда мусичаларнинг «ку-ку»лаши эшитилар, деворлар тепасидан кўкимтир тутун кўтарилар, атрофга янги ёпилган нонниng иштаҳа очадиган тотли ҳиди таралар эди. Ранг-баранг нақшли кўча эшиклари ёнида, кўрпача тўшалган супачаларда нуроний қариялар шакаргуфторлик қилиб ўтиришарди. Сал нарироқда қора-кура болалар юмшоқ гупроқда ўмбалоқ ошар, қувноқлик билан бақириб-чақириб жин кўчани бошига кўтаришар эди.

...Бугун эса, ҳамма нарса ўзгача. Вайрон-валангор бўлган деворлар ўтиб бораётган йўловчиларнинг юзларига ғам-андуҳ кўланкасини ташлайди. Аксарият ҳовлиларнинг дарвозалари ланг очиқ. Кулбаларнинг гўрдай қоронғи туйнукларидан кўкимтир тутун кўтарилади. Кўчаларда бемалол суҳбатлашиб ўтирган қариялар ҳам, қий-чув қилиб юрган болалар ҳам кўринмайди. Фақат тўда-тўда бўлиб бир томонга оқиб кетаётган қайғули, ғамнок кишилар бор, холос...

Бола бу одамларнинг қаёққа бораётгани ва нима учун ҳамманинг бирга кетаётганини билмайди. Уларни қизидирилган тандирдай жазирама чўлдан шаҳар майдонига инсон умри бино бўлиб кўрмаган бир синоатни намойиш қилиш учун қайтариб келишяпти. Бола Урданн яхши билади. Бу ерда деворга туташиб кетган кичкина устахонада унинг акаси Носир ишлайди. Бола гоҳида Носирга овқат олиб боради, гоҳида акасининг юмушини томоша қилиш учун ўша ерга югуради. Акаси эса бир парча оддий темирдан нақшдор, чиройли патнис ясай оларди... Қизиқ, илгари шаҳар бунақа эмас эди, атрофдаги ҳамма нарса ўзгача эди. Одамни йўталтириб, кўксини тилка-пора қиладиган, кўзидан ёш оқизадиган бунақа аччиқ ҳид йўқ эди...

Болани яна бир нарса ажаблантирарди: негадир бояги аччиқ тутун бўлмаган жойда ҳам кишиларнинг кўзида ёш кўринарди. Бундан чиқди, одамлар бошқа сабабдан йиғлашаётган экан-да? Гарчи, атрофда одам кўп бўлса ҳам, бу ҳақда ҳеч кимдан сўраб бўлмасди. Ҳатто, бирор кимсанинг чеккан оҳи ёки хўрсиниши серташвиш сукунатда аниқ эшитиларди, аммо ҳеч кимдан садо чиқмас эди...

Кейинги кунларда бола ҳаётида шу қадар кутилмаган мудҳиш воқеалар содир бўлдики, уларни идрок қилиш у ёқда турсин, ҳатто озроқ тушунишга ҳам улгурмаган эди. Бола бирданига ўзини улғайиб қолгандай сезди. Бироқ қарияларнинг ғам-ғусса тўла кўзларига термулиб, ўзини қийнаётган сўроққа жавоб тополмас эди.

У акасини узоқдан кўрди. Носир одатдаги жойида ўтирмай, одам бўйи келадиган узун супурги билан кўча супурарди. Унинг ёнида бир неча уста супургиларини силкитиб кўча чангитар, бошқалари эса қопяпти!— Бирданига атрофда минглаб одамнинг бир хил аянчли хўрсинишига қўшилиб кетган нола янгради ва жим турган оломон бир зумда ҳаракатга келди.— Олиб келишяпти! Олиб келишяпти!— Ҳамма вайрона ортидан кўринган мудҳиш манзара томон бўйин чўзиб қарарди.

Энг олдинда гижинглаган отларда ялангоч қиличларини елкаларига осган солдатлар, уларнинг кетидан қуролланган суворийлар соябонли қўқон аравани қуршаб келарди. Оломон орасида нола, фарёд эшитилди.

Бола ҳам ўзини ўраб олган кишилар қараётган томонга бўйнини чўзди. Ана, қиличидан қон томган миршаблар кимгадир дўқ-пўписа қилишяпти, тепаликда тикка кўмилган йўғон ёғоч — дордаги сиртмоқ ажалдай оғзини очиб турибди.

Ҳарбий отряд ўраб келаётган қўқон арава тепалик ёнида тўхтади. Беш-олти қуролли солдат қуршовида икки аскар оқ сурпга ўралган аллаэшитилган бўлса, худди шундай тўсатдан тинди... Мушфиқ она ўғлидан олдин жон таслим қилган эди.

Бола бахтсиз Муҳаммаднинг баландликда кўксини кериб, бошини мағрур кўтариб турганини энди кўрди. Муҳаммади алланима деб бақирар, бола гарчи анча яқин жойда турган бўлса-да, унга маҳкумнинг айрим сўзларигина етиб келарди. Бу ҳайқириш унинг видолашув сўзларига ўхшар, қандайдир Николайга қаратилган лаънат сўзлари эшитилар эди. Оломон унга тоғнинг тоши кўчгандагидек қудратли гувиллаш билан жавоб қайтарар эди. Воқеа сахий ёз қуёши заррин нурларини тепаликка тўкаётган очиқ кунда юз бераётган бўлса ҳам, бола ҳамма нарсани тутун ичида кўргандай бўлди. Дорда осилиб турган мудҳиш сиртмоқ ҳам, кафан кийдирилган маҳкум ҳам кўз олдидан кетмас эди.

Бирданига Муҳаммадининг ўлим олдидан хотинига мурожаати янгради:

— Меҳрибоним! Агар ўғил кўрсанг, отини Ўринполвон қўй, худо қиз берса, оти Ўриной бўлсин. Алвидо! Алвидо!..

Ноғораларнинг ваҳимали тариллаши маҳкумнинг овозини босиб кетди. Одамнинг юрагини эзадиган фарёд кўтарилди. Маҳкумнинг бўйнига сиртмоқ солинди. Кафан ичидаги гавда бир-икки силкиниб, кейин жим бўлиб қолди.

Бу мудҳиш воқеанинг гувоҳи бўлиб турган бола жон ҳолатда бақириб, одамларга уриниб-суриниб қаёққадир отилди.

У вақтлар бола Жиззах марказидаги тепаликда содир бўлган, инсон қонини музлатиб юборадиган бу воқеа уни бутун ҳаёти давомида таъқиб этишини ва кўп йиллар ўтиб, Ўзбекистон халқ ёзувчиси бўлганда узоқ, 1916 йилларда содир бўлган қонли кунларни ўзининг машҳур «Наврўз» романида тасвирлаб беришини ҳали билмас эди...

* * *

Суҳбатнинг давоми йўқдай туюларди. Бу табиий эди. Бахмалликларга ҳамшаҳарлари, «Наврўз» китоби муаллифи Назир Сафаровнинг ўзи меҳмон бўлиб келган-да! Чойхонада ўтирган қарияларнинг кўпчилиги адиб билан бирга ўсган, деярли тенгқур эдилар. Иккинчидан, улар китобда тасвирланган воқеаларнинг гувоҳи бўлган ёки ўша мудҳиш ўтмишни акалари, оталари, ҳатто боболари оғзидан эшитган кишилар эдилар...

Ушандан бери қанчадан-қанча йиллар ўтиб кетди, аммо ўша воқеалар ҳамон худди кеча содир бўлгандай кўз олдида турибди. Ҳа, хотиралар уммонини қўзғатгани учун ҳам ёзувчининг китоби катта қизиқиш уйғотди.

Назир Сафаров соч-соқоли оқарган китобхонларнинг яқинда босилиб чиққан ўз китоби ҳақидаги фикр-мулоҳазаларига қулоқ солиб ўтирарди. Қариялар унга савол беришар, ёзувчи суҳбатдошларига тўлиқ, муфассал жавоб қайтаришга ҳаракат қилар эди. Суҳбат қатнашувчиларидан қайси бири ёзувчига номаълум бўлган тафсилотлар билан унинг жавобини тўлдирар эди.

Шу пайт кўпчилик орасидан ҳаяжонли узоқ кечанинг ўзагини ташкил қилган янги гап эшитилди:

— Ҳурматли домла! Ўшанда қатл

Суратда: Уриной опа Муҳаммадиева меҳрибон фарзандлари даврасида. Бахтиёр онанинг ўнг томонида Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси Назир Сафаров.

қаррамой қиз кўрган эди! Отаси васият қилгандай қизга Уриной деб от қўйишган. Ҳозир Уриной ҳаёт, роҳат-фароғатда яшаяпти. Невара-чевара-ли, пири-бадавлат аёл!

Кеч бўлиб қолганга қарамай бадкирдор, золим полицмейстер Рукинни ўлдирган исёнкор, ҳаёти дорда узилган афсонавий қаҳрамон Муҳаммадининг қизини излаб топиш иштиёқи пайдо бўлди. Табиийки, китобнинг давоми бўлиб келадиган, ҳаётнинг ўзи ёзган бундай воқеалар ҳар доим ҳам бўлавермайди. Ажабо, қатл этилган Муҳаммадининг ўрнини босган — Уриной қанақа аёл экан? Чор ҳукуматига қарши бош кўтариб чиққан ўтюрак исёнкорнинг қизи ўз ҳаётини қай тарзда яратди?

...Муҳаррамой эри қатл этилган жойдан кета олмади. Муҳаммадининг охирги сўзларини эшитиб, у ҳушидан кетган эди. Аёл шу вақтгача бу кўрқинчли тушнинг юз бермаслигига умид боғлаган эди. Шу пайтгача унда куч бор эди. Бирор мўъжиза содир бўлишига умид боғларди. Бироқ, мўъжиза юз бермади. Аксинча, Муҳаррамойни чилпарчин қилган ёвузлик рўй берди. Қатл қилинган Муҳаммадининг укаси Жалолхўжанинг уйига уни қариндошлари қўлда кўтариб олиб келишди. Уй эгасининг хотини Офтобхон куну тун Муҳаррамойнинг ёнида бўлди.

Муҳаррамой қиз кўргач, йиғилган хотинлар чақалоққа исм қўйишга узоқ вақт бош қотириб ўтирмадилар.

— Қизга отаси исм қўйган... Раҳматли ўлими олдидан васият қилган, фақат шу исмни қўяман...— деди қорғин овоз билан она.

Уриной амакиси Жалолхўжа оиласи бўлган акасининг қизига оталик қилди, уни бир-биридан кичик болалари қаторида ўз фарзандидек ардоқлаб ўстирди...

Вақт ўтиши билан оламда ғалати воқеалар рўй берди. Халқ узоқ Петроградда Уринойнинг отасини дорга торттирган шоҳни тахтдан ағдариб ташлашди. Буюк Октябрь инқилоби ғалаба қозонди.

Бу воқеаларнинг акс садоси Туркистонга, жумладан, ҳали қаддини кулдан кўтариб улгурмаган Жиззахга ҳам етиб келди. Бу ерда ҳам доим қизиллар ва оқлар, қизил гвардиячилар ва босмачилар ҳақидаги беҳисоб «миш-миш»лар эшитилиб турарди. Шаҳарда тўпларнинг гулдураши ва милтиқ отишмаларини эшитиш мумкин эди. Кейинроқ «Комсомол» деган сўз пайдо бўлди. Ақл бовар қилмайдиган ишлар юз берарди. Масалан, Низомиддин аканинг ўғли Аллахон ёшлар раҳбари бўлиб етишди. Унинг гапига ёшлар бу ёқда турсин, қариялар ҳам қулоқ солар эди. Бутун Жиззах бўйлаб шаҳарда янги ҳаёт кетидан бораётган ва ўзларининг газеталарини чиқараётган қандайдир комсомол ячейкалари пайдо бўлгани ҳақида гап тарқалди.

...Кейинроқ эса отишмалар камайиб, кўпроқ кулги эшитила бошлади. Афтидан, ҳаётнинг ўзи ҳаммага йўл-йўриқ кўрсатар эди. Ҳатто хотин-қизлар ҳаётида ҳам ўзгариш сезиларди. Остона ҳатлаб кўчага чиқмаган хотин-қизлар паранжи-чачвонсиз юришга одатланиб борардилар.

Вақт тез ўтиб борар, болалар ҳам тез ўсар, атрофдаги ҳамма нарса тўхтовсиз ўзгаришда эди. Кечаги индамас, катталар суҳбатидан қочадиган ҳам улар хонадонига совчи келганида ҳеч ким ажабланмади.

Муҳаммадининг укаси Жалолхўжа совчиларни хурсандчилик билан кутиб олди: чунки Уринойга Жиззах комсомолларининг раҳбари Аллахон Низомиддиновнинг укаси Холдоржондан совчи келган эди. Бўлажак куёв Холдор юрагида ўти бор йигит эди. У илк дафъа «Ут арава» миниб келганда бутун маҳалла аҳли ажабланиб кутиб олган эди. Буниси ҳам ҳолва экан «Ут арава» ҳайдаб келаётган Уринойни кўрганда эса, бутун Жиззах халқи ёқа ушлаб қолди. Айниқса, қарияларнинг ҳайрати чексиз эди. Ёш жиззахликлар бўлса, аксинча, трактор рулини бошқариб келаётган Уринойни хурсандчилик билан, чапак чалиб кутиб олишди.

Дунёга келган тўнғич фарзанд — Қодиржон оилага катта хурсандчилик бағишлади. Икки йил ўтгач, 1936 йили иккинчи фарзанд — Ботиржон туғилди. Аммо болалар ота меҳрига тўя олмадилар. Холдор машинага эҳтиёт қисм келтириш учун кетаётганда ҳалокатга учраб, нобуд бўлди.

Аҳил оила бошига даҳшатли ғам тушди. Агар қариндош-уруғлар, яқин дўстлар ғамхўрлик қилмаганида Уриной билан иккита ўғлининг тақдири қандай бўлиши номаълум эди. Холдор вафотининг иккинчи йили Низомиддиновларнинг қариндош-уруғлари маслаҳатга йиғилдилар. Қизғин тортишувлардан кейин оиланинг уччала аъзоси Холдорнинг акаси, Жиззах комсомолларининг раҳбари Аллахонлар уйида туриши керак, деган битимга келдилар. Кўп ўтмай Уриной ўғиллари билан Аллахоннинг уйига кўчиб келди.

версал магазини директори Қодир ака Низомиддиновни жуда яхши билади. Ҳа, бир жойда йигирма беш йил ишлаш ҳазил гапми! Унинг кўзида «Совет савдо аълочиси» нишони порлаб турибди. Қодир аканинг юз-кўзларида одамларга яхшилик қилиш каби эзгу ният барқ уради.

— Одамларнинг ҳожатини чиқариш — бизнинг эзгу ниятимиз,— дейди Қодир Низомиддинов. Унинг бу гапи самимийлигини савдо министрлиги томонидан берилган кўплаб Фахрий ёрлиқлар тасдиқлаб турарди.

Қодир аканинг укаси Ботир ҳам савдо ходими. Ботир Низомиддиновнинг меҳнат стажи салкам чорак асрни ташкил қилади.

— Ҳа, бизнинг соҳамиз одамларга жуда зарур,— деб таъкидлайди ака-укалар.— Чунки бизнинг ишимиз одамларда яхши кайфият яратади. Кишиларга яхши кайфият эса саломатлик сингари зарур.

Уриной опанинг ҳар томонга учирма бўлиб кетган оила аъзолари бир жойга тўпланганда катта ҳовли торлик қилиб қолаётгандек туюлади. Қодир аканинг тўққизта, укаси Ботирнинг еттита фарзанди бор. Қодир аканинг бош қизи Тошкент Политехника институтининг қурилиш факультетида, кичик қизлари — Муҳаббат ва Дилфуза ҳозирча боғчага қатнашади. Болалар орасида бўлажак ҳуқуқшунослар, савдо ходимлари, ўқитувчилар бор. Ҳозирча улар мактаб қучоғида таълим олмоқдалар. Ботирнинг фарзандлари ҳам мактабда ўқийди, боғчага қатнайди. Уриной опа оиласи бирга тўпланганда бахтли онанинг юзида севинч ёшлари қалқийди. У бахтли фарзандлари даврасида ўзини ёшариб кетгандек ҳис қилади...

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

ҚИЗИЛ ДЕНГИЗ ТУБИДАН МИС ВА КУМУШ

Қизил денгиз тубида, унинг марказий ўқи бўйлаб минг метр чуқурликда жойлашган бир чўкма бор. Шу чўкма ичида худди ўйиб қўйилгандай ўзига хос тарнов мавжуд. Бу тор ва теран тарновнинг чуқурлиги эса 2811 метрдир.

Ер қобиғининг Қизил денгиз туби бўйлаб ана шу дарз кетган ёриқ жойи ҳозир тобора кенгайиб бормоқда. Геологларнинг айтишига кўра, бориб-бориб Африка билан Арабистон ярим ороли қирғоқлари аста-секин бир-биридан шунчалик узоқлашиб кетадики, ҳатто улар оралиғида океан жойлашиши мумкин.

Албатта, бу — жуда узоқ муддатни кўзлаб айтилган фикр. Аммо, ҳар ҳолда Қизил денгиз тубидаги дарз кетган жой ҳозирдаёқ хилма-хил йўналишда иш олиб борувчи мутахассисларнинг диққат-эътиборини ўзига тортаётир. Бунинг сабабларидан бири шуки, Қизил денгиз тубида унинг чуқур «кўлмак» жойларидан таркибида кумуш, рух, мис ва бошқа бир қанча кўпдан-кўп металлар бўлган уюм-уюм лойқалар топилди. Ана шундай металл лойқалар қатламининг қалинлиги 10 метрдан 30 метргача боради. Унинг устида эса, 2 минг метр чуқурликда (!) ҳарорати 60 даража иссиқликдаги қайноқ денгиз суви қатлами жойлашган.

Қизил денгиз тубидаги коннинг кашф этилиши тарихи қуйидагича: Йигирма йилча бурун океанологлар одатдаги тадқиқотларини ўтказа туриб, бу ерда ҳарорат ғаройиб бир тарзда ўзгариб турганлигига эътибор бердилар. Денгиз тубига яқин жойда худди шундай ҳароратли ўн саккизта участка борлиги аниқланди. Айниқса, «Атлантис II-Чуқур» (конни очган тадқиқот кемаси шарафига қўйилган) деб ном олган майдон бошқаларидан кўра мутахассисларни кўпроқ қизиқтириб қолди. Кейинчалик унинг остидаги чуқурликлар тубида ётган чўкма лойда мис, рух, кумуш металлари тўпланганлигини текшириб билдилар. Металларга бой мазкур балчиқли конлар ва юқорирокда сув қатламининг юқори ҳароратда бўлиши Африка билан Арабистон ўртасидаги ёриқнинг аста-секин кенгайиб боришига далолат қилади. Океан остида ётган ер қобиғи дарз кетса, денгиз суви магма (яъни, ер шари ичидаги чўғсимон эриган суюқ модда) билан қўшила бошлайди ҳамда ўз таркибидаги металларни эритади. Шунинг оқибатида қайноқ эритма совуқроқ сув қатламлари билан қўшилиб, бундаги унсурларнинг бир қисми лойқага чўкади.

Мутахассислар шундай хулосага келишди: мазкур бебаҳо конларни кемадан туриб қайта ишлаш мумкин, Кема эса нефтни пармалаб олишда ишлатиладиган қувурларга ўхшаш пўлат қувурлар конструкцияси билан жиҳозланади. Бу қувурларнинг узунлиги 2 минг метрдан ошмаслиги даркор. Унинг учига эса сўриб олувчи мослама ўрнатилади.

«Атлантис II-Чуқур» районига бевосита яқин жойлашган Судан ва Саудия Арабистони денгиз тубидаги қимматбаҳо металларни қазиб олишнинг йўлларини изламоқдалар. Дастлабки синовлар ўтказилди. Пўлат қувурлардан иборат конструкцияларни, уни ҳаракатга солувчи мотор ҳамда насосни кон қазиб оладиган кемасининг тубига ўрнатдилар.

Мутахассисларнинг ҳисоблашича, биргина «Атлантис II-Чуқур» районидаги мадан таркибида икки ярим миллион тонна рух, ярим миллион тонна мис ҳамда тўққиз минг тонна кумуш мавжуддир. Негаки, эндиликда унга бўлган эҳтиёж бутун дунёда қазиб олинаётган кумуш миқдорига нисбатан анча каттадир.

— Совхозимиз кундан-кунга ривож топиб, райондаги энг илғор хўжаликлардан бирига айланиб боряпти. Биз бундан хурсандмиз, балли ўғлим,— дейишади кекса отахонлар директор Маннон Жалолов билан учрашганларида. Мазкур хўжалик — «Партия XX съезди» совхози эришаётган кўрсаткичлари билан Андижон область, Бўз районидаги эмас, республикамизда ҳам машҳурдир.

А. ТУРАЕВ фотоси

Тошкент солномаси

Маълумки, Тошкент шаҳри Ўрта Осиёдаги йирик маданият марказларидан бири сифатида қадим замонларданоқ сайёҳлар, географлар, тарихнавислар диққатини ўзига жалб этиб келган. Шаҳар тарихининг айрим соҳалари, хусусан у билан боғлиқ сиёсий воқеалар Ўрта Осиё тарихига оид солномалар саҳифаларида кенг ёритилган. Бу солномаларнинг аксарияти қўлёзма ҳолида бизгача етиб келган, бироқ ҳали нашр этилиб, кенг ўқувчилар оммасига етиб борганича йўқ. Бундай қўлёзмалардан бир қанчаси ҳозирда Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фондида ҳам сақланаётир. Шаҳар тарихига оид маълумотлар, чунончи, Муҳаммад Ҳайдарнинг «Тарихи Рашидий» Хўжа Муҳаммад Ҳакимхоннинг «Мунтахаб ут-таворих», Абу Убайдуллоҳ Тошкандийнинг «Хулосат ул-аҳвол», Муҳаммад Фозилбекнинг «Мукаммал тарихи Фарғона», Мулла Аваз Муҳаммаднинг «Тарихи жаҳон намой», Мулла Ниёз Муҳаммаднинг «Тарихи Шоҳрухий», Мулла Мирза Олимнинг «Ансоб ус-салотин» асарларида келтирилган. Бу асарларнинг кўпчилиги Ўрта Осиёнинг умумий тарихига оид бўлиб, уларда Тошкент шаҳрига тааллуқли маълумотлар тарқоқ ҳолда, айрим муносабатлар билангина эслатилади ва кўпроқ сиёсий соҳасига тўхталинади. Тошкентга махсус бағишланган асарлар эса саноқлигинадир. Ана шундай нодир асарлардан бири «Тарихи жадидайи Тошканд» («Тошкентнинг янги тарихи») номли асар бўлиб, биз ҳозир ана шу тарихий ёдгорлик устида фикр юритмоқчимиз.

Муҳаммад Солиҳхўжа Тошкандийнинг «Тарихи жадидайи Тошканд» китобининг биринчи вараги. Муаллиф қўлёзмаси.

Тошкент солномасининг муаллифи домла Муҳаммад Солиҳхўжа Тошкандий домла Раҳимхўжа ўғлидир. Унинг ўзи берган маълумотларига кўра 1810 йилларда Тошкентда Қорёғди маҳалласида (ҳозирги Шайхантоур атрофида) дунёга келган. У аввал Тошкентнинг ўзида, сўнг 1858—1862 йилларда Бухорода таҳсил кўриб, араб, форс тилларини, тарихий адабиётни яхши ўрганган, 1862 йили Тошкентга қайтиб, Қиёт маҳалласида мударрислик, имомлик вазифаларини ўтаган. Мазкур асарларини у қарийб йигирма йил давомида, 1863—1880 йиллар орасида ёзган. Ундан кейин ҳам баъзи қўшимча тузатишларни киритиб борган.

Муаллифнинг ўз сўзига қараганда, асарнинг ёзилишига сабаб, Самарқанд тарихи ҳақидаги «Самария» асарига ўхшаш Тошкент тарихини ёритувчи бирор асар йўқлиги бўлган. Муҳаммад Солиҳхўжа Тошкандий шундай китоб яратишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди ва ўзининг бу ниятини амалга оширади. Муаллифнинг ўз қўли билан ёзилган «Тарихи жадидайи Тошканд» асарининг асл қўлёзма нусхаси 1935 йили Тошкент давлат кутубхонасига олинган. Қўлёзма 1040 варақ, яъни 2080 бетдан иборат бўлиб, хажми жуда катта. Бу ноёб китоб муаллифининг дастлабки ёзган нусхаси бўлганлиги сабабли кўп саҳифаларида биринчи матн устидан чизиқ тортилиб, ҳошияларида унинг ўрнига бошқа матн киритилган. Асар форс тилида битилиб, икки жилддан ташкил топган. Тарихнавис гарчи махсус Тошкент тарихини ёритишни кўзлаган бўлса ҳам, бироқ ўрта аср тарихчилиги анъаналарига мувофиқ, биринчи жилдда умумий тарихдан баҳс юритиб, Ўрта Осиё тарихи воқеалари баёнини Қўқон хонлигининг ташкил топган давригача давом эттиради. Бунда у машҳур тарихий асарлар «Равзат ус-сафо», «Бобирнома», «Тарихи Муқим — хоний», «Тарихи Абулфайзхон», «Туҳфайи хоний», «Тарихи Шоҳрухий» каби солномалардан тўла фойдаланган. Бевосита Тошкент тарихи хусусида эса иккинчи жилдда фикр юритилиб, бунда ҳам муаллиф, гарчи асосий эътиборни Тошкентга қаратган бўлса-да, шаҳар ҳаётини бутун Ўрта Осиёдаги сиёсий, маданий тараққиёт жараёни теварагида ёритиб боради. Жумладан, иккинчи жилдда Қўқон билан Бухоро хонликлари ўртасидаги ҳарбий тўқнашувлар ва бунда Тошкентнинг тутган ўрни, Қўқон хонларининг Тошкент шаҳри ҳамда унга тобе ерлар аҳолисига солиқлар борасида ўтказган жабр-зулмлари, бунга қарши тошкентликларнинг кўтарган қўзғолонлари батафсил баён этилади. Масалан, шундай халқ қўзғолонлари 1847 ва 1850 йиллар орасида Тошкентда, Сайрамда ва Авлиёотада бўлиб ўтади. Қўзғолонлар шунчалик кенг тус олганки, уларни бостириш учун ҳатто бутун бир хонлик лашкарлари сафарбар қилинади.

Муҳаммад Солиҳхўжа асарида Тошкент шаҳрининг тарихий топографиясига оид ҳам анча маълумотлар бор. Чунончи, тарихнавис шаҳарнинг XIX аср ўрталаридаги кенглигига тўхталиб, уни ўзи қадамлаб ўлчаганини — Шарқий дарвозадан Ғарбий дарвозагача шаҳар ўртасидан юриб ҳисоблаганда 8 минг 500 қадам, шаҳарнинг дарвозалари орасидаги масофа эса тахминан 6 минг қадамдан эканлигини ёзади. Маълумки, шаҳарнинг ўн икки дарвозаси бўлган. Бу дарвозаларнинг қандай номланганлиги ҳам асарда келтирилади: Қорасарой, Тешиккўпқа, Қўқон, Кўкча, Қирилмас, Шердор, Тахтапул, Чиғатой, Қангли ва ҳоказо.

Тошкентлик тарихнавис асарининг якунловчи қисмида шаҳарнинг тўрт даҳасини айрим-айрим олиб, уларни батафсил ёритиб беради. Даҳалар номманом санаб ўтилади: Шайхантоур, Себзор (ёки Имом Қаффали Шоший), Кўкча (ёки Шайх Зайниддин), Бешёғоч (ёки Занги ота). Қизиғи шундаки, Муҳаммад Солиҳхўжа даҳа (китобда ёзилишича рукн) дейиш билан фақат шаҳарга тегишли жойларни эмас, балки маълум даҳага уланадиган жами ерларни тушунади. У ўз тавсифида шаҳар ичидаги маданий муассасалар (мадраса, мактаб, мачит, ҳаммом ва ҳоказо), сув иншоотлари (ариқлар, анҳорлар, кўприклар), ҳунармандчилик турлари, машҳур кишилар ва бошқалардан баҳс этиб бўлгач, шу даҳанинг давоми ҳисобланган қишлоқлар ва умуман даҳа ерларида битадиган деҳқончилик маҳсулотлари, ўсимлик турлари, чорвачилик ҳақида ҳам маълумот беради. Бу маълумотлар шаҳарнинг ва умуман Тошкент вилоятига кирадиган ерларнинг (уларнинг номлари китобда бирма-бир санаб ўтилган) иқтисодий ва маданий тарихини ёритишга хизмат қилади.



Китобнинг 1040 вараги — охири.

Шаҳардаги иқтисодий аҳвол, сиёсий ва маданий ҳаёт, топографик маълумотлар Муҳаммад Солиҳхўжа билан бир қаторда XIX асрнинг иккинчи ярмида рус сайёҳлари, тарихнавислари томонидан ҳам анча кенг ёритилган. Лекин улар келтирган тафсилотларни Муҳаммад Солиҳхўжанинг «Тарихи жадидайи Тошканд» асаридаги маълумотлар билан қиёсий ўрганиш шаҳар тарихини янада мукаммалроқ ёритишга хизмат қилади. Бу тарихшунос олимларимизнинг галдаги вазифасидир.

Асомиддин УРИНБОЕВ,

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг сектор мудири.

Шоҳиста **БЕРДИЕВА**

Сайилда

Катта сайил, бошланади от пойгаси,
Қанот боғлаб учгудайин арғумоқлар.
Авж олади сайилгоҳнинг олқиш, баҳси —
Қадимий от ўйинлари дилни чоғлар.

— Ана ўтди, энг олдинга қизил йўрға,
Қаранг, ундан ўтай деди Ола Қанот!
Мақтанчоқ акамнинг оти борар зўрға,
— Ола Қанот, Ола Қанот — отмисан, от...

Ола Қанот минган йигит эр экан-да!
Чавандозлар орасида шер экан-да!
От ўйнатиб, шамол каби елиб борар,
Кўнгил берсанг, шу йигитга бер экан-да!

Улоқда ҳам ғолиб чиқди сара йигит,
Қизғиналар эси оғди, қара, йигит!
Мену бугун зўр ишқибоз — ўзи шу-да,
Аммо, дугонамнинг дили «яра», йигит!

...Катта сайил, тугай деди от пойгаси,
Чавандозим, сенга атаб ёздим назм...
От устида жавлон ургин, чавандозим,
Сени чорлар дугонамнинг гулдастаси!

Бухоро.

М. ВАСИКОВА

ПРАВОВОЕ ПОЛОЖЕНИЕ ЖЕНЩИН СОВЕТСКОГО УЗБЕКИСТАНА

ОНАЛАР МАДҲИЯСИ

Юридик фанлари доктори Мамлакат Восиқова ўттиз йилдан буён мазкур фан бўйича меҳнат қилиб келади. Олиманинг СССР қардошлик оиласида гуллаб-яшнаётган республикамиз хотин-қизларининг бахтиёрлиги, босиб ўтган шонли йўли, уларнинг ўтмишда ҳақ-ҳуқуқ учун олиб борган курашлари хусусида ёзилган, 1981 йили рус тилида босилиб чиққан «Совет Ўзбекистони хотин-қизларининг ҳуқуқий ҳолати» асари ҳам эътиборга моликдир.

Муаллиф бу асарида ҳамма даврлар учун чуқур муаммо саналиб келинган масала — хотин-қизларнинг ижтимоий ҳаётдаги роли масаласини марксча-ленинча нуқтаи назардан ечиб беради ва социализм яратган битмас-туганмас имкониятлар туфайли озодлика чиққан ўзбек хотин-қизларининг бахту иқболидан ҳаётий мисоллар келтириб, ўзининг назарий хулосаларини мустаҳкамлайди.

Бизнинг бепоён Ватанимизда хотин-қизларнинг озод ҳамда эркаклар билан тенг ҳуқуқлилиги Ленин партияси томонидан рўёбга чиқарилган ғоят чуқур тарихий, туб ижтимоий ва ахлоқий ўзгаришлар самарасидир. Муаллиф совет халқининг коммунизм қуриш йўлидаги буюк муваффақиятлари ишчи-хизматчиларнинг ярмини ташкил этувчи совет хотин-қизларининг актив яратувчилик фаолияти билан чамбарчас боғлиқлигини алоҳида таъкидлайди.

Мазкур асарнинг Улуғ Октябрь социалистик революциясигача хотин-қизларнинг ҳуқуқий аҳволи тўғрисидаги ўринлари айниқса фактларга бойдир. Жумладан, Ўзбекистон халқлари тарихий музейи архивидан олинган ва 1306 ҳижрий йилда Бухоро қозилари томонидан «кўриб чиқилган» бир никоҳ хусусидаги ишнинг мисол тариқасида келтирилиши ўтмишдаги хотин-қизлар оғир қисматини янада равшанроқ тасаввур этишга ёрдам беради.

Эксплуататор синфларнинг идеологлари, айниқса ислом динининг мутаассиб намояндалари ўтмишда хотин-қизларнинг ижтимоий ҳаётдаги ҳар қандай ролини бутунлай инкор этиб келдилар. Лекин ҳозирги пайтда капиталистик жамият файласуфлари қолишмаётирлар. Ута реакцион файласуф А. Шопенгауэр «Хотинлар фақат зурриёт учунгина керак холос, уларнинг жамият олдидаги хизмати шу билан тугайди», деб ёзади. Унинг ана шу ғайриинсоний фикрини ўзларига қурол қилиб олган буржуа корчалонлари хотин-қизларни хўрлаш, эркакларга қараганда уларга икки баравар кам ҳақ тўлаш, уларнинг ижодий меҳнатини бўғиш йўлига ўтиб олмоқдалар. Капиталистик жамиятда хотин-қизларни буюм қатори сотиш, сотиб олиш, ўғирлаш, қиморга бой бериш, исловатхоналарда сақлаш, ҳадсиз ҳақоратлар қилиш каби иллатлар ҳамон давом этаётгани ҳаммамизга аён. Фақат социалистик ижтимоий тузумгина хотин-қизларга ҳақиқий озодлик йўлини кўрсатди, уларнинг қонуний озодлик ҳуқуқларини ҳимоя этиб, оналик бахтини таъминлади.

Китоб муаллифи Совет ҳокимиятининг дастлабки йиллариданоқ хотин-қизларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш юзасидан партия ва ҳукуматимиз қабул қилган қарорларни чуқур ифтихор туйғулари билан келтиради. Ўрта Осиё республикаларида, айниқса Ўзбекистон, Тожикистон ва Туркманистонда хотин-қизларни батамом озодлика чиқариш, уларни давлат ва жамоат ишларига тортиш тезда амалга ошириладиган осон иш эмас эди. Олима масаланинг худди шу томонига алоҳида эътибор беради. У то ўттизинчи йилларгача очиқ давом этиб келган паранжи-чачвонга қарши курашнинг бегуноҳ қурбонлари — турсунойлар, зайнаблар ҳақида ҳаяжон билан ёзади. Шу ўринда бухоролик бир аёлнинг оташин сўзлари келтирилади:

«Амирлар Бухоросида хотинларнинг бошида бешта хўжайин бўларди: биринчи хўжайин — бу худо, иккинчи хўжайин — бу ер ва сув эгалари, тўртинчи хўжайин — бу мулла ва дин пешволари, бешинчи хўжайин — эр... Ўтмишда хотин-қизларнинг аҳволи ана шундай бўлган эди. Улар яшаш, давлат ишларига аралашиш нималигини билмаганлар».

Социализм хотин-қизларга чексиз ҳуқуқлар яратиб бериб, уларни катта ҳаёт йўлига олиб чиққунга қадар мураккаб тарихий жараёнларни босиб ўтди. Мана энди ривожланган социализм шароитида хотин-қизларнинг ҳаётдаги ўрни мисли кўрилмаган даражада ўсди. Бу борадаги фактлар китобда фалсафий теранлик, ҳуқуқшунослик фанининг мантиқий кучи орқали кўрсатиб берилганки, бу М. С. Восиқова асарларига хос ижобий хусусиятлардандир.

Олиманинг «Совет Ўзбекистони хотин-қизларининг ҳуқуқий ҳолати» китоби СССРнинг 60 йиллик тўйига муносиб армуғондир. Муаллиф қайта-қайта таъкидлаганидек, ер юзида биринчи социалистик давлатнинг вужудга келиши ва мамлакатимиз хотин-қизларининг чексиз ҳақ-ҳуқуққа эришишлари инсониятнинг ярмидан кўпроғини ташкил этган жаҳон хотин-қизларига ибратдир. В. И. Ленин раҳнамолигида рўёбга чиқарилган жаҳондаги энг адолатли, энг демократик тузум Ватанимиз аёлларининг шон-шуҳратини оламга ёймоқда. Совет хотин-қизлари СССР Конституцияси берган ҳуқуқ туфайли бахтли оналикни ижтимоий-сиёсий ҳаётда, партия, давлат органларида, ишлаб чиқариш ва маданий қурилишларда тобора активроқ олиб бормоқдалар, бу билан ўн биринчи беш йиллик планларининг бажарилишига, коммунизм қуриш ишига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Жўрабой МЎМИНОВ

Наботот оламида

МЎЪЖИЗАВИЙ ИЛДИЗ

Женьшень бизга қадим замонларда буюк аралиевлар оиласи орқали етиб келган. Бу сўзнинг таржимаси «одамга ўхшаш, сертомир илдиз» деган маънони билдиради. Ўтган йили августда приморьелик овчи ҳамда илдиз йиғувчи Александр Курикой томонидан топилган илдиз эса, кўпроқ каттакон денгиз қисқичбақасига ўхшайди. Бу кейинги ярим аср ичида Уссурия тайгасидан топилган энг йирик илдиздир. Унинг оғирлиги 419 грамм бўлиб, ёши — икки асрга тенг.

Мутахассислар фикрича, илдизнинг ёши аслида бундан ҳам катта. Бироқ уни радиоактив усул билангина аниқлаш мумкин. Женьшеннинг каттагина уруғи олдида ҳар бирининг узунлиги қирқ сантиметр келадиган бешта пояси бор. Бир марказдан чиққан еттита йўғон илдизни юз йилликлар яраси — чуқур чандиқ қоплаган. Узининг омадли кашфиётчиси шарафига бу антиқа илдиз «Александр» номини олди.

Тайга чакалакзоридан женьшень қидириб топиш, пичан ғарамини игна билан титкилаб излашдан кўра ҳам мушкулроқ. Дафнадай яшириниб ётган бу ўсимлик поясини фақат жуда ҳам ўткир кўзгина пайқаши мумкин. Май ойи бошларида унинг ниҳоли кўкариб чиқади, япроқлари халқа шаклида тўдалашиб ўсади, ҳар бир барги болаларнинг очиқ кафтига ўхшайди. Катталиги қорақантдек маржонсимон қип-қизил меваси ёзда пишиб етилади. Усимлик октябрда қурийди, фақат ерга тўкилиб ётган семиз тўқ қизил меваси бирмунча вақт бу ерда женьшень борлигидан дарак бериб туради. Женьшень қишда ухлайди, вақти-вақти билан поя чиқармай узоқ йиллар ҳам уйқуга кетади. Демак, бундай чоғда ярадор деб — жала туфайли, шохнинг йиқилиши оқибатида ёки йиртқичлар панжасидан майиб бўлган, деб тушунмоқ керак.

Женьшеннинг илдизи жимжимадор: илонсимон тасвир ҳам, аёл қомати ҳам, рақсга тушаётган жуфт ҳам, сакрашга чоғланган йўлбарс ҳам унда мавжуд. Лекин фаразий нигоҳ илдиздан албатта қўлларни, оёқларни, бошларни излаб топади. Умуман, илдиз йиғувчилар уни жўвага ўхшаш деб ҳисоблайдилар, унинг «жўва» мазмунини билдирувчи иккинчи «бончуй» исми ҳам мана шундан келиб чиққан. Илдизни ёз охирларида, поясида ёрқин мевалар юлдузи ёнган кезларда қидирадилар. Юз граммлик женьшенлар жуда ҳам кам. 200—300 граммлик илдиз эса фан муҳри босиладиган катта воқеадир. «Александрга қадар улканлик рекордини 1973 йил Бикин дарёси юқорисидан топилган 363 граммлик женьшень илдизи олган эди. Асримиз бошида машҳур саёҳатчи ва ёзувчи В. Арсеньев Хабаровск яқинидан «бир ярим фунтлик» улкан илдиз топган ҳамда уни Петербург шифохоналаридан бирига совға қилган эди.

Женьшень — кучли дори, зотан, унинг қудрати афсоналарда ҳаддан ташқари кучайтириб кўрсатилади. Ҳозир «бончуй»ни тайга чакалакзорларидан қидириш шарт эмас: у жўякларда ҳам, ойна олдидаги гултувакларда ҳам, лекин жуда секинлик билан ўсаётир. Бир йиллик ўсиши миллиграмм билан белгиланади. Шунга қарамасдан Амурдан Неманга қадар ўнлаб хонаки плантациялар мавжуд. Мана, йигирма йилдирки, Приморье ўлкасидаги «Женьшень» совхози доривор маҳсулот бераётир. Унинг жўяклари минглаб, ўсимлик сони эса миллионлаб ҳисобланади. Ҳосили эса центнер билан ўлчанади.

«Ҳаёт илдизи»да ҳали ҳам аввалгидек абадий сирлилик ва сеҳрлилик мужассам.

— Вуй, манови гулларнинг кўплигини!..

Р. АЛЬБЕКОВ фотоси

ОҚСИЛЛИ КАРТОШКА

Балатон кўли яқинидаги тажриба майдонларида венгриялик селекционерлар картошканинг ғалати навини кўпайтириш билан машғул бўлмоқдалар. Унинг тугунагида оддий картошка нави тугунагига нисбатан солиштирилганда уч баравар ортиқ оқсил мавжуд. Биринчи марта ундан яхши ҳосил олинди. Текшириш шуни кўрсатдики, янги нав картошкасининг оқсили тўйимлилиги жиҳатидан товуқ гўшти билан бемалол беллаша олади.

Яқин келажакда юрак-томир касаллиги билан оғриган болалар ва кекса беморлар санаторийларини нишастаси — крахмали камайтирилган сабзавот билан таъминлаш мўлжалланаётир.

Оқилжон ҲУСАНОВ

НУСХАСИ СОВУҚ

ҲАЖВИЙ ҲИКОЯ

Кадан ҳозиргина чиқиб, кўча юзида такси кутиб турган Камол Нишонов ўгирилиб орқага қаради. Ундан бир неча қадам нарида кўзларини чақнатиб, тилла тишларини ярқиратиб жинси шим кийган Тошқул келарди. Нишонов унча рўйхушлик бермаса ҳам Тошқул у билан ўпишиб кўришди.

— Дўстим Горацио!— деди у.— Сизни кўп соғиндим. Ҳар гал эслаганимда юрагим тўкилиб кетай дейди-я, қадрдоним.

Камол ҳам тенгқурининг гапига нимадир жавоб қилиши керак эди, шунинг учун:

— Ҳамиша кўришиб юрган дўстингни бирданига кўрмай қолсанг ғалати бўларкан,— деди у Тошқулга тикилиб.— Қаердасиз ҳозир? Бирор ишга жойлашдингизми?

— Театрдаман, дўстим Горацио! Сиз ҳозир қаёққа отланиб турибсиз, уйгами?

— Йўқ, тўйга бормоқчиман, такси кутиб турибман...

Камол Нишоновни кўпчилик тенгқурлари ҳазил-мутойиба, эркалаш билан «Горацио» деб аташади. Ўзи бегубор, самимий йигит. Ҳеч кимнинг дилига озор бермасам, кўлимдан келса, бировларга яхшилик қилсам, деган ният унинг қалбидан жой олган. Мана шу рўпарасида турган тенгқурига ҳам анча-мунча яхшиликлар қилган. Афсуски, Тошқулдан унга яхшилик қайтмади.

Нишонов шу ҳақда ўйлаб турар экан, ҳу нарида яшил чироқчасини ёқиб келаётган таксини кўриб қолди. Дарҳол қўл кўтарди. Такси тўхтади. Камол таксига ўтирганидан сўнг у билан хайрлашмоқчи эди, лекин Тошқул сўрамай-нетмай суриб, унинг ёнига ўтириб олди. Машина қўзғалди. Нишонов йўл-йўлакай ошнаси билан дастлабки учрашган пайтларини, кейинги воқеаларни эслаб кетди.

...Камол олий ўқув юртини битириб, эндигина киностудияга ишга кирган кунлар эди. Дастлаб у ер-бу ерда учрашиб, суҳбатлашиб юрган Тошқул бора-бора Камол билан қадрдин дўстлашиб қолди. Ўшанда у театр ва рассомлик институтининг ўнгги курсида ўқирди. Кўп ўтмай институтни битирди. Йўлланма бўйича ўз областидаги театрга бориши лозим эди, прйтахтда ишлаш илинжида Тошкентда қолди. Тошқул институт ётоқхонасидан қувилган пайтлари икки-уч ойгача Камолнинг уйида ётиб юрди. Тошқул ўзига квартира қидирди, Камол у билан бирга юрди. Сўнгра, дўстининг иқтисоддан қийналиб юрганини сезиб, дубляж қилинаётган картиналардан унга ролларни олиб берди. Шу тариқа дўстига мадад бериб юрди.

Вақти келиб, Тошқул Тошкент театрларидан бирига ишга жойлашди. Ўша ерда уч йиллар чамаси ишлади. Бу пайтларда унинг юриш-туриши, одамларга муносабати бутунлай ўзгарди. Ўзи иштирок этган суҳбатларда у фақат ғарб санъатини, ғарб адабиётини кўкка кўтариб мақтарди, Станиславский, Довженко, Наби Ғаёев, Комил Ёрматовлар ижодига писимай қарарди... Бурни кўтарилиб кетган Тошқул уч йил давомида Камолнинг уйига бирор марта ҳам келмади. Ваҳоланки, Камолнинг ўзи икки марта касалхонага тушди, кейинроқ отаси ўлди...

Нима ҳам бўлдию, Тошқул театрдан кетди. Тағин киностудияга тезроқ қатнайдиган бўлиб қолди. Камол Нишонов унинг оқибатсизлигини ўзига солиб ўтирмай, аввалгидай ҳам ёрдам қўлини узатиб, дубляждан роллар олиб берди. Тошқул дўсти Камол орқали студиядагилар билан яна қалинлашиб, кўп вақт ўтмай фирмта штат билан актёрликка ўтиб кетди. Ўша пайтларда юз берган бир воқеа Камолнинг эсидан сира чиқмайди. Киностудиянинг кекса актёрларидан бири вафот этди. Мотам митингида Тошқул кўзларидан дув-дув ёш тўкиб нутқ сўзлади. Нутқининг сўнггида: «Азиз устод! Сиз қабрингизда тинч ухлайверинг. Сизнинг ишингизни биз давом эттирамиз», деди. Шундан сўнг ўша актёрнинг ўрнида ишлай бошлади. Сценарий ҳам ёзиб, уни бир режиссёр билан шерикликда суратга олдирди. Аммо ғояси пачоқ, бадиий жиҳатдан ниҳоятда ғариб бўлганлиги сабабли фильм тезда ном-нишонсиз йўқолди. Халқ ишига бегона бу «фильм»ни матбуот қаттиқ танқид қилди.

Вақт ўтиши билан Тошқулнинг ҳақиқий башараси студиядагиларга ҳам, Камолга ҳам яна бир карра маълум бўлди.

Бир куни постановкачи режиссёрлардан Ҳасан Осмонов дубляж бўлимига кирди-да, тикка Камолнинг ёнига бориб:

— Қани, айтинг-чи, ўзингиз нима ишни қойил қилиб қўйгансиз?— деб дўқ урди дабдурустдан.— Менинг сценариймга баҳо бериш сизга қолдими?!

Расмни Н. ИБРОҲИМОВ чизган

Камол ҳайрат ичида Осмоновга тикилиб қолди. Осмонов ўзи энди суратга олдирадиган фильм сценарийсига ҳаммуаллиф — соавтор эди — Камол буни биларди. Бироқ сценарий ҳақида у ҳеч кимга ҳеч нима деганини эсламайди. Осмонов Камолга яна бир-икки аччиқ гаплар айтиб чиқиб кетди. Камол Нишонов лол бўлганича ўтириб қолди. У бир неча кун аввал Тошқул билан бўлиб ўтган қисқа суҳбатни эслади. Ўшанда Тошқул сценарий ҳақида салбий фикр билдирувди:

— Осмоновнинг сценарийсини ўқидим, расво!— деган эди Камолга.— Сценарий эмас, бўтқа! Мени айтди дерсиз, фильмни ҳеч ким кўрмайди. Примитив! Ғарбдагилар бир тийинга ҳам олмайди.

Камол ўшанда Тошқулнинг сўзларини индамай эшитди, унга ҳеч нима демади. У сценарий ҳақида бошқа бирор жойда гап бўлганини билмасди. Шунинг учун Камол актёрлар студиясига ўтди-да, Тошқулни топди. Ўзини осойишта кўрсатишга ҳаракат қилиб, уни озгина сайр этишга таклиф этди. У ёқ-бу ёқдан суҳбатлашиб юрдилар. Осмоновнинг хонаси ёнидан ўтаётганларида Камол шунчаки хаёлига келиб қолгандай эшикни очди-да:

— Ҳасан ака билан сўрашиб ўтайлик,— деб Тошқулни ўзидан олдинга ўтказди. Сўнгра, эшик олдидан узоқлашмасдан, Осмоновдан сўради:

— Ҳасан Осмонович, қани мана бу дўстимнинг олдида айтинг-чи, мен сценарий ҳақида нима дебман?

— Боринг-боринг, икковингиз ҳам бошимни қотирманг,— дея қўпол муомала қилди режиссёр.

— Бўлмаса, эшитинг, Ҳасан Осмонович: «Осмоновнинг сценарийсини ўқидим, расво! Сценарий эмас, бўтқа! Мени айтди дерсиз, фильмни ҳеч ким кўрмайди. Примитив! Ғарбдагилар уни бир тийинга ҳам олишмайди».

— Халқ кўрадими, кўрмайдими, сиз қаёқдан биласиз?— дея Камолга бақирди Осмонов.

— Ҳасан Осмонович, ўзингизни босинг, Гап шундаки, бу фикрни мен эмас, мана бу дўстимнинг ўзи менга айтган эди. Билишимча, ўзининг гапини менга суркаб сизга етказибди...

Тошқул чап беришга улгуролмай қолди. Чиқиб кетай деса, эшик олдида Камол турибди. Бироқ ўшанда ҳам бўш келмади:

— Қўйинг, Горацио, барибир сиз ҳам яхши фикр билдирганингиз йўқ сценарий ҳақида... Қўйинг энди, нима қиласиз, гапни чўзиб?

— Йўқ, энди қўймайман!— деди Камол.— Мунофиқлик қиласизу индамай кетаверамизми?.. Ҳасан Осмонович, гап нимада эканини тушундингизми?

— Тушундим,— деди Осмонов ўтирган жойида Тошқулга тикилиб.— Менга театрдагилар гапириб беришувди, энди эсимга келди. Театрдагиларнинг барисини бир-бирига тескари қилиб қўйган экан бу иблис! Қани, юринглар, учаламиз директорнинг ёнига кирайлик. Балки киностудиямиздаги дилхираликларнинг ҳаммаси сиз туфайлидир, мулла Тошқул!

Ҳаммалари хонадан чиқдилар. Бироқ коридорга чиқишгач, Тошқулни йўқотиб қўйдилар. Маълум бўлишича, олифта Тошқул кўпдан бери директор билан администратор ўртасида ивго қўзғаб, сценарий бўлими бошлиғи билан дубляж бошлиғини уриштириб, актёрлар билан сценарийчиларни бир-бирига тескари қилиб, ўзи томошабин бўлиб юрган экан. Қисқаси, студияга бир амаллаб суқилиб олган Тошқулнинг бора-бора кино санъатининг елкасига, ундан ҳам кейинроқ эса юзига оёқ қўяётгани аниқ билиниб қолди. Шу сабабли у бирор ойлардан сўнг киностудиядан ҳам бутунлай ҳайдалди. Мана, бир йилча тўпатики, студия анча тинч. Энди бу ерда аввалги асабхўрликлар йўқ...

Камол Нишонов таксида хаёл сурибми, олдинга нигоҳ ташлаб борар экан, ёнида ўтирган Тошқул орасира қуюқроқ суҳбатлашмоқчи бўлиб, унга гап ташлаб қўяр эди:

— Сиз кўнглида кири йўқ одамсиз, дўстим Горацио. Кўнглингизда гина сақламайсиз, шунингизга қойилман! Сиз — одамохун инсонсиз!

— Йўғ-е!

— Рост, юрагимнинг чуқур тагидан чиққан сўзим шу. Сиз менга кўп яхшиликлар қилгансиз. Лекин, тан оламан, мен сизга яхшилик қилолганим йўқ...

«Бу иблис қаергача бораркин?— дея ўйларди Камол.— Тўйга олиб бораверсаммикин? Тўй кўпчиликники-ку, бораверса бўлар... Йўқ, ёнимда бўлса, бари бир дилим хира бўлаверади».

— Мен Қибрайга тўйга кетяпман,— деди Камол ёнида ўтирган Тошқулга.— Сизни ҳам олиб борсам бўлаверардию сал нозик томонлари бор-да. Яна учрашамиз. Ўзингизга қулайроқ бир жойда тушақолинг.

Бирор дақиқа ўтар-ўтмас у таксидан тушишга ҳозирлик кўрди. Машина тўхтади. Тошқул тушди. У Камол билан илиқроқ хайрлашмоқчи бўлди шекилли:

— Ҳайр, дўстим Горацио,— дея жилмайганича қўл силкиди.

— Хайр, «дўстим» Яго,— деди Камол ҳудди ўша оҳангда. Машина қайта юрганидан сўнг ўзига-ўзи сўзланди.— Хайрият-е, у ярамасдан бу гал осонгина қутулдим.

КОМОДО — АЖДАҲОЛАР ОРОЛИ

Узим самолётда ўтирибман-у ҳамон гумонсирайман: чиндан ҳам Комодога учаяпманми? Икки кун аввал таржимоним журналист Андри Вариомжи билан Жакарта қаҳвахоналаридан бирида нонушта қиляётиб, фақат Индонезиядагина сақланиб қолган улкан эчкизмарларни суратга олишни истайман, девдим. Лекин мен у чоғда бу ишнинг шунчалик тез амалга ошишини ўйламаган ҳам эдим. Бақайбат эчкизмарлар Кичик Зонд архипелагидаги тўртта орол — Флоресс, Ринже, Падаре ва Комодода яшайди. У ороллар билан Жакарта ўртасида мунтазам алоқа йўқ. Комодода ҳаммаси бўлиб юз эллик киши яшайди, Ринже ва Падареда эса ҳеч ким истиқомат қилмайди. Фақат Флореседа бир неча қишлоқ бор. Эчкизмарларнинг энг кўпи Комодода ҳаёт кечиради. «Комодо» сўзининг ўзи маҳаллий тилда —«эчкизмар» маъносини билдиради.

Биз асли Бондунгга учишимиз лозим эди. Менинг шунчаки айтган гапимга биноан Андри газетага лавҳа ёзишга ваъда бериб, маршрутимизни ўзгартирибди. Комодога саёҳатимиз шундай бошланди. Учиб бораётган «Данкота» самолёти қанотлари остида жимирлаётган мовий денгизга тикилиб, бор-йўғи бир неча ўн йил авал маълум бўлган мезозой эрасининг тирик вакиллари тўғрисида хаёлга ботдим.

...Бу воқеа 1911 йили Явадан Сумба оролига учишга қарор қилган голландлик учувчи ван Боссенинг драматик саргузашти билан боғлиқ. У вақтларда бундай ишларга чоғланиш анча қалтис эди. Тропик зонада ҳаракатнинг кескин ўзгариши туфайли содир бўлган кучли ҳаво оқими кучсиз самолётни хоҳлаган кўйига соларди. Ван Боссе самолёти шўнғиб кетади, учувчи ундан чиқишга улгурмайди. Унинг бахтига самолёт орол яқинидаги сувга тушади, учувчи қирғоққа сузиб чиқади.

Ногаҳон у қаршисида улкан эчкизмар тимсолида баҳайбат махлуқ турганини кўриб қолади. Учувчи дастлаб, туш кўряпман чоғи, деб ўйлайди. Лекин шу пайт ўрмондан шунга ўхшаш икки махлуқ чиқади. Кейин маълум бўлишича, бу оролга ҳали инсон қадами тегмаган экан...

Самолётимиз пасайиб айлана қиялик устига келди. Мен ўтиргич ҳалқасидан ушлаб, ойнага эгилдим... Жадликлар билан кесилган тоғлар, текисликдаги ўрмонлар... Гўёки бу ерга, экватор ортига шимолий Марокконинг бир бўлаги отиб юборилгандай. Текис жойларнинг у ер-бу ерида хира яшил буталар, чоғроқ хурмалар ўсиб ётибди. Тоғ этагида бамбуклар тўқайи кўзга ташланади. Ҳеч қанақа ирмоқ кўринмайди.

Оролнинг шарқий чеккасида кичик қишлоқнинг кулбалари денгизга тақалиб турарди. У ердаги турар-жойларнинг қурғоқ томонида узун қора йўл — янги ёнғин изи бор. Чамаси, қишлоққа аждаҳолар келмаслиги учун ўсимликларни ёқиб туришса керак.

...Самолёт ғилдираги заминга тегар-тегмас биз аждаҳони кўриб қолдик. Биринчи таассуротни таърифлаш қийин. Капитан Сувондо «Дакотани қўндирган қумлоқдан қирқ қадамча нарида, гўё минг йилликлар қаъридан ситилиб чиққандай, илонсимон бошини баланд кўтарган бир мўъжиза бизга қараб турарди. Унинг узунлиги уч метрдан, гавдасининг марказий қўндаланги бир метрдан кам эмас эди. Назаримда, у тошдан ясалгандай. Қулоқ чиғаноғи ва бурун тешиги жойлашган, гавдасига мос бўлмаган кичик бошида қоронғи чуқурчалар кўринади. Мўъжиза қўёшга қарши турарди. Унинг жимит кўзлари нурда ялтираб, гўё лаклланган икки сариқ тугмага ўхшаб кетарди. Кўкраги кенг ва кучли, қумга ботиб турган оёқлари калта...

Самолёт уни чўчитолмайди. Қўлларимда фотоаппарат рақсга тушди. Самолётнинг у туйнугидан бу туйнугига чопиб, ҳаяжон билан фотоаппаратни шақиллатардим. Андри менинг қўлимдан тортди:

— Ахир объективингизнинг оғзи берк-ку!

Э, аттанг! Плёнка ҳам аллақачон тугаган бўлса керак... Қўлларим қалтираб аппаратга плёнка жойлагунимча, эчкизмарни тураверишга зеритирди чоғи, шошилмасдан бурилиб, думининг учбурчакли учи ерда бу ралар ва юмшоқ қумни худди омоч дай тилар эди.

Иккинчи учувчи самолёт эшигин очди. Мен унинг нарвон қўйишин кутмасдан, ерга сакрадим. Ортимда Андри ўзини отди.

— Ҳой, болалар!— капитан Сувондо самолётдан қичқирди. У эшикни кўрсатиб, бизга иккита караби улоқтирди.— Олинглар, ортиқчали қилмайди.

Биз аждаҳо ортидан чопдик. ортига қарамасдан шошилиб борарди. Йигирма метрча қолганда юришни секинлатди. Аждаҳо юриб бора ётиб, ейдиган нарса қидирибми, қум ни искади. Унинг ярим очиқ оғзида ўтдай қизил тили бамисоли оло яллиғига ўхшаб чиқди. Мен афсона лардаги олов пуркович аждаҳолар ҳақиқатдан йироқ эмас экан, де ўйладим.

Биз унинг ортидан ўн беш минут ча юрдик. Бир неча бор суратга олдим. Лекин мен уни биринчи марта кўрганимдагидек бутун буюклиги билан суратга олишни хоҳлардим. бамбук тўқайига кириб, кўздан йў қолди. Боришга чўчидим. Унинг ду ми билан отни уриб ўлдиришга ко дирлигини, ўртача кучукдай жони ворларни бутун ҳолида ютиб юбори шини билардим.

Лекин эчкизмар ҳеч қачон очи ҳужум қилмайди. Шу сабабдан бугу лар, тўнғизлар ундан ҳайиқмайди. У сурув ичига кириб олиб, то ҳайвон лар унга қизиқиб қарамагунларича кутиб тураверади. Сўнгра яшиндай тезлик билан ўлжасини уриб йиқи тади. Жониворни ўлдириб, эчкизмар яна кутиб туради. Сурув йироқлашгандан кейингина ўлжани ейишга ту шади.

Комодо эчкизмарларини кузатган олимлар, уларда ҳид сезиш аъзоси ниҳоятда кучли тараққий этган, дегал хулосага келганлар. Ўзлаб метрдан қон ҳидини сезишади. Эчкизмар ўз ўлжасининг қорнини ёрган заҳотиёқ тўқайлардан унинг шериклари чиқиб келади. Баъзилари ҳатто қўшни водийдан ҳам ҳид чиққан ерга чопишади. Бироқ ўлжадан асар ҳам қолмаган бўлади. Улар анчагача ўзларини босолмайдилар. Воқеа содир бўлган жойдаги қон доғларини ҳидлаб, телбанамо айланаверадилар.

Бу йиртқичнинг яна бир сирли хислати шуки, у нисбатан кучсиз ҳайвонларни гўё сеҳрлаб қўяди.

Эчкизмар яшириниган тўқайга тикилиб туриб, объективни бекитдим.

— Бўлди, Андри,— дедим мен,— мақсадимизга етдик..

Александр ИВАНЧЕНКО

Комодо оролида шу тахлитдаги аждаҳолар яшайди.

ҲАР ТЎҒРИДА БИР ШИНГИЛ

Капалакка қўйилган ёдгорлик

Рост гап, Австралияда худди шундай ёдгорлик уйи бор. Ёдгорлик «Кактобластик» деб аталадиган капалаклар шарафига ўрнатилган. Бунинг ўзига хос қисқача тарихи қуйидагича:

Маълумки, Ер юзининг турли текисликларида Опунция кактусининг 350 хили ўсади. Ана шу турдаги кактуслар қулай шароитларда ғоят тез ривожланади, бошқа экинларни қуритиб, бепоён майдонларни эгаллаб олади. XIX аср бошларида шу турдаги кактусларнинг бир нечта кўчати АҚШдан Австралияга келтирилган эди. Маҳаллий кишилар, вақти келиб бу ўсимлик экинларимизни гармселдан ва кемирувчи жониворлардан асрайди деб умид боғлаган эдилар. Бироқ опунция тезлик билан жуда катта майдонларни эгаллаб олди. Ўн йил ичида экин майдонлари кактус ўсадиган чакалакзорларга айланиб қолди.

1912 йили кактус ўсимликлари «ҳужум»га қарши кураш бўйича махсус комиссия тузилди. Бу пайтда 50 миллион гектар ер кактуслар билан қопланган, ҳар йили яна 500 гектарлик майдон кактусларга «бой берилаётган» эди. Кимёвий дори-дармонлар унчалик таъсир этмасди. Кактуслар билан озиқланадиган махсус ҳашаротлар келтирилиб кўлайтирилди. Бироқ улар ҳам опунцияларнинг серҳосил экинзорларга салб юришини тўхтата олмадилар. Фақат 1925 йилдагина Австралия кактобластис капалагининг эндигина тухумдан чиққан қуртидан 2750 донасини сотиб олдию шу билан кактуслар эгаллаб ётган бепоён чакалакзорларга чинакам маънода ҳужум бошланди. Мазкур қуртлар кактусларнинг фақат ўзак магзини еб тамомлардилар. Қолган вазифани қуёш нури билан шамол адо этарди. Шу тариқа 1935 йилда Австралия «хавфли» кактуслардан бутунлай халос бўлди. Уша йиллари Бунарга шаҳрида кичкина халоскор капалакка атаб ёдгорлик уйи қурилди. Қитъанинг экин-тикинларига қирон келтирган «ваҳший» кактус дастлаб ана шу шаҳарга келтирилган ва шу ердан ўз «ҳужуми»ни бошлаган эди.

Кубалик ҳиндларнинг аждодлари

Кубанинг Себаруко посёлкаси яқинида бир неча йилдан бери олиб борилаётган археологик қазилмалар мамлакат илмий жамоатчилигининг эътиборини ўзига тортмоқда. Қазилмалар давомида топилаётган қадимги маданият ёдгорликлари бу ерда бундан олти минг йил муқаддам ўз урф-одатига ва ўзига хос маданиятга эга бўлган қабила истиқомат қилганлигидан далолат бераётир.

Яқин-яқинларгача XV—XVI асрларда испан конкистадорлари вайрон этган таинлар ва субтаинлар маданияти нисбатан дурустгина ўрганилган эди. Вақти келиб бу ерда ҳинд қабилаларининг бошқа группаси — сибонейлар ҳақида ҳам тасаввур пайдо бўлди. Уларнинг турмуш тарзи таинлар ва субтаинларникидан кўра ибтидоийроқ эди албатта. Мана энди уларнинг ҳаммасидан аввалроқ мазкур оролда ибтидоий жамоа яшагани ҳақида далиллар топилди. Бу ибтидоий жамоа оддий меҳнат қуролларини ишлатишни, ҳатто тасвирий санъатнинг айрим турларини, масалан, ҳайкалтарошликни дурустгина билган.

Кубалик археологларнинг таклифларига кўра, бу ердан топилган ёдгорликлар худди шу посёлканинг номи билан Себоруко маданияти деб аталадиган бўлди.

НАВОИЙДАН ИЛҲОМЛАНИБ

Ботир Валихўжаев ва Раҳим Воҳидов қаламига мансуб «Навоий ижоди — илҳом манбаи»[1] рисоласи йирик адиб ва олим Садриддин Айнийнинг адабий-танқидий, хусусан, Навоий меросини ўрганиш борасидаги илмий фаолияти таҳлилига бағишланган.

Рисола муаллифлари Садриддин Айнийнинг дастлабки йирик тадқиқоти —«Намунаи адабиёти тожик» тазкираси хусусида сўзлайдилар. Ушбу тазкира С. Айнийнинг ўзбек ва тожик адабиёти юзасидан қилган кенгинги илмий ишлари учун сарчашма бўлиб хизмат қилади.

Садриддин Айний адабиёт тарихини ҳаққоний ўрганиш, муайян ижодкорнинг адабий фаолиятини у яшаган давр билан мутаносибликда талқин этиш соҳасида жонбозлик кўрсатган буюк мутафаккирдир. Чунончи, муаллифлар Абдулҳамид Мажидийнинг ўзбек шоири Турди ҳақидаги мақоласи муносабати билан Садриддин Айний ёзган икки мақола, шунингдек, устод олимнинг Гулханий ва Муқимий ижодига бағишланган илмий асарлари хусусида сўзлаб ўтадилар.

Одатда ҳар бир ижодкор қалбини мафтун этган соҳа ва сиймолар, мавзу ва муаммолар бўлади. Дилдан жой олган ана ўша мавзу у ёки бу талант соҳиби фаолиятида марказий ўқ вазифасини адо этади. Ер ўз ўқи атрофидан айлангани каби, ўша олим ва ё шоир ҳам ўзи севган мавзудан сира узоқлашиб кетолмайди... Шундай ҳолат улуғ адиб ва олим Садриддин Айнийнинг Алишер Навоийга садоқати тимсолида ҳам намоён бўлади, деб таъкидлайди муаллифлар. Садриддин Айний навоийшунос сифатида олиб борган тадқиқотлар ўз миқёси ва теранлиги билан эътиборни тортади. Устод Айний Алишер Навоийнинг 500 йиллик юбилейига тайёргарлик кўрилаётган бир даврда «Хамса»нинг қисқартирилган вариантини яратди ва нашр эттирди.

Тадқиқотчилар Садриддин Айнийнинг Навоий ижодини ўрганишдаги катта хизматларини тўла-тўкис кўрсатган. Йўналиш эътиборга олиб, бир бирига боғлиқ масалалар батартиб тарзда ҳал этиб борилган. Чунончи, муаллифлар «Алишер Навоий ва тожик адабиёти» мақоласининг яратилиш жараёни, унинг фазилатлари, илмий қимматини кўрсатишга ҳаракат қиладилар, шунингдек, «Хамса»нинг қисқартирилган вариантини тайёрлар экан, Айний Навоий ижодий қиёфасини ёркин сақлашга жиддий эътибор берганлигини, ҳар бир сўз маъносига путур етказмасликка интилганлигини таъкидлайдилар, йирик олимнинг Навоий «Хамса»сидан тожик халқини баҳраманд этиш йўлида жонбозлик кўрсатганлигини уқтирадилар.

Муаллифлар Садриддин Айнийнинг навоийшунослик фанида муҳим ҳодиса бўлган «Алишер Навоий» монографияси ҳақида батафсил сўзлайдилар. Улар тўғри таъкидлаганларидек, ушбу монография Айнийнинг улуғ шоир ҳаёти ва ижоди ҳақида олиб борган қарийб қирқ йиллик илмий фаолиятининг самарасидир. Монографияда Айний улуғ шоирнинг ҳаёти, шахси, ижоди, замондошларига муносабати, сиёсий фаолиятини мавжуд қўлёзма ва баёзлардаги маълумотлар асосида қиёсий ўрганган. Тадқиқотчилар йирик олимнинг бу монографиясини Алишер Навоий тўғрисида ўша даврда юзага келган монографиялар (Е. Э. Бертельс, Олим Шарафиддинов)га қиёсан таҳлил этганларки, бу ижобий натижа берган.

Хуллас, Ботир Валихўжаев ва Раҳим Воҳидовнинг ушбу рисоласи адабиётшунослигимизда икки йўналишда — навоийшунослик ва айнийшунослик фанлари нуқтаи назаридан ҳам бирдек аҳамият касб этади, деб айтиш мумкин.

Холмуҳаммад НУРУЛЛАЕВ

[1] Б. Валихўжаев, Р. Воҳидов. Навоий ижоди — илҳом манбаи. «Фан» нашриёти, 1981.

Республикамиз маданий ҳаётида яна бир қувончли воқеа рўй берди. Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзининг органи —«Ёшлик» журнали ташкил этилди. Шу йил январь ойида унинг биринчи сони нашрдан чиқди. «Ёшлик» журнали КПСС XXVI съезди тарихий қарорларини амалга оширишдек эзгу ишда коммунистлар билан бир сафда туриб жонбозлик кўрсатаётган республикамиз ёшлари ҳаётини акс эттиришга — ўз сўзини, санъатини коммунистик идеаллар тантанаси йўлида сарфлаётган навқирон бадиий зиёлилар ижодини ёритишга даъват этилгандир. Эркин Воҳидов «Ёшлик» журналининг бош муҳаррири вазифасини бажармоқда.

«Ёшлик» журналининг ташкил этилиши ёш бадиий ижодкорларга КПСС Марказий Комитети, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети мунтазам равишда кўрсатиб келаётган оталарча ғамхўрликнинг навбатдаги мисолидир.

ШАХ МАТ

Мамажон МУҲИДДИНОВ,
СССР спорт мастери

Ҳамма гап режада

Бирор мақсадни кўзлаб, уни муваффақиятли амалга ошириш учун асосланган ва кўпроқ имкониятга эга бўлган режанинг тубида конкрет ният ётади. Шахматда конкрет ният деб шундай гоя айтиладики, уни шахматчи тафаккурида реал вазият қолати билан бир қаторда унга эришиш йўллари ҳам акс этади.

Агар мақсад эгрилик ёки унга эришиш йўллари хиралик билан қопланган бўлса, у тақдирда ният конкрет бўлади ва деярли муваффақиятсизликка учрайди. Бундай ҳоллар шахмат адабиётларида «кўланкани қувиш» деб юритилади.

Конкрет стратегик ва тактик ниятларни бир-биридан фарқ қила билиш керак. Стратегик умумий план, тактик уни амалга оширувчи алоҳида операциялардир. Борди-ю, стратегик планни бир занжир деб тасаввур этилса, унинг ҳалқалари тактик ниятларни ташкил этади.

Конкрет стратегик ният курашнинг муайян босқичидаги вазифадан иборатдир. Уйланган планга зид бўлган мақсад ва юришларни белгилаш стратегик нуқсондир. Ҳисоб юритишда янглишиш, рақиб жавобини сезмай қолиш, конкрет стратегик ниятни амалга оширишни қийинлаштирувчи ёки йўққа чиқарувчи ҳаракатларнинг барчаси — тактик хатодир.

Шундай вазиятлар ва кураш жараёнлари ҳам бўладики, унда реал ниятни белгилаш жуда қийинлашиб кетади. Бундай ҳолларда вазиятни чамалаш борасидаги умумий мулоҳазалар билан чекланишга, фикрнинг конкретлигини асосан рақиб солаётган хавфларни даф этишга йўналтириш керак бўлади. Баъзан ёпиқ пиёдалар занжирига эга вазиятларда ўйин зарурат туфайли сипоҳлар маневрининг озми-кўпми чўзилишига олиб келади. Бундай ҳолларда ҳаракатларнинг тахминий образи ҳақидаги масала пайдо бўлади. Буни ҳатто план деб аташ қийин: мақсад равшан эмас ёки умуман йўқ, юришлар эса ё пойлашни кўзда тутади, ё бўлмасам фақатгина тор тактик далилларга эга бўлади. Натижада ўйин кўпинча мувозанат шиори остида давом этади ва дуранг билан якунланади. Бу жараёнлар одатда ижодий зерикарли, гоявий қуруқ бўлади.

Юқорида баён этилган фикрларни СССР XV чемпионатида ўйналган конкрет бир партия мисолида кўриб чиқайлик:

1. d4. Кf6. 2. Кf3. d6 3. Cf4 Cg4. e3 Kbd7 5. Ce2 e6?

Шу юриш билан қоралар учун қийинчиликлар бошланади. Улар қўққисдан ўз планини (чунончи, 5... e:f3 6. C:f3 e5 7. Cg5 c6 кейинчалик Ce7 o-o) амалга оширишдан воз кечиб, «тинчгина» пойлаш тактикасини тутишга киришмоқда. Оқлар бу аснода албатта, ўз кучларини ишга солиб, марказда ҳужум бошлашга тайёрланади.

6. h3 ch5 7. o-o Ce7 8. c4 o-o.

Қоралар қисилиб қолмоқда, кўпчилик сипоҳлари — икки рухи, фарзини, h5 даги филининг ҳаракати учун тузукроқ йўл кўринмайди. Ва ҳар қалай, қоралар кейинчалик ўз ўйинини конкрет ният асосига қурганда, рақиби учун ҳужум бошлаш планини амалга ошириш осон бўлмасди.

9. Ke3 Ke8?

Бу чекиниш конкрет мақсадга эга бўлмай, қора доналар жойлашувини янада ёмонлаштиради, холос.

Қоралар e6—e5 юришисиз ўз олдида турган вазифани уддалай олмайди.

10. Фd2 f6 11. Лad1 Cf7 12. Ch2 c6 13. e4 Крh8?

Ҳозир ва ундан кейинги юришларда e6—e5 ўйнаш керак эди. Марказда яхши мустаҳкамланган пиёда қораларга мудофаа планини тузиш имконини яратарди. Бунинг ўрнига улар рақиб ҳужумини сустлик билан кутмоқда. Ҳужумга оз қолди.

14. Лfe1 g6? 15. cf1 Kg7? 16. c5!

Бу конкрет планнинг дебочаси бўлиб, мақсади фарзин флангида пиёдалар ҳужумини бошлашдан иборатдир.

16... d5 17. ed ed 18. b4 b5 19. a4.

Оқларнинг нияти равшан ва конкрет бўлиб, «а» вертикалини очиш, уни руҳларию фарзини билан эгаллаш, рақиб қарорғоҳига кириб боришни кўзда тутади.

19... a6 20. ab ab 21. Ла1 Ле8 22. Ла2.

Очиқ йўлни эгаллаш учун типик тактикавий усул.

22... Фе8 23. Леа1 Фb7 24. Фb2 Ке6 25. Ла3 Ке7 26. Ке5! Л : a5.

Акс ҳолда сипоҳ кетарди — C : c7! 27. Л : a5 Ксa6 28. Фa3 Kab8 29. Ла7 Фc8.

Мақсадга эришилди. Энди қўлга киритилган вазият устунлигидан фойдаланиш босқичи бошланди.

30. K : b5.

Бу қурбон ғалабага олиб келувчи ягона йўл эмас. 30. Лc7 Фd8 31. Фa7 ҳам етарлидир.

30... cb 31. C : b5 Крg7 32. C : b8 K : b8 33. C : e8 Ф : e8 34. b5 Cf8 35. Фe3 Фc8 36. Фf4.

Оқлар Ke5, кейин Ла8, Фc7 хавфини солмоқда. Шунинг учун қоралар таслим бўлди. Бу уларнинг яхши режасиз иш тутганлигининг оқибатидир.

Энди сиз, журналхонлар, 1. d4 Kf6 2. Kg3 b6 3. Kc3 cb7 4. Cg5 d5 5. e3 e6 6. Ke5 Ce7 7. Cb5+c6 8. Cd3 e5 9. o-o o-o 10. Фf3 Ke6 11. Фh3 g6 юришларидан кейин вужудга келган позицияни яхшилаб кўриб чиқинг. Ушбу вазиятда оқлар билан қандай ўйинардингиз?

Ҳақир-Шиқанак

Сичқон билан Олапар

Нима ҳам бўлдию бир куни Сичқон —
Аллане ўмариб тушди қопқонга.
Жон ҳолатда уриб ўзин ҳар томон,
Чийиллаб, типирлаб тушди нолонга:
— Дунёда ҳақиқат қолмабди сира,
Айтинг, ахир, а —
Нима гуноҳ қилдим, мен бир бечора?
Олганим — омбордан бир сиқим дону —
Ҳозиргиси эса — бир бурда нон-да!
Шу арзимас ишга — шунчалик чора!
Ахир, ўрмонда —
Еб тўймас, аждаҳо не йиртқичлар бор,
Ҳаттоки филниям ютишга тайёр.
Бўрининг ҳамиша оғзи қонғу!
Қуритяпти Тулки товуқ зотини,
Кийикка ўч эмиш Шернинг хотини,
Шулармасми, айтинг, энг катта ўғри?!
— Гапларинг, умуман олганда тўғри,—
Деди уни тинглаб турган Олапар,—
Ҳа, ҳали учрайди нафси ўпқонлар,
Лекин, сен ҳам, ахир, шуларнинг бири,
Эл омборин тешиб, аста, яширин —
Қўлингни чўзасан текин томоққа.
Аммо ўғри борки, ёзмиши битта:
Хоҳ кичик, хоҳ катта —
Сен каби бир куни тушар тузоққа!

Хотин-қизлар сартарошхонасида байрамга тайёргарлик.

— Мана, бир ҳафталик овқатни бир варанкайинга пиширириб қўйдим...

Расмларни А. ХОЛИҚОВ ва Н. ИБРОҲИМОВ чизган

— Мен спорт билан шуғулланиб оздим, сизчи?
— Мен ревизиядан кейин оздим.

БОЙТИЛЛА

ҲАЖВИЯ

Азамат собиқ курсдошини тўйда учратиб танимай қолди: Бойтилланинг кўзлари ич-ичига чўкиб кетибди, манглайида қат-қат ажин, юзлари заҳил, шалвираб қолибди.

— Танобинг бўшаб қолибди-ку, дўстим, нима бўлди?— Азамат Бойтиллани оҳиста қучоқлаб меҳрибонлик билан сўради. Бойтилла гуноҳкорларча жилмайиб кўкрагини силади:

— Соғлиқни бой бериб қўйганмиз, Азаматжон. Шартимиз кетиб, партимиз қолди.

— Қўй-е!

Азамат қадимги одатини қилиб, дўстининг елкасига беозор уриб қўйган эди, у мункайиб қолди.

— Секинроқ-э, айиқполвон!

У носвой шишасидан нўхатдай дори олиб, тилининг тагига ташлади, кейин, чап кўзини қисиб, бош ирғади:

— Ҳали уйга борганда айтиб бераман, овқатга қара...

Бойтилла, тўй тарқагунча ўтириш бизларга ярашмайди, деб қистайверганидан кейин ўринларидан туришди. Дўстлар тўйбошига узр айтиб кўчага чиқишди. Бойтилла чап қўли белида, камондай эгилиб, Азаматни ўз машинасига таклиф қилди. Машинага ўтиришгач, Азамат дўстининг елкасига енгилгина шапатилади:

— Белингга нима бўлган, оғайни?

Бойтилла сохта илжайиб уҳ тортди:

— Бошидан ўтган бир доно айтган экан: «Номим чиқсин десанг, бергил зиёфат, белим чиқсин десанг, қургил иморат». Участка қурамиз, деб радикулит орттириб олганмиз. Ўзинг қалайсан, катта домла бўлай дедингми? Соғлиқ дурустми, мотор бақувватми? Аккумулятор чўкиб қолмадими? Гилдираклар оғримайдими? Скорость қалай, соатига неча километр босяпсан? Кўзойнак тақиб олибсан, фаралар хиралашиб қолдими? «Бензин»дан ҳали ҳам отиб турибсанми?

— Фақат тўқсон бешидан,— деб кулди Азамат.— Ўзинг қалайсан, бошни иккита қилдингми?

— Машинани иккита қилдим, бири мана —«Жигули», иккинчиси — «Волга»!

— Ўқитувчилик қиляпсанми, ё бошқа ишга ўтдингми?

— Нимасини айтасан, покришка масаласи чатоқроқ.

Азамат Бойтиллага ҳайрон бўлиб қаради:

— Дўстим, сенга нима бўлди ўзи, мен Аҳмад десам, сен Раҳмат дейсан. Бу қанақаси: икки гапнинг бирида машина, участка! Бутунлай ўзгариб кетибсан-ку!

— Ҳа, шаҳар айниқса зилзиладан кейин ўзгариб кетди,— деди Бойтилла бошини лиқиллатиб.— Эртага бир томоша қилдираман.

— Шаҳарни танимай қолдим,— деди Азамат,— жуда гўзаллашиб кетибди.

— Ҳа, айтдим-ку боя ажабланмасанг ҳам бўлади.

Азамат: «Тўғри, ҳамма нарса ўзгарибди, бироқ сен қотиб қолибсан», демоқчи бўлди-ю, йигирма йилдан бери кўришмаган дўстини ранжитиб қўйишдан қўрқиб, индамади.

— Мана, етиб келдик,— деди Бойтилла «Жигули»ни тўхтатиб.

Азамат кўнгли хира тортиб машинадан тушди. Темир дарвоза ортидан сержаҳл итнинг вовуллаши эшитилди. Ҳозиргина кириб кетган Бойтилла ичкаридан овоз берди:

— Азамат, киравер, ушлаб турибман.

Азамат олдинги оёқлари билан ҳаво кесаётган, важоҳати қўрқинчли итга ваҳима билан қараб, ўзини ҳовлига урди. Бойтилла ит тушунадигандай тилда алланима деб, Азаматнинг ортидан юрди.

— Қиммат, меҳмон келди!

Қирқ ёшлардан ошган, қуёш кўрмаган ниҳолдай нозик, заҳил, кулчадан юзли жувон ичкаридан чиқиб, меҳмонга синовчан назар ташлади:

— Ассалому алайкум!

— Айтардим-ку сенга, Ўзганда бирга ўқиган ўртоғим бор деб, ўша хумпар Азамат шу бўлади. Қани, дўстим, ечин.

Қимматхон меҳмоннинг уст-бошига кўз югуртириб, ошхонага кириб кетди. Бойтилла йўл-йўлакай тўрттасочини тараб, дўстини меҳмонхонага бошлади. Азамат залга кириши билан кўзи қамашиб, остонада тўхтаб

қолди. Масалага тушунган Бойтилла сирли илжайиб, собиқ курсдошининг тирсагидан ушлаб тўрга бошлади.

Азамат анграйиб қолиши бежиз эмас эди: у оддий меҳмонхонага эмас, нафталин ҳиди анқиб турган базага кириб қолган эди! Бу ерда нималар йўқ эди, эҳ-ҳе. Баланд шифтда салобатли, шокиладор қандил порлаб турар, тўрт томонга осилган анвойи гиламлар чўғдай товланар, хонажда ишланган мебелларда одамнинг акси кўринар, «Хельге» сервантидаги биллур идишлар ял-ял ёнар эди. Азамат кўзига автомобиль чироғи тушган йўловчидай қўли билан юзини тўсди. Кейин гулдор духо-

Мезбонинг бошқа хонага чиқиб кетганидан фойдаланиб, мебель устидаги қоғозга кўз югуртирди. Унда «Илимос, қўл тегизилмасин!», деган сўз бор эди. «Музей, ҳақиқий музей, агар Бойтиллани бир четга ётқизиб қўйса, мўмиёланган фиръавннинг ўзи бўлади», дея хаёлидан ўтказди Азамат.

Бойтилла кириб, қандилни томоша қилаётган Азаматдан ғурур билан сўради:

— Акангнинг дидига қойилмисан, икки ярим мингга олганман!

— Жуда чиройли экан!

— Гиламларга нима дейсан, гиламларга? Ановиси эронники, мановисини, ерга тўшалганини қўлдан беш мингга олганман.

— Студентлик чоғингдаёқ ялтироқ буюмларга ўч эдинг. Бизлар китоб ўқисак, сен заргарлик магазинига югурардинг.

— Шунинг учун ҳам студентлик —



Футболчи робот:— Агар тонимни ошириб, «Жигули» олиб берсангиз, бошқа командага ўтиб кетаман!



— Хотинжон, шу... қандайдир бир нарса етишмай турибдими дейман-да?

Бойтилла ўзининг ҳозиржавоблигидан завқланиб кулди.

— Расм ҳам залга ярашибди,— деди Азамат «Помпейнинг сўнгги куни» расмини кўрсатиб,— дидинг дуруст.

— Буни атайлаб Қимматхонни қўрқитиш учун сотиб олдим,— деди қувлик билан илжайиб Бойтилла.— Агар газни ўчириб кетмасанг, ўт чиқиб, мана шу аҳволга тушамиз, деб тайинлаганман.

— Ахир, расмнинг маъноси бутунлай бошқача-ку?

— Маъносини бошингга урасанми, пулидан гапир, пулидан. Энди, дўстим, бошқа хоналарни эртага кўрсатаман, ҳозир емакхонага марҳамат.

Бойтилла меҳмонни «емакхона»га бошлаб кирди. Азамат ўтириб, столга кўз ташлади. Стол устида анқонинг уруғидан бошқа ҳамма нарса муҳайё эди. Мезбон ангишвонадай кичкина қадаҳга «наполеон» коньягидан қуйиб, Азаматга узатди.

— Ўзингга қуймайсанми?

Бойтилла, гуноҳкорларча кулиб ошқозонини силади.

— Боя айтдим-ку, менга бўлмайди.

— Ўн грамм ҳеч нарса қилмас?

— Мумкин эмас. Битта ошқозон бўлса майли эди. Жигарнинг ҳам мазаси йўқ. Гипертон, радикулит бор. Яқинда «сариқ» билан ётиб чиқдим. Юрак ҳам чатоқ. Икки марта инфаркт бўлдим.

— Яна касаллик тарихими?— Эрига таъна қилди ош кўтариб кираётган Қимматхон.— Бошқа гапингиз йўқми?

— Бизнинг табибниса мана шунақа танқид билан даволаб турадилар,— деди Бойтилла ширгуручни ёнига тортиб.— Қани, ошга марҳамат.

Азамат ошдан ярим қошиқ олиб Бойтиллага қаради:

— Дўстим, молу дунёга қизиқиб кетиб, соғлиғингни йўқотиб қўйганга ўхшайсан. Даволансанг бўлмайдими?

— Дачани битириб олай, кейин касалхонага ётаман,— деди Бойтилла шифтга қараб,— икки ҳафталик иши бор.

Азаматнинг юраги дук-дук уриб кетди, қошиқни лаганга қўйиб Бойтиллага тикилди.

— Соғлиқ бўлмагандан кейин олтин-кумушни, қасру равонни бошингга урасанми? Емай-ичмай тўпланган дунё одамга вафо қиладими? Дўстим, сенга ачинганимдан, куйганимдан айтяпман. Молпарастлигинг ипак қуртининг қилмишига ўхшаб кетяпти. У ипак ўраб-ўраб пилланинг ичида қуртга айланиб қолади. Ипаги ўзига буюрмайди.

— Шуҳрат-чи, шуҳрат?— деди Бойтилла ишонч билан.— Ё донғинг чиқсин, ё чангинг, деган гапни билмайсанми?

— Ниятингга етибсан,— деди Азамат,— чангинг чиқибди. Энди менга рухсат.

— Шу ерда ёта қолинг,— деди Қимматхон тил учида.

Азамат индамай ўрнидан турди. Уз фикри билан банд Бойтилла дастурхондаги кичкина тилла қошиққа тикилиб ўтирар эди.

Абдулла ҚОЗОҚ



КРОССВОРД

Энига: 8. Булут ҳосиласи. 9. Ҳашарот. 10. Бир давр кишиларининг атамаси. 13. Ёввойи ўсимлик. 15. Яхши боғбонга бериладиган сифат. 17. Дарё чеккаси. 20. Туркман классик шоири. 21. Чим чозгон командаси. 24. Фан, тилшуносликнинг бир қисми. 26. Ботиқ кўзгу воситасида осмон жисмларининг тасвирини ҳосил қиладиган телескоп. 29. Қишки кийим. 30. Рибоят, халқ оғзаки ижоди жанри. 33. Йиртқич қуш. 35. Ун ишлаб чиқариш корхонаси. 39. Қўлда тўқилган йўл-йўл ип ёки жун мато. 40. Ижобий хислат. 41. Океаннинг шарқона номи.

Бўйига: 1. Композитор, СССР халқ артисти. 2. Рўзғор буюми. 3. Полукли ўсимлик. 4. Улов қўшиб ишлатилган қадимги деҳончилик анжоми. 5. Дунё томони. 6. Катта ариқ. 7. Ижодкор. 11. Ўзбекистондаги район. 12. Овқатли ацетат кислотасига сув қўшиб тайёрланадиган туссиз суюқлик. 14. Балиқ уруғи. 16. Халқ оғзаки ижоди куйчиси. 18. Чизмачилик асбоби. 19. Узоқ Шарқдаги шаҳар. 22. Металл. 23. Улкан ҳайвон. 25. Ватанимиз ғарби-жанубидаги курорт шаҳар. 26. Ўрта аср Шарқининг олими, табиб ва мутафаккир. 27. Сўз туркумларидан бири. 28. Кўнгилочар ўйин. 31. Сабзавотнинг бир тури. 32. Табиий рағишда ўсадиган гулли ўсимлик. 33. Киши руҳий дунёсининг ёки ички ҳис-туйғулар марказининг рамзи. 34. Ёзув қуроли. 36. Синган суякларни даволаш учун табобатда қўлланиладиган органик модда. 37. Химиявий элемент, рангсиз ва ҳидсиз газ. 38. Ўзбек халқ куйларидан бири.

Тузувчи **Фозилжон ОРИПОВ**

2-СОНДА БОСИЛГАН КРОССВОРДНИНГ ЖАВОБИ

Бўйига: 1. Бошкент. 2. «Широқ». 3. Аҳоли. 4. Камий. 5. Ниёзбек. 6. Фалак. 9. Ойдин. 10. Самарқанд. 12. Секундант. 14. Адоий. 15. Кўкча. 16. Ленин. 17. Танча. 18. Тумоқ. 22. Чехов. 24. Шоший. 25. Паркент. 26. Авазхон. 28. Иқбол. 29. Ойбек. 30. «Ватан».

Энига: 1. Шош. 4. Кон. 6. Фрунзе. 7. Қодирий. 8. Бухоро. 11. Тўқимачилик. 13. Коммуна. 18. Туркман. 19. Асар. 20. «Тошкентнома». 21. Нақш. 22. Чигатой. 23. Қоратош. 25. Политехника. 27. Волдир. 28. Икромов. 31. Алмаий. 32. Тол. 33. Нон.

МУҚОВАДА

Биринчи бет: Тошкент пиллакашлик фабрикасининг мастери Дилором Қосимова билан шу корхона ишчиси Бахринисо Бакирова ишлаб чиқаришда ҳамиша бошқаларга ўрнак бўлмоқдалар.

Б. МИЗРОХИН фотоси

Тўртинчи бет: Она ва фарзанд.

Н. ШАРИПОВ фотоэтюди.

Зарварақнинг биринчи бетида: Республикамиз пойтахти Тошкентда улуғ ўзбек маърифатпарвар шоири Зокиржон Фурқатга ҳайкал ўрнатилди. Монумент авторлари — ҳайкалтарош, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати **Илҳом Жабборов** ва архитектор, Ҳамза номидаги республика Давлат мукофоти лауреати **Серго Сутягин.**

Н. ШАРИПОВ фотоси

Бош редактор МИРМУҲСИН

Редколлегия: Сарвар АЗИМОВ, Воҳид ЗОҲИДОВ, Наримон ИБРОҲИМОВ (бош рассом), Маҳмуд МЎЙДИНОВ, Анвар САИДУМАРОВ (масъул секретарь), Санд ШЕРМУҲАМЕДОВ, Комил ЯШИН, Азиз ҚАЮМОВ, Муҳаммадали ҚЎШМОҚОВ, Исломиддин ҲАЙДАРОВ, Оқилжон ҲУСАНОВ (бош редактор ўринбосари), Ҳаким ҲУСНИДДИНХЎЖАЕВ.

«Гулистон»— ежемесячный общественно-политический, литературно-художественный журнал ЦК КП Узбекистана (на узбекском языке).

Адресимиз: 700000, Тошкент — П, Ленин кўчаси 41.

Редакция телефонлари: бош редактор — 33-35-20; бош редактор ўринбосари — 33-35-90; масъул секретарь — 32-58-33; ижтимоий-сиёсий бўлими — 33-36-59; адабиёт ва санъат бўлими — 33-36-02; фан ва маданият ҳамда рассомлар бўлими — 32-58-32.

Босмахонага туширилди: 21.01.1982 й. Босишга рухсат этилди 22.02.1982 й. Р — 07086. Қоғоз 70×108¹/₁₆. Ботиқ усулда босилди. Шартли босма табоғи 5,6. Нашр ҳисоб табоғи 7,80. Тиражи 259610. Буюртма 2509. Нашр М—105.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. 700000, Тошкент, ГСП, «Правда Востока» кўчаси, 26.

Рассом Б. ЖУКОВ ишлаган плакат

Океан ортидан вайсақи Жаноб
Яқин Шарққа чўзар «ёрдам қўлини».
Васваса уруғин сочаркан бу кун
Ташвишга солмоқда дунё элини.

Ашурали АҲМЕДОВ

ISSN 013—2207
Баҳоси 35 тийин
Индекс 75233.